

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“Банк иши”  
йўналиши**

**“ЗАМОНАВИЙ БАНК ИШИ”  
модули бўйича**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Тошкент – 2017**

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 24 августдаги 603-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

**Тузувчилар:** ТДИУ, катта ўқитувчи, Мамадияров З.Т.

**Тақризчилар:** Каримов Ф., Тошкент Халқаро Вестминстер университети, Ph.d.  
Рахимов М., Тошкент Халқаро Вестминстер университети, Ph.d.

*Ўқув -услубий мажмуа Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
Кенгашининг 2017 йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ - сонли қарори билан тасдиқка  
тавсия қилинган.*

## **МУНДАРИЖА**

|   |           |
|---|-----------|
| <b>I. ИШЧИ ДАСТУР .....</b>   | <b>3</b>  |
| <b>II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ<br/>ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ. ....</b> | <b>10</b> |
| <b>III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР .....</b>   | <b>19</b> |
| <b>IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....</b>                                     | <b>83</b> |
| <b>V.КЕЙСЛАР БАНКИ.....</b>   | <b>86</b> |
| <b>VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ.....</b>   | <b>90</b> |
| <b>VII. ГЛОССАРИЙ .....</b>   | <b>93</b> |
| <b>VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....</b>   | <b>95</b> |

# I. ИШЧИ ДАСТУР

## Кириш

Мазкур ишчи дастур иқтисодиёт соҳаси қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишлари учун хорижий тажрибалар асосида ишлаб чиқилган ва Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2016 йил 6 апрелдаги 137-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастурга мувофиқ шакллантирилган.

Дастур замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қиласди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017 йил 20 апрелда имзоланган “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”<sup>1</sup>ги қарорда “хар бир олий таълим муассасаси жаҳоннинг етакчи илмий-таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш, ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материалларини кенг жорий қилиш, ўқув-педагогик фаолиятга, мастер-класслар ўтказишга, малака ошириш курсларига хорижий ҳамкор таълим муассасаларидан юқори малакали ўқитувчилар ва олимларни фаол жалб қилиш, уларнинг базасида тизимли асосда республикамиз олий таълим муассасалари магистрант, ёш ўқитувчи ва илмий ходимларининг стажировка ўташларини, профессор- ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилиш”<sup>1</sup> вазифалари алоҳида таъкидланган.

Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиши усувларини ўзлаштириш бўйича билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш, чет тилларини интенсив ўзлаштириш даражасини ошириш ҳисобига уларнинг касб маҳоратини, илмий фаолиятини мунтазам

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”<sup>1</sup>ги 2909-сонли Қарори. “Халқ сўзи” газетаси, 2017 йил 21 апрель.

юксалтириш, олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришни тизимли таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик вазиятларда оптимал қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг маҳсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар ўзгартирилиши мумкин.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

Замонавий банк иши модулининг **мақсади** банк ҳақида илгари сурилган илмий-назарий концепциялар тўғрисида қиёсий, таҳлилий маълумотлар бериш, замонавий педтехнологиялардан фойдаланиб тингловчиларни малакасини оширишга кўмаклашиш хисобланади.

Замонавий банк иши модулининг **вазифаси**:

- Банк тизими, унинг бўғинлари бўйича олиб борилаётган ислоҳотлар тўғрисидаги асосларнинг ишлаб чиқилганлигини ёритиш ва тингловчиларда уларни аниқ илмий назарий таҳлил қилиш, холис баҳолаш ва мустақил ҳаётий позициясини вужудга келтиришга эришиш;
- Банк тизими ва уни бошқариш тизимидағи ислоҳотлар билан боғлиқ ўзгаришлар ва янгиланишларни илмий назарий таҳлил этиш ва ўзига хос хусусиятлари, мақсад-вазифаларини тингловчиларга етказиш;
- Ўзбекистон Республикаси банк тизимидағи ислоҳотлар, Марказий банк ва унинг пул-кредит сиёсати борасидаги ислоҳотларни таҳлил этиш, Президент асарларига таянган ҳолда ўрганишдан иборат.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

“Замонавий банк иши” фанини ўзлаштириш жараённада тингловчи:

- банкларни шакллантириш тамойиллари, шакллари ва йўналишлари;
- банк хизматлари ва уларнинг операциялари;
- банкларни бошқариш ва уларни тартибга солиш тартиби;
- банк фаолиятини тартибга солиш тизимлари;
- банк фаолиятининг асосий йўналишларини белгиловчи омиллар;
- банк фаолияти соҳасида халқаро талаблар ҳақида **билимларга** эга бўлиши керак;
- банк фаолиятини доимий ўзгариб турувчи бозор конъюнктураси асосида таҳлил қилиш ва ўз вақтида унга мослаша олиш;
- банк фаолиятини ташкил этиш ва тартибга солиш бўйича мустақил қарорлар қабул қилиш;
- банк фаолиятини бошқариш борасида ривожланган давлатлар банк тажрибасидан фойдаланиш;
- банк фаолиятини таҳлил қилиш; тижорат банкларини фаолиятини такомиллаштиришда халқаро талаблар моҳиятини англаш;

- молиявий инқизорларнинг вужудга келиш сабаблари, уларнинг оқибатлари ҳамда инқизозга қарши чора-тадбирлар ишлаб чиқиш **қўнишка ва малакаларига эга бўлиши** керак;
- тижорат банкларининг фаолиятида Базель талабларининг муҳимлиги;
- банклар фаолиятини бошқаришда ривожланган мамлакатлари тажрибаси, молиявий инқизорларнинг юз бериши ва ундан чиқиш йўллари **ҳақида компетенцияларга эга бўлиши** керак.

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Замонавий банк иши” курси маъruzaga va amalij mashғulotlar shakliida olib boriladi.

Kursni ўқитиш жараёнида taъlimning замонавий metodlari, pedagogik texnologiyalar va axborot-kommunikatsiya texnologiyalari қўllaniliishi nazarda тутилган:

- маъruzaga darslariida замонавий kompyuter texnologiyalari ёрдамида prezentaSIya va elektron-didaktik texnologiyalardan;
- ўtkaziladigan amalij mashғulotlarda tekniK vositalardan, ekspress-sўrovlar, test sўrovlari, aқliй xujum, guruhli fikrlash, kichik guruhlar bilan ishlash, kollokvium ўtказish va boшқа interaktiv taъlim usullarini қўllash назарда тутилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

Ўқув модул мазмuni ўқув режадаги учинчи va бешинчи блок va mutaxassislik ўқув модулларининг barcha soҳalari bilan uзвий боғланган xolda pedagoglarning umumiy tayёrgarlik daражасини oширишga хизmat қиласdi.

### **Ўқув модулнинг олий таъlimdagi ўрни**

Хозирги globalлашув шароитida замонавий bank iши va undagi islohotlarning ustuvor йўналишлari тўғрисida назарий va amalij bilimlarни мужассамлаштирган бўлиб, unda jahon mamlakatlari va Respublikamiz bank tizimida islohotlarning konceptual aсослari ёритib berilgan. Замонавий ikтisodchi pedagog kadrlar учун ушбу йўналишдаги maъlumtlarни ўзлаштириш talab қилинади va bunda fanning roli юқоридir.

### **Модул бўйича соатlar taқsimoti**

| № | Модул мавзулари | Tinglovchinining ўқув юклamasasi, соат |                           |       |                    |                   |
|---|-----------------|--|---------------------------|-------|--------------------|-------------------|
|   |                 | Ҳаммаси                                | Аудитория ўқув юклamasasi |       |                    |                   |
|   |                 |  | Жумладан                  | Назай | Амалий<br>машғулот | Кўчма<br>машғулот |
|   |                 |  |                           |       |                    |                   |

|    |                           |           |           |           |           |          |           |
|----|---------------------------|-----------|-----------|-----------|-----------|----------|-----------|
| 1. | Замонавий банк иши        | 32        | 28        | 10        | 14        | 4        | 4         |
| 2. | Халқаро банк иши ва молия | 28        | 24        | 10        | 14        |          | 4         |
| 3. | Монетар сиёсат            | 28        | 26        | 10        | 14        | 2        | 2         |
|    | <b>Жами:</b>              | <b>88</b> | <b>78</b> | <b>30</b> | <b>42</b> | <b>6</b> | <b>10</b> |

## НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

### **1-мавзу: Банк фаолиятини тартибга солишнинг халқаро андозалари.**

Банк фаолиятини тартибга солишнинг зарурлиги. Тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни ташкил этиш, хорижий мамлакатларда банк фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишнинг зарурлиги, Базель қўмитасининг вужудга келиши, банк назорати тизимининг турлари ва хусусиятларини ўрганиш.

1. Базель I ва Базель II талабларининг ахамияти.

Базель қўмитасининг асосий тамойиллари, капитал етарлилигига минимал талаблари, банк назоратини ташкил этиш асослари ва капитал етарлилиги, йирик кредитлар, ликвидлилик риски, бозор риски, операцион риск, кредит риски, мамлакат риски, фоиз риски, рискларни бошқариш риски, ички назорат ва ички аудит тизимини ўргатишдан иборат.

2. Базель III талаблари ва уни жорий этиш шартлари.

Тижорат банкларининг ресурслари бошқаришда Базель III талаблари ва уни жорий этиш шарт шароитлари кўриб чиқилмоқда. 2013 йил биринчи январдан бошлаб 2019 йил биринчи январига қадар янги стандартларни татбиқ этиш. Базель III – Базель II га киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар. Банкнинг ўз капитали структурасидаги ўзгаришлар. Капитал етарлилигига қўйиладиган талабларнинг оширилиши. Капитални ҳимояловчи буферларни ташкил этилиши.

### **2-мавзу: Буюк Британия, АҚШ, Япония ва Европа иттифоқи банк тизими ҳамда уни тартибга солиш**

1. Буюк Британия банк тизими ҳамда уни тартибга солиш. Буюк Британия банк тизимининг ташкил топиши, ривожланиши ва унинг ўзига хос жиҳатлари, банк турлари, банк тизимини тартибга олиш ва банкларнинг функциялари ўрганишдан иборат. Буюк Британия банк тизимининг ва кўпгина бошқа мамлакатлар банк тизими билан кескин фарқи бошқарувга ўзгача ёндошувлари ўрганилган.

2. АҚШ банк тизими ҳамда уни тартибга солиш. АҚШ банк тизимининг ташкил топиши, ривожланиши ва унинг ўзига хос жиҳатлари, банк турлари, банк тизимини тартибга солиш, АҚШ молиявий ислоҳотлари, АҚШ банкларнинг функциялари Федерал Резерв Тизими, Депозитларни Суғурталаш Федерал Корпорацияси вазифалари ва Федерал Молиявий Институтларни Текшириш Консуллиги вазифалари ўрганилган.

3. Япония банк тизими ҳамда уни тартибга солиш. Япония банк тизимининг ташкил топиши, ривожланиши ва унинг ўзига хос жиҳатлари, банк

тизимини тартибга солиш, банкларнинг функциялари ва Япониянинг етакчи банклари фаолиятини ўрганишдан иборат. Кескин молиявий инқирозга қарамасдан, 1990 йил охирида дунёда иккинчи ўринни эгаллади, иқтисодиёт кўзга кўринарли молиявий ислоҳотлари ўрганилади.

4. Европа иттифоқи банк тизими ҳамда уни тартибга солиш. Францияда банк назоратининг ташкил этилиши, Германияда банк назоратининг ташкил этилиши, Италияда банк назоратининг ташкил этилиши ва ушбу давлатлар банк тизимининг ўзига хос жиҳатлари ўрганилган. Европа давлатларининг банк ва бошқа молиявий бошқарувларининг банк тузилмасига таъсири ва унинг таъсири кўриб чиқилади.

### **3-мавзу: Молиявий инқирозлар ва уларнинг оқибатлари**

1. Молиявий инқироз тушунчаси ва аҳамияти. Молиявий инқироз тушунчаси, инқироз турлари, молиявий инқирознинг юзага келиш сабаблари ва уларга шарҳлар келтирилган.

2. 2008 йилдаги молиявий инқироз оқибатлари. Молиявий инқирознинг салбий оқибатлари, уларнинг юзага келтирган ҳолатлари, молиявий инқироз даврида ривожланган мамлакатлардаги ҳолат, молиявий натижаларнинг пасайиши, иқтисодий тангликнинг вужудга келиши ва иқтисодий номутаносиблик ҳолатлари кўриб чиқилган.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1– амалий машғулот:**

#### **Банк фаолиятини тартибга солишнинг халқаро андозалари.**

1. Банк фаолиятини тартибга солишнинг зарурлиги. Тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни ташкил этиш, хорижий мамлакатларда банк фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишнинг зарурлиги, Базель қўмитасининг вужудга келиши, банк назорати тизимининг турлари ва хусусиятларини ўрганиш.

2. Базель I ва Базель II талабларининг аҳамияти. Базель қўмитасининг асосий тамойиллари, капитал етарлилигига минимал талаблари, банк назоратини ташкил этиш асослари ва капитал етарлилиги, йирик кредитлар, ликвидлилик риски, бозор риски, операцион риск, кредит риски, мамлакат риски, фоиз риски, рискларни бошқариш риски, ички назорат ва ички аудит тизимини ўргатишдан иборат.

3. Базель III талаблари ва уни жорий этиш шартлари. Тижорат банкларининг ресурслари бошқаришда Базель III талаблари ва уни жорий этиш шарт шароитлари кўриб чиқилмоқда. 2013 йил биринчи январдан бошлаб 2019 йил биринчи январига қадар янги стандартларни татбиқ этиш. Базель III – Базель II га киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар. Банкнинг ўз капитали структурасидаги ўзгаришлар. Капитал етарлилигига қўйиладиган талабларнинг оширилиши. Капитални ҳимояловчи буферларни ташкил этилиши.

### **2– амалий машғулот:**

## **Буюк Британия, АҚШ, Япония ва Европа иттифоқи банк тизими ҳамда уни тартибга солиш**

1. Буюк Британия банк тизими ҳамда уни тартибга солиш. Буюк Британия банк тизимининг ташкил топиши, ривожланиши ва унинг ўзига хос жиҳатлари, банк турлари, банк тизимини тартибга солиш ва банкларнинг функциялари ўрганишдан иборат. Буюк Британия банк тизимининг ва кўпгина бошқа мамлакатлар банк тизими билан кескин фарқи бошқарувга ўзгача ёндошувлари ўрганилган.

2. АҚШ банк тизими ҳамда уни тартибга солиш. АҚШ банк тизимининг ташкил топиши, ривожланиши ва унинг ўзига хос жиҳатлари, банк турлари, банк тизимини тартибга солиш, АҚШ молиявий ислоҳотлари, АҚШ банкларнинг функциялари Федерал Резерв Тизими, Депозитларни Суғурталаш Федерал Корпорацияси вазифалари ва Федерал Молиявий Институтларни Текшириш Консуллиги вазифалари ўрганилган.

3. Япония банк тизими ҳамда уни тартибга солиш. Япония банк тизимининг ташкил топиши, ривожланиши ва унинг ўзига хос жиҳатлари, банк тизимини тартибга солиш, банкларнинг функциялари ва Япониянинг етакчи банклари фаолиятини ўрганишдан иборат. Кескин молиявий инқирозга қарамасдан, 1990 йил охирида дунёда иккинчи ўринни эгаллади, иқтисодиёт кўзга кўринарли молиявий ислоҳотлари ўрганилди.

4. Европа иттифоқи банк тизими ҳамда уни тартибга солиш. Францияда банк назоратининг ташкил этилиши, Германияда банк назоратининг ташкил этилиши, Италияда банк назоратининг ташкил этилиши ва ушбу давлатлар банк тизимининг ўзига хос жиҳатлари ўрганилган. Европа давлатларининг банк ва бошқа молиявий бошқарувларининг банк тузилмасига таъсири ва унинг таъсири кўриб чиқилади.

### **3– амалий машғулот: Молиявий инқирозлар ва уларнинг оқибатлари**

1. Молиявий инқироз тушунчаси ва аҳамияти. Молиявий инқироз тушунчаси, инқироз турлари, молиявий инқирознинг юзага келиш сабаблари ва уларга шарҳлар келтирилган.

2. 2008 йилдаги молиявий инқироз оқибатлари. Молиявий инқирознинг салбий оқибатлари, уларнинг юзага келтирсан ҳолатлари, молиявий инқироз даврида ривожланган мамлакатлардаги ҳолат, молиявий натижаларнинг пасайиши, иқтисодий тангликнинг вужудга келиши ва иқтисодий номутаносиблик ҳолатлари кўриб чиқилган

### **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модулнинг назарий материалини ўзлаштиришда қуйидаги:

→ ўқув ишини ташкиллаштиришнинг интерфаол шаклларидан: кўргазмали маъруза, савол-жавобли маъруза, сұхбат-маърузалар орқали ташкиллаштириш назарда тутилган.

→ ўқув фаолиятини ташкил этиш шакллари сифатида қуйидагилардан фойдаланиш назарда тутилган:

- маъруза машғулотларида оммавий, жуфтлик, индивидул;
- амалий машғулотларда жуфтлик, индивидуал.

### **БАҲОЛАШ МЕЗОНИ**

Мазкур модул юзасидан тингловчиларнинг билим, кўнишка ва малакалари назорати қўйидаги мезонлар орқали баҳоланади:

| <b>№</b> | <b>Баҳолаш тури</b>  | <b>Энг юқори<br/>балл 2,5</b> | <b>Изоҳ</b>  |
|----------|--|-------------------------------|--|
| 1.       | Таълим олувчилик модулли ўқув ахборотини ўзлаштиришлари учун, ўқитишнинг мақсад ва натижаларини, мазмунини танланганлиги | 1,0 балл                      | Масала топшириқларни бажариш - 1,0 балл.           |
| 2.       | Модулли ўқув ахборот: график, расм кўринишда етарли миқдорда, сифатли маълумотдан иборат бўлиши                          |                               |  |
| 3.       | Вазият моделини яратилиши  |                               |  |
| 4.       | Кейс матни баён этилиши  |                               |  |
| 5.       | Кейснинг педагогик паспортининг тузилиши   | 1,5 балл                      | Кейс-стади технологиясини ишлаб чиқиши - 1,5 балл. |

### **КЎЧМА МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

Мазкур модул бўйича ўқув режада банк фаолиятини тартибга солишнинг халқаро андозалари ва молиявий инқирозлар ва уларнинг оқибатлари мавзуларида жами 4 соат кўчма машғулотлар назарда тутилган.

### **МУСТАҚИЛ ИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ШАКЛИ ВА МАЗМУНИ**

Мустақил ишни ташкил этишда тингловчилар томонидан “Замонавий банк иши” модулида ўрганилаётган масалалар, дискуссиялар бўйича билдирилаётган фикр-мулоҳазаларни шакллантириш мақсадида улар томонидан қўшимча манбалардан, жумладан интернет сайтлари, инглиз тилида чоп этилган адабиётлар ва мақолалардан фойдаланишни қўзда тутади.

## **II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.**

**1- маъруза машғулотида** қуйидаги интерфаол ўқитиш методларидан фойдаланилади:

**Топшириқ мазмуни** → «ФСМУ» методи орқали берилган фикрга муносабатлар келтириш

### **«ФСМУ» методи**

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хуросалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хуросалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

#### **Технологияни амалга ошириш тартиби:**

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хуроса ёки ғоя таклиф этилади;

- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:

|   |   |
|---|---|
| Ф | • фикрингизни баён этинг                          |
| С | • фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг             |
| М | • кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг |
| У | • фикрингизни умумлаштиринг                       |

- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

#### **Намуна.**

**Фикр:** “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозларининг мамлакат банк тизимига таъсир этмаслиги учун бошқа давлатлар билан экспорт-импорт операцияларини олиб бормасилиги лозим”.

**Топширик:** Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

**1 - Амалий машғулотда қуидаги интерфаол ўқитиш методларидан фойдаланилади.**

1) Машғулотнинг мотивация босқичида: “SWOT-таҳлил”дан фойдаланилади.

**Топширик мазмуни** → “Интернет банкинг масофавий банк хизмати имкониятлари ва камчиликларини келтириб ўтинг?”

### “SWOT-таҳлил” методи.

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, тақоролаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласди.



**Намуна:** Интернет банкинг масофавий банк хизмати имкониятларининг SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.

|   |   |  |
|---|---|--|
| S | Интернет банкинг масофавий банк хизматидан фойдаланишнинг кучли томонлари     | Тўлов тизимининг электронлашиб бораётгани жараёнида мижозлар банкка бормасдан масофадан шахсий компьютерлари орқали тўловларни амалга ошириши...   |
| W | Интернет банкинг масофавий банк хизматидан фойдаланишнинг кучсиз томонлари    | Интернетга уланган компьютер (ноутбук) ва унга Microsoft Internet Explorer дастурининг 6.0 ёки ундан юқори версияси ўрнатилган бўлиши...   |
| O | Интернет банкинг масофавий банк хизматидан фойдаланишнинг имкониятлари (ички) | • ўз ҳисобварағингиздаги операция-ларни осонгина ва енгил амалга ошириш;<br>• ҳисобваракдаги пул маблағлари ҳаракати тўгрисидаги кўчирма, карта ҳисобварақ тўгрисидаги ҳисботни олиш;<br>• юқорида санаб ўтилган функция-лардан суткасига 24 соат ва ҳафтасига 7 кун фойдалана олиш... |
| T | Тўсиқлар (ташқи)  | Аҳолининг техник томондан етарли билимга эга эмаслиги ва вилоятларда коммуникацион инфраструктуранинг яхши ривожланма-ганлиги...   |

**2 - маъруза машғулотида** қўйидаги интерфаол ўқитиш методларидан фойдаланилади:

**Топшириқ мазмуни** → “Масофавий банк хизматлари турлари ва уларнинг мисоллар келтиринг?

### “Хулосалаш” (Резюме, Веер) методи

**Методнинг мақсади:** Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гурухлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

#### Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гурухларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гурухга умумий муаммони таҳлил



ҳар бир гурух ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мuloҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма



навбатдаги босқичда барча гурухлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар

#### Намуна:

#### Масофавий банк хизматлари турлари

| Интернет банкинг |           | SMS банкинг |           | Мобиль банкинг |           |
|------------------|-----------|-------------|-----------|----------------|-----------|
| Афзаллиги        | камчилиги | афзаллиги   | камчилиги | афзаллиги      | камчилиги |
|                  |           |             |           |                |           |

#### Хулоса:

**2-амалий машғулотда** қўйидаги интерфаол ўқитиш методларидан

фойдаланилади:

1) Машғулотнинг мотивация босқичида: “Ассесмент” методидан фойдаланилади.

**Топшириқ мазмуни** → Берилган турли топшириқларни бажариш?

**“Ассесмент” методи**

**Методнинг мақсади:** мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш қўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

**Методни амалга ошириш тартиби:**

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга кўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

**Намуна.** Ҳар бир катақдаги тўғри жавоб 4 балл ёки 1-4 балгача баҳоланиши мумкин.



### Тест

- 1.Интернет банкинг тизими орқали тўловларни амалга ошириша .... лозим?
- А. Электрон рақамли имзо
- В. Телефон
- С. Факс



### Қиёсий таҳлил

- Банкнинг кунлик балансини таҳлил қилинг?



### Тушунча таҳлили

- КАМИ қисқармасини изоҳланг...



### Амалий кўникма

- Ипотека кредитини олиш учун талаб этиладиган хужжатлар номини айтиб беринг?

**З - маъруза машғулотида** қуйидаги интерфаол ўқитиш методларидан фойдаланилади:

**Топширик мазмуну** → «Тушунчалар таҳлили» методи орқали берилган фикрга муносабатлар келтириш

### “Тушунчалар таҳлили” методи

**Методнинг мақсади:** мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади ( индивидуал ёки гурӯхли тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тўғри ва тўлиқ изохини ўқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тўғри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

**Намуна:** “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

| Тушунчалар | Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?  | Қўшимча маълумот |
|------------|---|------------------|
| Inflation  | бу товар муомаласига нисбатан қоғоз пул массасининг ортиқчалигидир.   |                  |
| Income     | ишлиб чиқариш омилларини ишлатишдан келадиган пул ва натурал тушумлар.  |                  |
| Currency   | бу халқаро ҳисоб-китобларда ишлатила-диган у ёки бу мамлакат миллий пул бирлигига ифодаланган тўлов ҳужжатлари ва пул мажбуриятларидир.   |                  |
| Audit      | хўжалик фаолиятини текшириш, тафтиш ва таҳлил қилиш.  |                  |
| Loan       | у вақтинча ўз эгалари қўлида бўш турган пул маблағларини бошқалар томонидан маълум муддатга ҳақ тўлаш щарти билан қарзга олиш ва қайтариб бериш юзасидан келиб чиқадиган муносабатларни билдириади. |                  |

**Изоҳ:** Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

**З-амалий машғулотда** қўйидаги интерфаол ўқитиш методларидан фойдаланилади:

Машғулотнинг мотивация босқичида: “Блиц-сўров” усулидан фойдаланилади.

### “Блиц-ўйин” методи

**Методнинг мақсади:** ўқувчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш мақсадида қўллаш самарали натижаларни беради.

### Методни амалга ошириш босқичлари:

1. Дастрраб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштиради ва гуруҳ аъзоларини ўз фикрлари билан гуруҳдошларини таништириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини «гуруҳ баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гуруҳлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади, ва ўқувчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.

4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса «0», мос келса «1» балл қўйиш сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидағи фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди хисобланади.

5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гуруҳ баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гуруҳ хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гуруҳ хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

**«Савдо кредитининг бир мартаға олиш ва сўндириш» кетма-кетлигини жойлаштиринг. Ўзингизни текшириб қўринг!**

| Ҳаракатлар мазмуни   | Якка баҳо | Якка хато | Тўғри жавоб | Гуруҳ баҳоси | Гуруҳ хатоси |
|--|-----------|-----------|-------------|--------------|--------------|
| Талаб этиладиган хужжатлар                                   |           |           |             |              |              |
| Йиллик 18% дан берилган кредитнинг 3 ойлик фоизини хисобланг |           |           |             |              |              |
| Асосий қарз ва фоизни сўндириш провоткаларини ёзинг          |           |           |             |              |              |
| Кредитнинг сўндириш графигини тузинг                         |           |           |             |              |              |

4 - маъруза машғулотида қуидаги интерфаол ўқитиш методларидан фойдаланилади:

**Топшириқ мазмуни** → «Инсерт» методи орқали берилган фикрга муносабатлар келтириш

**“Инсерт” методи**

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод ўқувчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод ўқувчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

**Методни амалга ошириш тартиби:**

➤ ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмuni ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;

➤ янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;

➤ таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини маҳсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қуидаги маҳсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

| Белгилар  | 1-матн | 2-матн | 3-матн |
|---|--------|--------|--------|
| “V” – таниш маълумот.                           |        |        |        |
| “?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак. |        |        |        |
| “+” бу маълумот мен учун янгилик.               |        |        |        |
| “–” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?     |        |        |        |

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

**4-5 - амалий машғулотларда** қуидаги интерфаол ўқитиш методларидан фойдаланилади:

Машғулотнинг мотивация босқичида: “Венн Диаграммаси” усулидан фойдаланилади.

**Топшириқ мазмуни** → Берилган турли топшириқларни бажариш?

**Венн Диаграммаси методи**

**Методнинг мақсади:** Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

**Методни амалга ошириш тартиби:**

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштирилалар ва уларга кўриб чиқилаётган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли

жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;

- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гурухларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништирадилар;

- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқилаётган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

### **Намуна: Банк депозитлари турлари бўйича**



**5 - маъруза машғулотида** қуйидаги интерфаол ўқитиш методларидан фойдаланилади:

**Топшириқ мазмуни** → «Блиц-сўров» методи орқали берилган фикрга муносабатлар келтириш

#### **“Блиц-сўров” саволлари:**

1. АҚШ да банклар фаолиятини назорат қилиш тизимининг ташкил топиши ва унинг ўзига хос хусусиятларини айтинг.
2. Буюк Британияда банк назоратини айтинг.
3. Германия банк назоратининг ўзига хос хусусиятларини санаб беринг.
4. Банк назорати бўйича Базель қўмитасининг вужудга келиши ва ривожланишини айтинг.

**6-7 - амалий машғулотларда** қуйидаги интерфаол ўқитиш методларидан фойдаланилади:

Машғулотнинг мотивация босқичида: “Кейс-стади” усулидан фойдаланилади.

#### **“Кейс-стади” методи**

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида

ўқитишини амалга оширишга қаратилған метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ходисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қўйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

### “Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

| Иш босқичлари   | Фаолият шакли ва мазмуни  |
|---|---|
| <b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот тъминоти билан танишириш   | <ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш;</li> <li>✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда);</li> <li>✓ ахборотни умумлаштириш;</li> <li>✓ ахборот таҳлили;</li> <li>✓ муаммоларни аниклаш</li> </ul>                       |
| <b>2-босқич:</b> Кейсни аниклаштириш ва ўкув топширигни белгилаш  | <ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гурухда ишлаш;</li> <li>✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниклаш;</li> <li>✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш</li> </ul>   |
| <b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўкув топширигининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш | <ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гурухда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш;</li> <li>✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсикларни таҳлил килиш;</li> <li>✓ муқобил ечимларни танлаш</li> </ul>                                |
| <b>4-босқич:</b> Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.  | <ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка ва гурухда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил варианtlарни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;</li> <li>✓ ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш;</li> <li>✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш</li> </ul> |

**Кейс.** Банк томонидан жисмоний шахсга берилган 10,0 млн. сўмлик истеъмол кредити қайтмаяпди. Мижоз доимий ишлаб турган иш жойидан бўшаганлиги маълум бўлди. Кредит учун мижоз томонидан қўшимча гаров қўйилмаган.

#### Кейсни бажариш босқичлари ва топшириклар:

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг(индивидуал ва кичик гурухда).
- Муаммони ҳал этиш кетма-кетлигини аникланг (жуфтликларда бажаринг)

### **III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР**

**1-мавзу: Банк фаолиятини тартибга солишнинг халқаро андозалари.**

**Режа:**

- 1. Банк фаолиятини тартибга солишнинг зарурлиги.**
- 2. Базель I ва Базель II талабларининг аҳамияти.**
- 3. Базель III талаблари ва уни жорий этиш шартлари.**

**Таянч иборалар:** *Федерал Резерв Тизими, I даражали капитал , II даражали Базель талаблари, банк назорати, капитал етарлилиги.*

#### **1.1. Банк фаолиятини тартибга солишнинг зарурлиги.**

Жаҳоннинг ривожланган давлатлари тажрибасига кўра, эмиссия банки ва тижорат банклари тармоғини ўз ичига олган икки поғонали банк тизимини самарали фаолият кўрсатишини йўлга қўймай туриб, давлат иқтисодиётини юксалтириш ва унинг барқарорлигига эришиш мумкин эмас. Бунда биринчи поғонада Марказий банк бўлиб, у мамлакатнинг пул муомаласини ва барча кредит муассасаларининг фаолиятини тартибга солиб туради. Иккинчи поғонани эса тижорат банклари ва бошқа кредит ташкилотлари шакллантиради.

Банк тизимининг бундай бўлиниши авваламбор, Марказий банкнинг ва тижорат банкларининг мақсадлари, вазифалари ва мавқеини белгилайди. Тижорат банклари ўз фаолиятида жисмоний ва юридик шахсларга хизмат кўрсатишини тижорат асосида амалга оширадилар. Марказий банк эса мамлакатнинг мақроиқтисодий кўрсаткичларини, республика молия секторининг мустаҳкамлигини, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашга қаратилган фаолиятни амалга оширади.

Жумладан, банк назорати бўйича Базель қўмитасининг талабларига асосан, тижорат банкларининг маблағлари етарлилиги ва ликвидлилиги даражаси кўрсаткичини қўллаб-қувватлаш, бошқарув ва банк таваккалчилиги тизимини CAMELS тизими орқали назорат қилиш, шу жумладан, илгор хорижий амалиётлари асосида тижорат банкларида менежмент таваккалчилиги самарадорлигини янада ошириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан эканлиги эътироф этилмоқда.<sup>2</sup>

Банк тизими барқарорлигини мустаҳкамлаш, омонатчилар ва кредиторлар манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида тижорат банклари фаолиятини баҳолашда «CAMELS» рейтинг тизимидан фаол фойдаланилмоқда.<sup>3</sup>

Шунингдек, тижорат банклари ва уларнинг бўлинмалари фаолиятини назорат қилиш ҳамда тартибга солиш механизmlарини янада

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонига 1-илова, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2016 йилда пул-кредит соҳасидаги вазият ва монетар сиёсатнинг 2017 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари, [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz)

такомиллаштириш мақсадида уларда капитал етарлилиги, ликвидилик, активлар сифати ва диверсификацияси ҳамда банк бошқарув органларининг фаолияти баҳоланиб, тегишли назорат чоралари кўриб борилмоқда.<sup>4</sup>

Ҳар қандай давлатнинг иқтисодиёт соҳасидаги пировард мақсади барқарор иқтисодий ўсишни, юқори бандликни, барқарор ички баҳоларнинг мавжудлигини таъминлаш ҳисобланади. Ушбу мақсадга иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараённида эришилади. Пул-кредит сиёсати, бюджет сиёсати, нарх-наво сиёсати, иш ҳақи ва бандлик сиёсати иқтисодий сиёсатнинг муҳим таркибий қисмлари ҳисобланади.

Пул-кредит сиёсати инфляцияни жиловлаш, ишлаб чиқаришнинг пасайиши ва ишсизликнинг олдини олиш, тўлов балансининг мувозанатлашган ҳолатини сақлаб туриш, фаол бозор конъюнктурасини таъминлаш мақсадида амалга ошириладиган сиёсатdir.

Мазкур сиёсат барча давлатларда Марказий банк томонидан амалга оширилади. Айрим давлатларда у Миллий банк деб ҳам юритилади, АҚШда эса Федерал Резерв Тизими (ФРТ) деб аталади ва баъзан Фед деб юритилади.

Банк фаолияти барча мамлакатларда қатъий равишда тартибга солинади ва назорат қилинади. Зоро, банклар мамлакатдаги капитални сафарбар қилиш ва кредитлар тақдим этиш билан мамлакат молия тизимида фаол иштирок этади. Ва албатта, назоратнинг асосий мақсади аҳолини қолаверса, мамлакат манфаатларини ҳимоя қилишдир. Банк назоратини амалга оширишнинг бир қатор сабаблари манфаатлар нуқтаи-назаридан келиб чиқади ва улар қуидагилардан иборат:

**Биринчидан**, банклар мамлакат аҳолисининг жамғармасини асосий сақловчиси ҳисобланади. Банклар фаолиятини назорат қилиш мамлакат аҳолисини моддий зарар кўришдан сақлаш учун ташкил этилади. Чунки банкларнинг асосий мақсади даромад олишга қаратилган бўлиб, банк даромадлилиги унинг ликвидлиги билан тескари мутаносиблиқда бўлган ҳолда риск билан тўғри мутаносиблиқдадир. Бу эса баъзи ҳолларда банкларнинг инвестицион ва кредит портфелининг ёмонлашувига олиб келиши мумкин.

Банк мижозлари эса банк рўпара келаётган риск ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлмайди. Демак, банкнинг рискни қабул қилиш эҳтимолининг ошиши мамлакат аҳолисининг жамғармасининг жиддий зарар кўришига олиб келади. Банкнинг салбий фаолиятидан аҳоли жамғармаларининг фақат қисқа муддатли юқори ликвидли депозитларга кўйилган қисми зарар кўриб қолмай, балки узоқ муддатли жамғармаси масалан, пенсия фондига ажратилган ажратмалар ҳам жиддий зарар кўриши мумкин. Бу эса банк назоратининг нақадар муҳимлигини кўрсатади.

**Иккинчидан**, банк кредиторлари манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида банклар фаолиятини назорат қилиш, тартибга солиш амалиётлари қўлланилади. Хўжалик юритувчи субъектлар ва индивидуал шахслар ўз фаолиятиларини ривожлантириш, турмуш фаравонликларини ошириш учун тижорат банкларининг турли хил кредитларидан фойдаланишади. Ушбу кредитлар кенг

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2016 йилда пул-кредит соҳасидаги вазият ва монетар сиёсатнинг 2017 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари, [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz)

омма учун йўналтирилишини ҳамда банк хизматларининг нархини ошиб кетмаслигини таъминлаш мақсадида ҳукумат, банк назоратининг билвосита воситаси бўлган банклар ўртасидаги кучли рақобатни таъминлаб, эришади.

**Учинчидан**, ҳукумат ўз иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш учун самарали банк назоратини ташкил қилишга ҳаракат қилади. Банклар ҳукуматнинг фискал агенти бўлиш билан бирга уларнинг ўzlари ҳам мамлакат бюджетига солиқ тўловларини амалга оширишлари билан ҳукумат томонидан уларнинг юқори даромадлилиги қўллаб-қувватланади ва шу билан бирга, юқори даромадлилик паст даражадаги ликвидлиликни келтириб чиқариб, ўз навбатида юқори ризк туфайли мамлакатда тизимли ризкни келтириб чиқаради. Бу бутун иқтисодиётни инқирозга олиб келиши мумкин.

Бундан ташқари, банклар бўш пул маблағларини жалб етиб, уларни кредитлар учун йўналтириш билан мамлакатдаги иқтисодий фаолликни ошириб, ишсизлик даражасини камайтиради, шу билан бирга, мамлакатдаги пул массасига билвосита таъсир етиб, инфляцияни келтириб чиқаради Шунинг учун ҳукумат самарали банк назоратини ташкил этишга ҳаракат қилади.

**Тўртинчидан**, банк акциядорлари ва ишчи-ходимлар манфаатларини ҳимоя қилиш учун ҳам банк назорати ташкил этилади.

Бозор иқтисодиёти тўлиқ қарор топган ривожланган давлатларда давлатнинг банк назорати соҳасидаги сиёсатининг асосий мақсадлари қўйидагилардан иборат:

- а) пул таклифи устидан назорат ўрнатиш;
- б) иқтисодиётдаги молиявий нобарқарорликларга барҳам бериш;
- в) банкларнинг фойда асосида фаолият юритишини таъминлаш;
- г) банк тизимиға нисбатан ишончсизлик туйғуларини юзага келишига йўл қўймаслик.

Иқтисодиётга давлат аралашувининг қисқариши, молиявий муносабатларни эркинлаштирилиши барқарор пул-кредит тизимини ривожлантиришга имконият туғдиради. Айни вақтда, кучайиб борувчи рақобат, ўзгарувчан баҳолар шароитида банк рисклари ва нобарқарорлик кучаяди. Йирик банкларнинг бир вақтнинг ўзида банкрот бўлиши миллий иқтисодиётга жиддий зиён етказади, тўлов тизимининг издан чиқишига, пул таклифининг кескин қисқаришига олиб келиши мумкин. Демак, банк тизимини тартибга солиш механизмини такомиллаштириш орқали умумий нобарқарорлик даражасини пасайтириш мумкин.

Турли мамлакатларда тижорат банклари фаолиятини тартибга солишнинг турли механизмлари қўлланилади. Шунингдек, ташкилий ёндашувлар ҳам хилма-хилдир. Аммо бирорта механизм кредит институтларининг жорий фаолиятига давлатнинг аралашуви мавжуд бўлган шароитда самара бермаган. Банкларни банкротликдан ҳимоя қилиш тизимида етакчи ўринни банкларнинг ички бошқарув тизимининг сифати эгаллайди. Шу сабабли, банк тизимини такомиллаштиришга қаратилган ҳаракатлар банк муассасаларини ривожлантириш жараёнида уларни бошқариш ва тартибга солишини мустаҳкамлаш масаласига йўналтирилиши лозим.

Тижорат банкларининг банкрот бўлиши аҳолининг, корхона ва ташкилотларнинг пул маблағларини йўқотилишига олиб келади. Айниқса, банкларнинг тизимли инқирозга юз тутиши хўжалик субъектларининг оммавий тарзда банкрот бўлишига олиб келиши мумкин. Бунинг оғир ижтимоий – иқтисодий оқибатлари сифатида, биринчидан, аҳолининг, корхона ва ташкилотларнинг банк тизимига бўлган ишончига путур етади; иккинчидан, жамиятдаги ижтимоий вазиятни оғирлашувига олиб келади; учинчидан, ҳукуматнинг иқтисодий манфаатларига зиён етади.

Банк иши пайдо бўлган вақтдан бошлаб алоҳида банкларнинг банкротлиги, депозитларни оммавий тарзда банклардан қайтариб олиниши натижасида юзага келадиган нобарқарорликлар банк тизимини тартибга солиш амалиётининг вужудга келишини тақозо қилди. Банк фаолиятини тартибга солиш орқали ҳукумат омонатчиларни ва кредиторларни молиявий йўқотишлардан, иқтисодиётни эса банкларнинг банкротлиги натижасида юзага келадиган оғир оқибатлардан ҳимоя қиласди.

Ўзбекистон банк тизимини қайта қуриш мустақил давлатимиз иқтисодий тизимининг муҳим йўналишларидан бири бўлди. Хўжалик механизми бир маромда фаолият юритиши барқарор ишлайдиган банклар миллий тизимини тақозо этади. Бугунги кунда иқтисодиётни бозор иқтисодиётiga ўтиш даврида сифат жиҳатидан бутунлай янги банк тизими ҳамда банк назоратини туб асосини яратиш ва қуриш узлуксиз давом эттирилмоқда.

Банклар устидан назорат қилиш, улар фаолиятида муайян чеклашларни ўрнатиш иқтисодий эркинликка зид бўлган ҳолат сифатида қаралиши мумкин. Лекин жаҳоннинг кўпгина ривожланган давлатларида банклар, шунингдек, бошқа молия ташкилотларининг фаолиятлари кўп даражада давлат томонидан тартибга солинади. Бошқача қилиб айтганда, ҳатто ривожланган бозор иқтисодиёти шароитида молиявий сектор жиддий равишда тартибга солинар экан, ўтиш даврида буни тўла оқлаш мумкин.


Тўғри, банк фаолиятини тартибга солишда ҳаддан ташқари ва рақобатнинг ривожланишига халақит берадиган омилга айланадиган чегарани белгилаш осон эмас. Шунинг учун, жаҳонда умумий қабул қилинган тамойиллар ва қоидалар ҳар бир мамлакатда аниқ вазият таҳлилини ҳисобга олган ҳолда қўлланилади.

У ёки бу банкнинг фаолиятида аниқланган камчиликларни тузатишга мажбур қилиш учун назорат органи ихтиёрида таъсир кўрсатиш чораларининг муайян тўплами бўлиши керак. Республикамиздаги янги банк қонунларимизга кўра, турли вазиятларда фойдаланиш мумкин бўлган табақалашган чоралар мажмуи кўзда тутилган. Жумладан, иқтисодий меъёрларни ўзгартириш, мажбурий резерв фондини ошириш, айрим банк операцияларини амалга оширишни тақиқлаб қўйиш, хиссадорларга дивиденdlар тўлашни тўхтатиб қўйиш, банк устидан васийлик ўрнатиш кабилардир. Энг сўнгги чора эса, уларга берилган лицензияларни қайтариб олишдан иборатdir.

Тижорат банкларини назорат қилиш деганда банкларнинг барқарорлигини таъминлаш мақсадида доимий равишда амалга ошириладиган назорат тушунилади.

Шу ўринда ривожланган давлатларда, хусусан Европа Иттифоқи давлатларида, АҚШ, Канада, Япония каби давлатларда банк назоратининг зарурлиги 1975 йилга келиб ўз аксини топди, яъни ривожланган давлатлар банк назоратини фақат молиявий секторда эмас, балки, умуман иқтисодиётда асосий роль ўйнашини тан олдилар. Натижада банк назорати бўйича халқаро ташкилот “Базель қўмитаси” вужудга келди. Банкларнинг тизимли рискни келтириб чиқариши, бир-бири билан иқтисодий алоқада бўлган давлатларни хам иқтисодий инқироз ёқасига олиб келиши мумкин. Бу худди Лоренснинг “Капалак эфекти” назариясига ўхшайди. Унга кўра, Бразилияда қанот қоқкан капалаклар Техасда торнадо бўлишига олиб келади. Бундай инқирозлар эҳтимолининг ортиши мамлакатлар ўртасида минтақавий банк назоратини тузиш зарурлигини келтириб чиқарди.

Хозирги кунда банк назорати тизимини қуидаги турларга бўлиш мумкин.



**1-расм. Банк назорати тизимининг турлари<sup>5</sup>**

<sup>5</sup> Норқобилов С., Дадабоева Х., Жўраев Ў. Халқаро амалиётда банк назорати. Магистрлар учун дарслик / Тошкент Молия институти.–Т.: “IQTISOD–MOLIYA”, 2007, 180 бет.


Давлатнинг пул-кредит сиёсати, хусусан тижорат банклари фаолиятини назорат қилиш сиёсати қонун ҳужжатлари, ҳукумат қарорлари, Марказий банкнинг йўриқномалари асосида амалга оширилади. Ҳуқуқий меъёрлар банклар учун мажбурий бўлган чекловлар ва фаолиятининг қатъий чегараларини белгилаб беради. Бу эса, банк сифатсиз бошқарилган тақдирда жиддий заарлар юзага келишини олдини олади. Банк фаолиятини тартибга солишининг ҳуқуқий асосларининг мустаҳкам эмаслиги банкларнинг банкрот бўлиши ва умумий нобарқарорликни юзага келишини кучайтиради.

Банк тизимини ишончли тарзда ҳимоя қилишни таъминлайдиган ҳуқуқий тартибга солиш меъёрларини яратиш лозим. Масалан, иқтисодий нормативлар барча тижорат банкларига нисбатан бир хил тарзда қўлланилиши лозим. Акс ҳолда, айрим банклар эркин рақобат муҳитидан четга чиқиб қолади.

Банк назорати 100 йилдан ортиқ муддат давомида АҚШ да ва Гарбий Европа давлатларида ўзининг қандай кўринишида бўлишидан қатъий назар, шаклланиб келган эди.

Базель қўмитаси бутун дунё мамлакатлари учун банк назорати тамойилларини ишлаб чиқади ва минтақавий банк назоратида банклар фаолияти, уларнинг назорат қилиш тамойиллари ишлаб чиқилиб, давлатлар уни ўзларининг иқтисодий ҳолатидан келиб чиқсан ҳолда банк назорати бўйича стандартларига мувофиқлаштиришади.

Умуман олганда, банк назоратининг мамлакатлар ўртасида ва халқаро миқёсда қамраб олиш кўламини қуидагича тасвирлаш мумкин.



**2-расм. Банк назоратининг кўламига кўра турлари<sup>6</sup>**

<sup>6</sup> Норқобилов С., Дадабоева Х., Жўраев Ў. Халқаро амалиётда банк назорати. Магистрлар учун дарслик / Тошкент Молия институти.–Т.: “IQTISOD–MOLIYA”, 2007, 180 бет.

Кенг маънода айтганда, банк назорати бу ҳукумат томонидан молиявий секторни ишончлилигини, барқарорлигини таъминлашда ишлатиладиган тизимдир.

Барча давлатлардаги банк назорати тизимлари олдида 2 та муҳим вазифа туради:

1. Банк тизимини мустаҳкамлаш ҳамда иқтисодий ўсишига ҳамкорлик қилиш.
2. Барча омонатчилар ва кредиторлар манфаатларини ҳимоя қилиш.

Банк назорати олдида турган асосий вазифа бутун банк тизими барқарорлигини таъминлаш бўлсада, лекин алоҳида олинган банк дуч келиши мумкин бўлган жиддий муаммоларни ва инқирозларни олдини олиш мақсадга эришишдаги энг яхши йўлдир. Омонатчилар ва кредиторлар манфаатини ҳимоя қилишдан мақсад, улар ўз маблағларидан фойдаланаётган банклар томонидан қандай хавф-хатарли операциялар бажарилаётганлиги тўғрисида тўлиқ маълумотга эга эмаслар.

Бу борада республикамиизда амалга оширилган ишлардан бири 1997 йил март ойидан бошлаб жаҳон андозаларига мос келадиган ва банклар фаолиятини ойдинлаштириш имконини берадиган тижорат банклари ҳисоб-вараклари янги режаси амалга жорий қилингани бўлди. Янги ҳисоб-вараклар режасини жорий қилиниши банклар фаолияти “ошкоралигини” (инглизча “transparent” - шаффоффлик, очиқлик, ойдинлик) сармоядорлар, банк мижозлари ва бошқа манфаатдор фойдаланувчилар учун очиқлигини таъминлаш имконини берди.

Банк фаолиятини назорат қилишнинг зарурлиги амалга ошириладиган монетар сиёсатнинг асосини ташкил этиш билан биргаликда республикамизнинг бозор иқтисодиётига ўтишдаги ўзига хос йўли билан ҳам боғлиқдир.

Республикамиизда Марказий банк томонидан тижорат банклари фаолиятини назорат қилинишининг асосий мақсади тижорат банкларига бирон бир иқтисодий чора кўриш эмас, балки банк фаолиятида мавжуд бўлган камчиликларни бартараф этиб, банк тизимининг барқарорлигини ошириш натижасида банк омонатчилари ва кредиторларининг манфаатларини ҳимоя қилишдан иборатдир.

Шу ўринда Марказий банкнинг тижорат банкларини лицензиялаш борасидаги сиёсатини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Банкларни лицензиялаш ва улар фаолиятини тартибга солиш, яъни банк назорати банк тизимининг барқарорлигини сақлаш, янги молиявий жихатдан барқарор бўлган банкларнинг бозорга киритилишини назорат этиш йўлларидан биридир. Банкларни рўйхатга олиш ва лицензиялаш жараёнини такомиллашуви, авваламбор, лицензиялаш андозаларини, яъни банк муассасаларининг молиявий аҳволи, банк раҳбарлари малакаси ва обрўсига қўйиладиган талабларни оширишдан иборатдир.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, республикамиизда Марказий банк томонидан тижорат банкларини сонини кўпайишга йўл қўйган МДҲ давлатларидан фарқли ўлароқ, банкларнинг сонидан ҳам кўра сифатига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса, кўплаб давлатларда юз берган молиявий

инқизорларни республикамиз банк тизимиға ўз таъсирини ўтказмаганлиги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тижорат банкларини лицензиялаш ва банк назоратини ташкил этишда олиб бораётган сиёсатини тўғрилигини яна бир бор исботлади.

Шуни таъкидлаш лозимки, банклар томонидан ўз капитали етарлиигини таъминланиши, Марказий банк томонидан ўрнатилган иқтисодий меъёрларга риоя этилиши, иқтисодиётнинг реал соҳасига йўналтирилган кредит қўйилмалари ўсишини ва рискнинг оқилона диверсификацияланишини таъминланиши, кредитлар бериш шартларини, шунингдек, банк кредит портфелининг ҳолатини акциядорлар ва омонатчилар манфаатларини ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан келиб чиқсан ҳолда назорат қилиниши банк назоратининг моҳиятини билдиради.

## **1.2. Базель I ва Базель II талабларининг аҳамияти.**

Халқаро молия бозорларида ресурсларнинг янада самарали тақсимланишини таъминлаш йўли билан молия инновациялари, молия бозорларининг очиқлиги ҳамда глобализация мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишига ижобий таъсир қўрсатди ва иқтисодий ўсишларига туртки бўлди. Шунингдек, капитал ҳаракатининг эркинлиги қарздорлар учун янги молиявий манбаларга йўл очилишига ва оқибатда инвестициялар миқдорининг ҳаддан ташқари кўпайиб кетишига ҳамда банк рискини ошишига олиб келди. Бу ўз навбатида, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда банкларни синишига сабабчи бўлди.

70-йиллар бошидан бошлиб миллий ва халқаро даражада кредит ташкилотлари томонидан рискини баҳолашда аниқ қоида ва меъёрлар киритиш йўли билан молиявий барқарорликни ҳимоя қилишга уринишлар қилинган. XX асрнинг 80-йилларига келиб, юқорида айтиб ўтилганидек банк ишининг интернационаллашуви оқибатида банк назорати тизими халқаро миқёсда шакллана бошлади. Мазкур даврда банк назорати ва тартибга солиш масалалари бўйича Базель қўмитаси таркиб топди.

Ушбу қўмита тўғрисида олимларимиз томонидан тайёрланган турли ўқув методик қўлланмаларда маълумотлар берилишига қарамай, Базель қўмитасининг таркибий тузилиши, мақсад ва вазифалари ҳамда тамойиллари таҳлил қилинмаганлигини ҳисобга олиб, Базель қўмитаси тўғрисида тўлиқ маълумот берилиши республикамиз банк тизимида ушбу талаблардан фойдаланиш имкониятларини оширади деб ўйлаймиз.

1974 йил июн ойида Ғарбий Германиянинг «Банкхаус Херштатт» банки хорижий валютадаги операцияларидан сўнг катта зарар кўрди ва банкротликка учради. Шу билан бирга, валюта курсларини тартибга солиб турувчи Бреттон-Вудс тизимининг фаолияти тўхтатилгандан сўнг бир қатор банклар ҳам жуда катта зарарларга дуч келди. Жумладан, АҚШнинг «Франклин Нэшнл» банкининг 1974 йил май ойида хорижий валютадаги операциялардан кўрган зарарлари натижаси оммавий тарзда депозитлар ва омонатларни қайтариб олинишига олиб келди. Бу эса банк фаолиятининг тўхтатилишига сабаб бўлди.

Вужудга келган танглик ҳолатидан чиқиб кетиш мақсадида дунёнинг 10 та ривожланган мамлакатлари, яъни Бельгия, Канада, Франция, Швеция, Италия, Япония, Германия, Буюк Британия, АҚШ, Швейцария марказий банк бошқарувчилари 1974 йил сентябр ойида молия бозорларидағи барқарорликни таъминлаш мақсадида маҳсус «коммюнике» (келишув) қабул қилдилар. 1974 йил декабр ойида Швейцариянинг Базель шаҳрида бўлиб ўтган «10»лик гурухи учрашувида Англия Банкининг бошқарувчиси Гордон Ричардсон таклифига кўра, бошқарувчилар томонидан банкларни тартибга солиш ва назорат килиш услубларини такомиллаштириш мақсадида доимий қўмита тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди ва шу тариқа Банк назорати бўйича Базель қўмитаси вужудга келди. Янги, доимий фаолият кўрсатувчи бу қўмитанинг биринчи раиси этиб Англия Банкининг банк назорати бошқармаси бошлиғи Джордж Бланден тайинланди. Қўмита секретариати Швейцариядаги Марказий банкларнинг ўзаро ҳисоб-китобларини амалга оширувчи халқаро ҳисоб-китоблар банкида жойлаштирилди.

Қўмита тузилган вақтда «10»лик гурухи давлатларининг молиявий бозорлардаги операциялари ҳажми барча операциялар ҳажмининг 90 фоизини ташкил этган эди. Асосий иштирокчилар сонининг чекланганлигига (“10”лик гурухи) қарамай, ҳамкорликнинг кенгайиши минтақавий гуруҳларни тузиш орқали таъминланди. Улардан биринчиси 1980 йил октябр ойида ташкил этилган банк назоратининг Оффшор гурухи ҳисбланиб, унда ўша пайтдаги барча етакчи Оффшор марказларининг тартибга солиш ва назорат қилиш органлари вакиллари иштирок этди.

Дастлаб ваколатлар доираси чекланганлигига қарамай, қўмита ўз фаолиятини кўп йўналишлар бўйича кенгайтирди. Бу йўналишлар давлатлараро миллий банк назорати механизмлари тўғрисида маълумотлар алмашиш, халқаро банклар фаолиятини назорат қилиш усуллари самарадорлигини ошириш, капитал етарлилигининг минимал нормаларини татбиқ қилиш шунингдек, назорат органларини қизиқтирган бошқа муаммоларни таҳлил қилишга тегишилдири.

Шу билан биргаликда, қўмита илгари қабул қилинган оптималь стандартлардан воз кечиб, ўз фаолиятини банк назорати соҳасида ҳамда капиталнинг етарлилигига оид минимал нормативлардан фаол фойдаланишга қаратди. Молиявий бозорларнинг динамик ривожланишида қўмита комплекс соҳалараро алоқаларга катта эътибор қаратмоқда, жумладан, қимматли қоғозлар ва суғурта фаолиятларини назорат қилувчи органлар билан шунингдек, бухгалтерия ҳисоби ва халқаро аудит стандартлари каби бошқа соҳалар билан ҳамкорликни кенгайтирмоқда.

1975 йилдан бошлаб қўмита халқаро банк назорати муаммолари бўйича бир қатор ҳужжатларни ишлаб чиқди. Бу соҳада бўлиб ўтган ўзгаришлар қайсиdir даражада қўмита сиёсатидаги ўзгаришларни ва уни назоратига ёндашишни акс эттирасада, аммо халқаро банк фаолиятидаги ва молиявий бозорлардаги ўзгаришлар қўмита учун биринчи даражали аҳамият касб этиб келмоқда.

Халқаро банкларнинг чет мамлакатлардаги операциялари устидан банк назоратининг самарали усулларини ишлаб чиқиши бўйича Базель қўмитасининг биринчи тавсиялари 1975 йил сентябр ойида Биринчи Конкордатда баён этилди. Бу хужжат асосан маълум бир банкнинг трансмиллий операцияларини назорат қилишни амалга ошириш жараёнида давлатлараро назорат органлари ўртасидаги жавобгарликни тақсимлаш муаммоларига тааллуклидир. Конкордат назоратнинг тўртта асосий тамойилини белгилади.

1. Чет мамлакатлар банклари томонидан бошқа давлатларда ташкил килинган банк муассасалари фаолиятини назорат қилиш мақсадида қўшма жавобгарлик ушбу хорижий банк муассасаси очилган давлат ва хорижий банк жойлашган давлат назорат органларига юкланди.

2. Ликвидлилик бўйича назорат хорижий банк муассасаси очилган давлат назорат органларининг вазифаси ҳисобланганлиги сабабли, ликвидлиликни бошқаришда хорижий банклар, одатда маҳаллий нормаларга риоя қилишлари лозим.

3. Хорижий банкларнинг тўловга лаёқатлилигини назорат қилиш асосан ушбу банклар жойлашган давлатнинг назорат органларига юкланди.

4. Амалий ҳамкорлик хорижий банк жойлашган ва унинг муассасаси очилган давлатларнинг назорат қилиш органлари ўртасида маълумот алмашиш ҳисобидан таъминлаши лозим.

Бунинг учун эса, ҳамкорликка тўсиқ бўладиган барча юридик чекловларга, авваламбор, давлатлар банк сири билан борлиқ муаммоларни ечиш лозим эди. Биринчи Конкордат дастлаб чоп этилмасдан, факат назорат органларига тарқатилди, чунки у фактада миллий назорат органлари билан ўзаро муносабатларга тегишли бўлиб, тижорат банклари фаолиятига боғлиқ эмас деб ҳисобланарди.

1983 йилда Биринчи Конкордат ўрнига қайта кўриб чиқилган Конкордат ишлаб чиқилди. Қайта кўриб чиқилган Конкордат «Банко Амброзиано» холдингининг барбод бўлишидан сўнг, 1982 йилда чоп этилди. «Банко Амброзиано» Люксембургдаги итальян банк гурухларининг холдинг компанияси ҳисобланар эди. Чунки Люксембург назорат органлари уни банкларга қўшмаганлиги сабабли, у қисман назорат соҳасидан четда қолган эди. Компания барбод бўлганидан сўнг Люксембург ва Италия назорат қилиш органлари ўртасида холдинг компания фаолияти устидан назоратга жавобгарлик бўйича тортишув (мунозара) юзага келди. Шу муносабат билан қайта кўриб чиқилган Конкордатнинг тушунчалар бўлимида халқаро банк гурухларининг, шунингдек холдинг компанияларининг ва аралаш фаолиятдаги гурухларнинг таркибий хусусиятлари акс эттирилди.

1990 йилда қайта кўриб чиқилган Конкордатга информацион илова нашр этилди. Унинг асосига Базель қўмитаси ва банк назорати Оффшор гурухларининг қўшма ишчи гурухи ҳисботи натижалари киритилди. Ушбу ҳисботда 1983 йилда қайта кўриб чиқилган Конкордатни амалга жорий қилиш жараёнида вужудга келган муаммолар кўриб чиқилган эди. Илова ўз ичига фаолият олиб боришга рухсат олиш, бош банк жойлашган ва унинг муассасалари фаолият кўрсатаётган давлатларнинг назорат органлари

маълумотларига бўлган талаблари, банк сирини бекор қилиш ва ташки аудитнинг аҳамияти каби бир қатор маҳсус қоидаларни олган.

1990 йилда информацион илова нашр этилгандан сўнг, 1992 йилда Назоратнинг минимал стандартлари тўғрисида такрорий баёнот эълон қилинди. Назорат органларининг халқаро фаолиятини мувофиқлаштириш юзасидан кейинги таҳлил «BCC!» банкининг барбод бўлиши ва «Банко Национеле дель Леворо» банкининг Атлантадаги бўлимида содир бўлган воқеалардан сўнг 1992 йилнинг ёзида амалга оширилди. Шунга асосан, қўмита қўйидаги хулосага келди: қайта кўриб чиқилган Конкордат ва 1990 йил информацион илова етарли асосланганлигига қарамай, назорат органлари ишлаб чиқилган стандартларни жорий қилишни фаоллаштиришлари лозим. Шунингдек, “10”лик гурухининг барча давлатларида назорат органлари томонидан риоя қилиниши лозим бўлган банк назоратининг минимал стандартлари тўпламини белгилаш тавсия килинди.

Иккинчи ҳисобот 1996 йилда Базель қўмитаси ва банк назоратининг Оффшор гурухи билан қўшма ишчи гурухи томонидан тайёрланди. Минимал стандартлар эълон қилинганидан сўнг, 4 йил давомида қўмита ушбу стандартларни жорий қилинишида давлатларнинг миллий назорат органлари фаолияти устидан мониторинг ўтказди. Сезиларли тараққиётга қарамасдан, ҳамон бир қатор муаммолар ечилмай қолган эди. Ишчи гуруҳ минимал стандартларни, шунингдек назорат органларига ўзларининг анъанавий миллий назорат усуллари ёрдамида ушбу стандартларни татбиқ этишда вужудга келган тўсиқларни таҳлил қилиб чиқди.

Текширишлар ўтказиш ва назорат органлари томонидан амалга оширилаётган консолидация назоратини самарали баҳолашда кўриб чиқилиши лозим бўлган бир қатор масалаларга оид амалий тавсиялар алоҳида қизиқиш уйғотди. Минимал стандартларни рисоладагидек амалга оширишни таъминлаш мақсадида ишчи гуруҳ 1986 йилда Стокгольмдаги банк назорати бўйича навбатдаги Халқаро Конференцияда стандартларга риоя қилишни таъминлаш мажбуриятини яна бир бор тасдиқлашни, шунингдек навбатдаги 1989 йил Конференцияси олдидан стандартларга риоя қилишни текшириш лозимлигини тавсия қилди.

Нихоят, 1997 йил апрел ойида консультатив характерга эга бўлган дастлабки ҳужжат тайёрлангандан сўнг, 1997 йил сентябр ойида банк назорати асосий тамойиллари тўлиқ рўйхати эълон қилинди. 1996 йил Базель қўмитаси томонидан консультатив характерга эга бўлган ҳужжатларни нашр этгандан сўнг, бозор рискини ҳисоб қилиш мақсадида капитал тўғрисидаги Битимга тузатишни кўзда тутадиган навбатдаги ҳужжатни чоп этди. Капитал тўғрисидаги Битим кредит хавфидан юзага келадиган заарларни банк капитали ҳисобидан ёпишни кўзда тутарди. Шу билан бирга, ушбу хавф хусусан, акциялар, қарз ва бошқа молиявий инструментлар билан бўладиган операциялар бўйича ҳам келадиган заарлар билан боғлиқлигини кўзда тутарди.

Риск билан банк капиталининг етарлилигини ҳисоблаш ўртасида алоқалар мустаҳкамланиши ҳамда Базель қўмитасининг капитал таркиби

бўйича янги талаблари 100 га яқин давлатларда қабул қилиниши Жаҳон банк тизимини мутаносиблиги ва ишончлилигини мустаҳкамлашга, халқаро операцияларни амалга оширувчи банклар ўртасида рақобатнинг тенглигини таъминлашда ҳамда назоратни келишув асосида амалга оширилишига катта ёрдам берди. Молиявий муносабатлар глобализациясининг кучайиши ва улар билан банк рисклилигининг ортиши кредит ташкилотларининг ишончлилигини баҳоловчи янги йўлларни шу билан бирга капитал етарлилиги ва рискларни баҳолашнинг янги услубларини топиш зарурати туғилди. Миллий ва халқаро даражадаги банк назоратининг 25 та фундаментал асосий тамойиллари 1997 йилда чоп этилган эди, сўнгги бор 2006-йилда чоп этилди. Бу тамойиллар Базель қўмитаси томонидан бозор иқтисодиёти шакланаётган 15 та давлатнинг банкларни назорат қилиш органлари билан биргаликда ишлаб чиқилди. Тахмин қилинардики, жаҳоннинг барча давлатларида ҳукуматининг назорат ва бошқа органлари банкларни назорат қилишда Базель қўмитасининг асосий тамойилларига таянади.

Асосий тамойиллар Базель қўмитаси томонидан тайёрланган З жилдли ҳужжатлар тўплами билан бирга чоп этилди. Тўпламда Базель қўмитаси томонидан 1975 йилдан буён ишлаб чиқилган назорат сиёсатига оид масалалар бўйича мувофиқлашган асосий ҳужжатлар ифода этилган. Базель қўмитасининг асосий тамойиллари 1997 йил сентябр ойи охирида Гонконгдаги Халқаро Валюта Фонди ва Жаҳон банки йиғилиши арафасида нашр этилган эди.

Асосий тамойилларнинг тайёргарлиги Базель қўмитаси ҳамда бир қатор “10”лик гурӯхига кирмайдиган, жумладан Хитой, Чехия, Гонконг, Мексика, Россия, Чили ва Таиланд давлатлари назорат органлари билан узвий ҳамкорликда амалга оширилди. Ушбу ишда 8 та давлат, жумладан, Бразилия, Венгрия, Индонезия, Корея, Малайзия, Польша ва Сингапур, бевосита иштирок этдилар. Асосий тамойилларда лицензиялаш ва банклар фаолиятига жорий назоратга нисбатан талабларнинг минимал тўплами белгиланган.

Базель қўмитаси учун котибият вазифасини халқаро ташкилот ҳисобланган, иқтисодий ва монетар изланишлар маркази бўлган Халқаро ҳисоб-китоб банки (ХХКБ) бажаради. «Марказий банклар учун банк» бўлган Халқаро ҳисоб-китоб банки марказий банклар ҳамда жаҳон молия ҳамжамияти йўналишида қарорлар қабул қилиш жараёнида кўмаклашади. Ҳозирги кунга келиб, 120 га яқин марказий банклар ва халқаро молия ташкилотлари ушбу банкда ўз депозитларига эгадир. Халқаро ҳисоб-китоб банки ишончлилиги юқори рейтингга эга бўлган банкларда, шунингдек, турли мамлакатларнинг қисқа муддатли давлат қимматли қоғозларига маблағларни жойлаштиради.

Базель қўмитасининг банк назоратига оид асосий вазифаси банк назорати ва тартибга солишининг асосий тамойилларини ишлаб чиқиш ва мувофиқлаштириш бўлиб ҳисобланади. Келишувга аъзо бўлган давлатлар қўмитага уларнинг банк муассасалари учун мажбурий бўлган кўрсатмаларни ишлаб чиқишини юклайдилар. Ушбу кўрсатмалар тижорат банклари фаолиятини турли жабҳаларини тартибга солиб туради. Шунингдек ушбу кўрсатмалар аъзо бўлган давлатларда қоида бўйича банк қонунчилигининг бир

қисми бўлиб қолади.

Базель қўмитаси фаолиятининг асосий йўналиши банк тизими учун ўз капиталига сифат ва миқдор жиҳатдан етарли талабларни ўрнатиш йўли билан мустаҳкам фаолиятни таъминлашдан иборатdir. Бу ўринда асосий хужжат бўлиб, 1988 йилда марказий банк вакиллари томонидан ишлаб чиқилган ва 1993 йилда амалиётга жорий қилинган Капитал ва риск бўйича Basel I келишуви ҳисобланиб, унда капиталнинг етарлилиги банк ташкилоти томонидан олаётган риск даражасига боғлиқлиги кўрсатилган.

Бизга маълумки, банк фаолиятини назорат қилишда капитални етарлилиги асосий фактор ҳисобланади. Бошлангич маблағ, мижозлар ва кредиторлар ишончини ошириш ҳамда банкротликдан ҳимоялашиш амалларини бажариш банк операциясини амалга оширишда муҳим омил ҳисобланади. Банк капитали унинг фаолиятини тартибга солувчи бўлиб ҳисобланиб, у орқали давлат назорат ташкилотлари банкни молиявий номутаносиблигини ва риск даражасини ҳаддан ташқари кўпайиб кетишини олдини олиш мақсадида иқтисодий меъёрларни белгилашда фойдаланилади.

Турли давлатлар томонидан якка тарзда ўрнатилган банк капиталининг етарлилиги меъёри халқаро молия тизимини мустаҳкамлигини ва улар ўртасида ҳаққоний рақобатни таъминламаяпти. 1988 йилда банк капиталини тартибга солувчи талабларни яқинлаштириш мақсадида Банк назорати бўйича Basel қўмитаси «Капитални ўлчаш усуслари ва андозаларини халқаро яқинлаштириш» (Базель келишуви) борасидаги хужжатни тасдиқлаб, унда капитал етарлилиги меъёрини ҳисоблаш услугини белгилади.

Капитал етарлилигини аниқлаш бўйича ишлаб чиқилган мазкур услугуб капитал суммаси билан банк актив операцияларининг рисклилиги ўртасида ўрнатилган боғлиқликни мақсадлилигига асосланади. Ушбу боғлиқлик ўз капиталини рискка тортилган активларнинг жами миқдорига ёки потенциал кредитлар, инвестициялар ҳамда бошқа қўйилмалар бўйича йўқотишларнинг жами миқдори нисбати билан аниқланади.

Мазкур услугда капитал икки гурухга бўлинади. Биринчи даражали капитал тўлиқ тўпланган оддий акциялар ва дивидендлар, йиғилмасдан тўланадиган имтиёзли акциялардан иборат бўлган акциядорлик капитали, очик (эълон қилинадиган) захиралар, қўшимча тўланган капитал, тақсимланмаган фойда, кўзда тутилмаган йўқотишларга қарши умумий захиралар ва аниқ бир давлат қонунчилигининг ўзига хослиги билан банк томонидан тузиладиган бошқа захиралардан ташкил топади.

Шунингдек, келишувда қўшимча капитални, яъни иккинчи даражали капитални шакллантиришнинг бошқа услублари кўрсатилган бўлиб, унинг таркибида капиталнинг етарлилиги даражаси ўзгарган тақдирда ҳисобга олинадиган турли шаклдаги захиралар ва аралаш молия инструментлари киради. Қўшимча капитални компонентларидан бири бу активларни балансида кўрсатилган бошлангич қийматини (бино, қимматли қоғозлар ва бошқалар) жорий баҳода қайта ҳисоблашдан келиб чиқсан банк активларни қайта баҳолаш захираси ҳисобланади.

Иккинчи даражали капиталнинг навбатдаги компоненти бу ссудалар

бўйича йўқотишларга қарши умумий захирадир. У ссуда портфели бўйича кўзда тутилмаган йўқотишларни қоплашга қаратилган бўлсагина амалда қўлланилади. Агарда мазкур захира аниқланган сифатсиз ссудалар бўйича йўқотишларни қоплашга қаратилган бўлса, у фавқулоддаги йўқотишларни қоплаш учун эркин ишлатила олинмайди ва шунга мувофиқ у капитални ҳисоблашда ҳисобга олинмайди.

Иккинчи даражали капитал таркибиға акция ва қарз мажбуриятини ўз ичига олган (дивидендлар, йиғилиб бориладиган имтиёзли акциялар, акцияларга конвертация қилиб бериладиган облигациялар) қимматли қоғозларнинг айrim турлари кириши мумкин. Охирги йилларда ғарбда банклар томонидан чиқариладиган мажбуриятларнинг субординар тури машхур бўлди. Субординар мажбуриятлар бу қимматли қоғозларнинг асосий тури бўлиб, унинг маҳсус таъминоти бўлмасдан, банк тугатилган ҳоллардагина кредиторларнинг талаблари қондирилгандан сўнг қайтарилади. Субординар мажбуриятларни капитал таркибиға киритиш учун уларнинг бошланғич қайтариш муддати камида беш йил бўлиши, шунингдек ҳисобга олинадиган суммаси умумий капиталнинг 50% дан ошмаслиги лозим. Бу иқтисодий меъёрлар капиталнинг етарлилиги коэффицентлари билан бирга Жаҳон банки маслаҳатчилари билан ишлаб чиқилиб, 1998 йилда банк назорати амалиётiga жорий қилинганди.

Базель қўмитаси бозор иқтисодиёти шароитида қўзда тутилмаган рискларни олдини олиш учун 1997 йилда амалиётга III-даражали капитални киритди. III даражали капитал таркибиға қисқа муддатли субординар қарз (максимал муддати 2 йилдан ошмаслиги керак) киритилган бўлиб, у I даражали капиталнинг 250 % дан ошиб кетмаслиги керак.

Халқаро банк назорати талабларини, яъни меъёрларини ўрнатишда маҳаллий шароит макроиктисодий ҳолатини ҳисобга олиш лозим.

Халқаро Базель қўмитаси томонидан барча давлатлардаги банкларга нисбатан белгиланган, яъни иккинчи даражали капиталнинг ҳажми биринчи даражали капиталдан ошиб кетмаслиги тўғрисидаги талаби бугунги кунда бизнинг республикамиизда қўлланилиши мақсадга мувофиқ эмас. Чунки ҳозирги даврда ривожланган давлатларда кенг қўлланилаётган субординар қарзлар ва дериватив молиявий инструментлар миллий банк амалиётимизга кириб келгани йўқ. Шу билан бирга уларни амалиётга жорий этиш бўйича ҳам ҳукуқий норматив база яратилмаган.

Юқорида айтиб ўтилган Базель қўмитасининг келишувига кўра баланс ҳамда балансдан ташқари моддаларнинг ҳар бирига риск даражасини белгилаб, уларнинг рисклилиги ўхшашлиги бўйича гурухларга ажратади. Риск коэффицентлари тўртга бўлинган: 0, 20, 50 ва 100 %.

Базель қўмитасининг келишувига мувофиқ халқаро фаолиятни амалга оширувчи банклар учун активлари рискка тортилган биринчи даражали капиталнинг минимал миқдори 4 % бўлиши ўрнатилган бўлиб, биринчи ва иккинчи даражали капиталлардан ташкил топган жами капиталнинг риска тортилган активларга нисбатан етарлилиги 8 % бўлиши белгиланган. Капитал етарли бўлмаган тақдирда банк уч усул орқали меъёрий талабларга

мослаштирилиши мумкин: капитални ошириш орқали, активларни қисқартириш орқали, рисклилиги юқори бўлган қўйилмалар микдорини қисқартириш орқали активлар таркибини ўзгартирса бўлади.

Риск билан банк капиталининг етарлилигини ҳисоблаш ўртасида алоқалар мустаҳкамланиши ҳамда Базель қўмитасининг капитал таркиби бўйича янги талаблари 100 га яқин давлатларда қабул қилиниши жаҳон банк тизимини мутаносиблиги ва ишончлилигини мустаҳкамлашга, халқаро операцияларни амалга оширувчи банклар ўртасида рақобат тенглигини таъминлашда ҳамда назоратни келишув асосида амалга оширилишига катта ёрдам берди.

Банк назоратига капиталнинг етарлилиги меъёри орқали кредит ташкилотларини ишончлилигини аниқлаш амалиётини татбиқ этиш жаҳон банк тизимида маълум бир натижаларни берди: ўтган ўн йил ичida ривожланган давлатлар кредит ташкилотларининг капитал етарлилиги ўртacha кўрсаткичи 9,3 дан 11,2 % га ошди. Молиявий муносабатлар глобализациясининг кучайиши ва улар билан банк рисклилигининг ортиши кредит ташкилотларининг ишончлилигини баҳоловчи янги йўлларни, шу билан бирга капитал етарлилиги ва рискларни баҳолашнинг янги услубларни топиш зарурати туғилди.

Базель қўмитаси жаҳон тажрибасини умумлаштирган ҳолда 1999 йилнинг бошларида банк капиталининг етарлилиги тўғрисидаги низом масалаларига бағишлиланган мулоқотни ташкил қиласди. Мулоқот чофида охирги 10 йил ичida бозор амалиётини жадал ривожланиши шароитида ҳамда турли янгиликларни пайдо бўлиши билан молия дунёсида ҳам ўзгаришлар вужудга келиб, амалдаги услугда ҳисобланган банк капитали етарлилиги коэффиценти ҳар доим ҳам унинг молиявий ҳолатини ишончли кўрсаткичи бўла олмаслиги маълум бўлди.

Шунингдек, мазкур мулоқотда шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтишдики, амалдаги низомда айрим банк операцияларининг турлари бўйича рискни камайтириш усулларини қўллашни рағбатлантириш таъминланмаган. Масалан, гаров таъминоти капитални етарлилигига қўйилган талабни минимал камайишига олиб келади холос. Бошқа ҳолатларда амалдаги меъёрлар кредит рисклилигини камайтириш йўлини излашга имкон бермайди.

Кўп тарафли ўtkазилган мулоқотлар натижасидан сўнг Базель қўмитаси 1999 йил июн ойида капитални етарлилигини таъминлаш муаммосига янгича ёндашиш ҳамда банклар томонидан меъёрларни бузмаслиги устидан назоратни яхшилаш масалаларига бағишлиланган маъruzani эълон қиласди. Янги схема уч базавий ва уни тўлдириб турувчи компонентларга асосланади: капитал етарлилигига минимал талаб, назорат жараёнлари ҳамда бозор инструментларидан самарали фойдаланиш.

Мазкур компонентларни биргаликда қўллаш орқали кредит ташкилотлари томонидан банк капитал базасини унинг рисклилиги ва стратегиясига мувофиклаштиришни таъминлаш орқали бошқарувни яхшилашга олиб келади. Ушбу компонентларни моҳиятан алоҳида ўрганиб чиқамиз.

*Капитал етарлилигига минимал талаблар.* 1988 йил келишувнинг асосий элементлари, яъни регулятив капитални аниқлаш ҳамда капитални рискка тортилган активларга нисбатининг энг кам миқдори янги ҳужжатларда ўзгаришсиз қолди. Янги талаблар асосан рискка тортилган активларни ҳисоблашга қаратилган рискни баҳолашни ўз ичига олди.

Базель қўмитаси ҳисобга олинадиган рисклар таркибини кенгайтиришни таклиф қилди. Учта йирик тоифа ажратилди: кредит, бозор ва бошқа рискларга кирган биринчи навбатда банк балансининг ҳисобвараклари бўйича операцион ва фоиз рискларини, шунингдек, ликвидликни, обрў-эътиборни ва бошқаларни йўқотиш рисклилиги ўз ичига олади. Капитал етарлилигига энг кам бўлган талаб ўз ичига кредит ва операцион рискларни баҳолашни олиб, бунда бозор рисклилигини баҳолашга талаблар ўзгармайди. Фоиз рисклилигини баҳолаш мураккаб моделни қўллашни талаб қилганлиги муносабати билан Базель қўмитаси уни иккинчи компонентга киритишни мақсадга мувофиқ деб топган.

Кредит ва операцион рискларни баҳолашда банклар томонидан қўйидагилардан фойдаланиш кўзда тутилган: ички рейтингнинг андозавий, база усуллари; ички рейтингнинг мукаммал усули.

Активларнинг турли тоифалари билан боғлиқ рискларни баҳолаш аниқлигини ошириш учун банкларга ташқи кредит рейтингларидан фойдаланиш имконини, яъни молия инструментларини инвестицион жиҳатдан жалб қилишни баҳолаш билан малакали шуғулланадиган ихтисослашган молия агентлиги томонидан, шунингдек, экспорт операцияларни кафолатлаш билан шуғулланадиган сұғурта компанияларга бериш масаласи кўтарилиган эди. Мазкур соҳада Standart and Poor's, Moody's Service, Fitch IBCA машхур фирмалардан ҳисобланади.

Ушбу келишувга мувофиқ Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотига (ИҲРТ) аъзо бўлган мамлакатлар қарздорлари ва бу мамлакатлардан ташқари бўлган қарздорларга бўлишни тугатиш кўзда тутилган. Амалиёт шуни кўрсатдики, қарздорларни бундай бўлиш уларнинг сифатига қўйиладиган талабларни тўлиқ акс эттирмайди. Янги усул соҳасида қарздор (актив)лар бўйича рискнинг асосий тоифалари кўрсатилган: давлат бошқарув ва ҳокимият ташкилотлари (хукумат, мамлакат Марказий банки), тижорат банклари, аниқ соҳанинг номолиявий ташкилотлари, жисмоний шахслар, лойиҳани молиялаш ҳамда капиталда қатнашиш.

Янги тизим бўйича муҳим ўринни ихтисослаштирилган рейтинг агентликлари ўйнаганлиги сабабли уларни танлаб олиш мезонлари (объективлик, аниқ, услублардан фойдаланиш, рейтинг агентликларига бўлган ишонч) олдиндан келишиб олинади.

Юқорида айтиб ўтилган капитални аниқлаш бўйича янги талаб ўзгаришсиз қолди. Капитални етарлилиги тўғрисидаги 1988 йилдаги Низомга мувофиқ қарздорларга бериладиган кредитлар унинг молиявий ҳолатидан қатъий назар 8 фоиз миқдорида ўз маблағлари билан таъминланиши лозим. Берилаётган кредитлар таъминотига бундай ўрнатилган талаб иқтисодий нуқтаи назардан кўп банклар капиталини норационал тақсимланишига олиб

келди. Кредит рисклилиги кичик бўлган тижорат банклари балансининг актив портфели иқтисодий нуқтаи назардан ўз капиталини юқори миқдорда таъминот сифатида ажратиши лозим бўлади. Ва аксинча кредит рисклилиги даражаси юқори бўлган банкларда қўзда тутилмаган вазиятлар юз берган ҳолларда ўз капитали етишмаслиги мумкин.

Банкнинг ўз капитали хавф ва зарарлар вужудга келганда банкни фаолият кўрсатишини таъминлайди. Шунинг учун капиталнинг ҳимоя аломатлари унинг миқдори билан эмас, балки уни активларга: (бирламчи захира, кредитлар, қимматли қоғозлар, кўчмас мулк ва бошқалар) жойлаштириш таркиби даражаси билан белгиланади. Қабул қилинган келишувга мувофиқ капитални етарлилиги хўжалик субъектлари фаолиятига таъсир қилувчи риск характеристи билан белгиланади.

2005 йилдан бошлаб қарздорнинг кредит қобилияти ҳар бир мижозга бериладиган банкнинг ички рейтинг тизими билан баҳоланадиган бўлади. Бунда, тўловга қобилиятлилик рейтинги қанча паст бўлса, ўз капитали миқдорига бўлган талаб шунча юқори бўлади. Мустақил ишлаб чиқариш рейтинг тизимидан фойдаланиш тижорат банклари учун кредитлашга ҳар томонлама қарздор билан боғлик риск даражаси ва турига қараб ёндашиш имконини беради. Шу билан биргаликда замонавий дунёда рисклар доим диверсификация қилиниб бориши ҳамда банк олдида мазкур рискларни баҳолаш услубларини ҳар доим яхшилаб бориш вазифаси туради. Ушбу масалани ҳал қилиш учун банкларнинг ўзларини ҳамда назорат органларини, маслаҳат берувчи фирмаларни, рейтинг агентликларининг ҳаракатларини мувофиқлаштириш лозим бўлади.

Мавзунинг моҳиятидан келиб чиқиб Базель қўмитасининг иқтисодий меъёрларни бажарилишини назорат органлари томонидан назорат қилиш юзасидан билдирган таклифларига қисқага тўхталиб ўтсак. Банклар капиталини етарлилигига қўйиладиган талабни янгилашнинг муҳим ўрнини Базель қўмитаси назорат фаолиятини мукаммалаштиришга қаратган. Назорат органларининг мақсади банкнинг капитал базаси ҳолатини назорат қилиш бўлса, уларнинг стратегияси – банк капиталини банкнинг риск умумий тузилмасига мувофиқлигини таъминлашдир. Шу сабабли назорат органлари банкларнинг ўз маблағлари капитални етарлилиги меъёрининг энг кам талабларини бажаришини талаб қилиши Ҳуқуқига эга бўлиши, шунингдек, капитал базасини баҳолаш жараёни ва рейтинги ишлаб чиқилган бўлиши лозим.

Базель қўмитаси капитал етарлилиги даражасини ҳамда капитални қўшимча миқдорлари (капиталнинг иккинчи даражаси)ни баҳолашда банк ва назорат органлари иқтисодий жараёнларни боғлиқлиги ҳамда умумий макроиқтисодий ҳолатни эътиборга олишни таклиф қилган.

Банк ҳолатига ёмон таъсир кўрсатиши мумкин бўлган жараёнларни олдини олиш мақсадида истиқболли тестни ўтказиш лозим бўлади. Шунингдек, Базель қўмитаси банк томонидан қабул қилинган стратегия, унинг капитали ва тўлов қобилиятини сақлаш имконини бермаса, назорат органи унинг фаолиятига аралashiш хукуқи берилиши борасидаги таклифи билан чиқкан.

Актив ва пассивлар сезгирилиги асосида ётувчи кредит-депозит операциялари бўйича фоиз рисклилиги банкнинг ликвидлиги ва капиталга жиддий хавф бўлиб ҳисобланади. Банк узоқ ва қисқа муддатли фоиз даражалари фарқи ўртасидаги қўшимча даромад олишга интилиши билан қутилмаганда пул бозоридаги баҳоларни ўзгаришига боғлик бўлиб қолади. Маблағларни жойлаштириш ва жалб қилиш муддатлари ўртасида фарқ бўлмаган тақдирда ҳам йўқотишлардан тўлиқ сугурта қилиб бўлмайди, чунки қўйилмалар ва қарзлар бўйича фоиз ставкалар орасидаги фарқ бир - бири билан боғланмаган бўлиши мумкин.

Банк фаолиятида турли табиатдаги фоиз рисклилигини пайдо бўлишини ҳисобга олган ҳолда, Базель қўмитаси мазкур турдаги рискни иккинчи компонент доирасида ҳисобга олишни маслаҳат берган. Банклар фоиз рисклилиги даражаси миқдорига мос равишда капитални етарли даражасига эга бўлмаса, унда улар банк фаолиятига аралashiши орқали ёки рискни камайтиришни ёки ўз капитали миқдорини оширишни талаб қилишлари мумкин бўлади. Қўмита шуни тушуниб етдики, бундай банкларни топиш учун миллий миқёсда маълум даражада эркин фаолият кўрсатиш ҳамда ссуда-депозит операциялари бўйича фоиз рискни ҳисоблаш услугини ишлаб чиқиш зарур бўлади.

Шундай қилиб ривожланган хориж давлатларида банк назорати тизимини шаклланишида асосий эътибор Марказий банклар ва тижорат банклари томонидан амалга ошириладиган операциялар натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган йўқотишларнинг олдини олишга, кредиторлар ва омонатчилар ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг замонавий механизмларини яратишга қаратилган. Катта йўқотишлар билан боғлик банк рискларини аниқлашда халқаро келишув Базель қўмитаси талаблари катта аҳамиятга эгадир.

2006 йилнинг охирига келиб Базель қўмитаси Базель II келишувини амалиётга тадбиқ этди. Ушбу келишувда ҳам капитал етарлилигининг минимал миқдори 8 % лиги сақланиб қолади. Янги келишув учта таркибий қисмдан иборат бўлиб, улар:

1. капиталнинг минимал миқдорига талаб;
2. капитал етарлилигининг назорат органлари томонидан таҳлил этиш;
3. маълумотларни кенг оммага эълон қилиш.

Ушбу келишувда рисклар икки турга, яъни кредит ва операцион риска бўлинади. Базель II келушувининг асосий қўлланиш сфераси - бу консолидациялашган банклар, банк холдинглари, банк групҳлари бўлиб, улар халқаро банк фаолияти билан шуғулланишади.

Базель қўмитаси томонидан 2006 йилда қабул қилинган банк назоратини назорат қилиш бўйича 25 тамойилининг асосий мақсади самараали банк назоратини ташкил қилишдир. Ушбу тамойиллар 7 групга бўлинган.

 Объективлик, мустақиллик, ваколатлилик, шаффоффлик ва ҳамкорлик (тамойил 1);

-  лицезиялаш ва тузулма (тамойил 2-5);
-  прудентал назорат ва тартибга солиш (тамойил 6-18);
-  банк назоратининг усуллари (тамойил 19-21);

-  ҳисоботлар ва уларни ошкор этиш (тамойил 22);
-  назоратчиларнинг ахлоқи ва уларнинг ваколатлари (тамойил 23);
-  консолидациялашган банклар ва хорижда фаолият юритувчи банклар назорати (тамойил 24-25).

Ушбу тамойилларда банк назоратини ташкил этиш асослари ва капитал етарлилиги, йирик кредитлар, ликвидлилик риски, бозор риски, операцион риск, кредит риски, мамлакат риски, фоиз риски, рискларни бошқариш риски, ички назорат ва ички аудит каби бўлимлари бор.

Фан-технологияларнинг ривожланиб бориши, интернетнинг оммалашиб бориши **e-banking** (Интернет-банкинг)нинг ҳам ривожланиб боришига замин яратмоқда. Бу ўз навбатида Базель қўмитаси олдига Интернет банкинг рискларини олдини олиш имконини берувчи тамойиллар ишлаб чиқиш заруриятини келтириб чиқарди. Шу мақсадда биринчи марта 2000-йил октябр ойида интернет банкинг рискларини олдини олиш, улар устидан назорат қилиш ва уларнинг рискларини бошқариш бўйича тамойилларни ишлаб чиқди. Иккинчи марта эса 2003 йил июль ойида электрон банкинг учун рискларни бошқариш тамойиллари ишлаб чиқарилди. Электрон банкинг ривожланиб бориши халқаро миқёсда назоратни ташкил қилиш ва мамлакатлар банк назоратчилари ўртасида ҳамкорликни таъминлаш заруриятини келтириб чиқармоқда. Банк назорати органлари ўртасида ҳамкорликнинг таъминланиши халқаро миқёсдаги қонунчиликлар қабул қилиниш эҳтиёжини келтириб чиқармайди. Электрон банкинг ривожланиб боришининг икки сабаби бор: биринчидан, банклар томонидан таклиф қилинаётган электрон банк хизматлари унинг мижозлари томонидан кенг фойдаланилмоқда, шунингдек, банк мижозлари томонидан Интернет хизматларидан фойдаланувчилар сони ортиб бормоқда; иикичидан, янги технологияларнинг ривожланиб бориши банкларга инсон меҳнатидан фойдаланмаган ҳолда турли хилдаги банк хизматларни таклиф этиш имконини бермоқда ва банк мижозларининг ортиб боришига хизмат қилмоқда. Лекин, электрон банклар фаолиятида учрайдиган рисклар бу янги пайдо бўлган рисклар эмас, булар биз билган ликвидлилик риски, мамлакат риски, операцион риск, стратегик риск ва бошқалардир.

### 1.3. Базель III талаблари ва уни жорий этиш шартлари.

Бутун дунёга машҳур халқаро БАЗЕЛЬ қўмитаси 1975 йилдан буён ўз фаолиятини бошлаган. Ушбу қўмита Халқаро ҳисоб китоблар банки қошида ташкил этилган ҳамда 27 та дунёнинг етакчи давлатлари марказий банклари билан ҳамкорликда умумжахон банк тизими долзарб масалалари юзасидан турли хил зарур тавсиялар ҳамда талабларни ишлаб чиқади.

2010 йил 12 сентябрдан кучга кирган G20 давлатлари Молия вазирлари ҳамда Марказий банклари раислари томонидан маъқулланган янги хужжат асосан хусусий капитал етарлилиги масаласига алоҳида урғу беришга қаратилган. Ушбу янги келишув олдинги Базель 2 келишувини рад этмайди, балки уни тўлдиради ҳамда кучайтиради. Барча талаблар босқичма босқич 2013 йил 1 январдан бошлаб бир неча йил (5-10йил) амалга оширилиши лозим.

Базель қўмитасининг «Самарали банк назоратини таъминловчи тамойиллари» 25 та асосий тамойилдан иборат бўлиб, уларнинг мазмун-моҳият жиҳатиджан қўйидагилардан иборат:

1-тамойил самарали банк назорати учун зарурий шартлардан иборат бўлиб, бунда:

- банк назоратини амалга оширувчи орган аниқ белгиланган вазифа ва мажбуриятларга, оператив мустақилликка ва тегишли моддий базага эга бўлиши;

- банк назорати учун етарли хуқуқий асос зарурлиги;

- назорат этувчи органлар ўртасида ахборот алмашинуви механизмининг ва бундай ахборотларнинг маҳфийлигини таъминлаш лозимлиги қайд этилган.

2-5 тамойиллар банкларни лицензиялаш ва талаблар таркибини ўз ичига олиб, мазкур тамойилларда:

- банклар сингари лицензиялаш ва назорат қилиш талаб этиладиган ташкилотларга рухсат этилган фаолият турларини, ташкилотларнинг номида «банк» сўзидан фойдаланишнинг қонунийлиги аниқ белгилаш;

- лицензия берувчи орган маълум ўзига хос талабларларни ўрнатиш хуқуқига эга бўлиши ва бундай талабларга мос келмайдиган муассасалардан лицензиялаш учун аризаларни қабул қиласлиги;

- лицензиялаш жараёни ҳеч бўлмаганда, банқда эгалик муносабатлари таркибини, директорлар ва бош менежерларнинг касбга мувофиқлиги тўғрисидаги маълумотларни, банкнинг оператив молиявий режаси, ички назорат таркиби, банкнинг молиявий ҳолатини, жумладан банкнинг ўз маблағлари ҳолатини баҳолашни ўз ичига олиши;

- банк назорати органи мавжуд банклардаги сезиларли таъсис улушкини ёки назорат пакетини учинчи шахсларга ўтказиш тўғрисидаги таклифларни кўриб чиқиш ва зарур ҳолларда уни рад этиш хуқуқига эга бўлиши;

- банк назорати органи банк томонидан амалга оширилган харидларни ёки инвестицияларни қайта баҳолаш учун ўзига хос талаблар ўрнатиш ваколатига эга бўлиши ҳамда шўъба ва тобе таркибий тузилмалар банк учун юқори таваккалчиликни юзага келтирмаслигига ва самарали банк назоратини амалга ошириш учун тўсқинлик қиласлигига ишонч ҳосил қилиши кераклиги белгиланган.

6-15 тамойиллар мажбурий талаблар ва тартибга солиш жарёнлари билан боғлиқ бўлиб, уларда:

- банк назорати органи барча банклар учун банк ўз зиммасига оладиган таваккалчилик даражасига мос келадиган капитал етарлилиги бўйича талабларини ўрнатиши, эҳтимолий йўқотишларни қоплай олиш имкониятларини инобатга олган ҳолда, капитал таркибини аниқлаб бериши;

- банкнинг сиёсати, оператив фаолияти ҳамда улар томонидан кредитлар бериш ва инвестицияларни амалга ошириш билан боғлиқ тартиб қоидаларни, шунингдек кредит ва инвестиция портфелларининг жорий бошқарувини холис текшириш ҳар қандай назорат тизимининг ажралмас қисми эканлиги;

- банк амалиётга, активлар сифатини баҳолаш методикасига мос келадиган, шунингдек кредитлар бўйича йўқотишларни захиралар билан

таъминлаш бўйича самарали сиёsat ишлаб чиқиши ва шу асосда фаолият кўrsatiши лозимлиги;

- банкда раҳбариятга ўзаро дахлдор кредиторлар ва қарздорларни аниқлаш имкониятини берувчи етарли ахборот тизимининг мавжуд бўлиши, банк назорати органи эса қарз маблағларини бир қарздор ёки ўзаро дахлдор бўлган қарздорлар груҳи ўртасида рухсат этилган тақсимланиш чегарасини аниқлаб бериши;

- банкка дахлдор шахсларни кредитлашда суиистеъмолликка йўл қўйилиши ҳолатларини бартараф этиш мақсадида банк назорати органи банклардан кредитларни ҳамма учун бир хил шартлар асосида берилишини талаб қилиши ва уни самарали назорат қилиб бориши, шунингдек назорат қилиш ва таваккалчиликни камайтириш мақсадида зарурӣ чораларни кўриши;

- банкда маблағларни бир мамлакатдан бошқасига ўтказишда, халқаро кредитлаш ва халқаро инвестицион фаолиятда юзага келадиган мамлакатлар бўйича таваккалчиликни кузатиш ва назорат қилишни белгилаб берувчи сиёsat ва методиканинг ишлаб чиқилганлиги;

- банкда бозор нархлари ва котировкаларининг тебраниши билан боғлиқ таваккалчиликни аниқ баҳолаш, кузатиш ва назорат қилиш тизимининг мавжуд бўлиши;

- банкда мавжуд таваккалчилик аниқлаш, ўлчаш, мониторинг ўтказиш ва назорат қилиш ва иложи борича улар бўйича йўқотишларни қопланишини таъминлаш имкониятини берувчи, банк томонидан йўл қўйилган барча таваккалчиликларни бошқаришни қамраб оловчи тизимнинг фаолият кўrsatiши;

- банк назорати органи банкда банкнинг амалга ошираётган операциялари ҳажми ва тавсифига мувофиқ ички назорат тизимининг фаолият кўrsatiшини талаб қилиши, бу тизим – банкни бошқариш, заҳираларни тўлдириш, актив ва пассивиялар бўйича молиявий ҳисботларни тузиш, активларни сақланишини кузатиш билан боғлиқ бўлган, мустақил ички ва ташқи аудитга тегишли функцияларнинг амалга ошириш бўйича ваколатлар ва мажбуриятларни аниқлаб бериши;

- банк назорати органи банклардан молия тизимида этика ва малака стандартларини ошириш ҳамда банкдан билиб туриб ёки билмасдан криминал ҳолатларда фойдаланишни бартараф этиш буйича ишлаб чиқилган, сиёsat, амалиёт ва иш усувларини ишлаб чиқиши талаб қилиши лозимлиги алоҳида қайд этилган.

16-20 тамойилларда банклар фаолиятини тартибга солишнинг жорий услуби ўз аксини топган бўлиб, уларда:

- самарали банк назорати тизими банк фаолияти устидан ташқи кузатувни амалга ошириш билан бирга банкларни текшириш ва ташқи аудит текширувидан ўтказишни ўз ичига олиши;

- банк назорати органи банк раҳбарлари билан доимий алоқани ушлаб туриши ва мазкур молиявий институтлар томонидан амалга оширилаётган операцияларнинг моҳиятини чукур тушуниши;

- банк назорати органи умумий характердаги, шунингдек алоҳида

масалалар бўйича банклар томонидан тақдим этиладиган мажбурий ҳисоботлар ва статистик ахборотларни йиғиш, текшириш ва таҳлил қилиш воситаларига эга бўлиши;

- банк назорати органи жойига чиқиб текшириш ёки ташқи аудит ўтказиш орқали олинган ахборотларни мустақил текшириш имкониятига эга бўлиши;
- назорат органларининг бирлашган ҳолда банклар гуруҳига нисбатан назорат функцияларини амалга ошириш имкониятига эга бўлиши банк назоратининг ажралмас қисми ҳисобланиши кўрсатилган.

21-тамойил ахборотларни тақдим этишга доир талаблардан иборат бўлиб, унга кўра банк назорати органи, банкнинг молиявий ҳолати ва унинг даромадлилиги тўғрисида ишончли маълумотга эга бўлиш мақсадида, банкда ўрнатилган тартиб-қоидаларга ва методикага мувофиқ бухгалтерия ҳисоби юритилаётганлигини текшириш имкониятига эга бўлиши лозим.

22-тамойилда эса назорат органининг ваколатлари, жумладан банк назорати органи банклар томонидан мажбурий талабларининг бажарилмаслиги ҳолатлари қайд этилган, яъни банк фаолиятида тартиб-қоиданинг бузилишига йўл қўйилганда ёки бошқа ҳар қандай йўл билан омонатчилар манфаатларига хавф юзага келган тақдирда, вақти-вақти билан тўғрилашлар киритиш учун етарли воситаларга эга бўлиши ва зарур ҳолларда банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияни бекор қилиши ёки тегишли идораларга тавсия бериши кераклиги қайд этилган.

23-25-тамойиллар халқаро банк операциялари тўғрисида бўлиб, ушбу тамойилларда:

- банк назорати органи халқаро банк операцияларини амалга оширадиган банк муассасалари устидан мониторинг олиб бориш ва бундай банк муассасалари томонидан, ва биринчи навбатда, уларнинг хориждаги филиаллари, қўшма корхоналари ва шўъба банклари томонидан бошқа давлатларда ўтказиладиган барча турдаги операцияларга нисбатан мажбурий нормаларни қўллаш орқали кенг миқиёсда назоратни амалга ошириши;

- кенг миқиёсдаги назоратни амалга оширишда назорат остидаги банкка алоқаси бўлган бошқа назорат органлари, асосан назорат остидаги банк рўйхатдан ўтган ҳудуднинг назорат органлари билан алоқаларни ушлаб туриш ва ахборот алмашинуви асосий омил бўлиб хизмат қилиши;

- банк назорати органлари, хорижий банклар томонидан мазкур мамлакатда амалга оширилаётган операциялар миллий стандартларга мос келишини талаб қилишлари, банкнинг штаб-квартираси жойлашган мамлакат назорат органларига, мазкур банк ва унинг хориждаги бўлинмалари устидан назоратни амалга ошириш учун зарурый ахборотлар тақдим этиш ваколатига эга бўлиши лозимлиги ўз аксини топган.

Банклар хамда назорат органлари капитал етарлилиги бўйича қўйидаги меъёрлардан фойдаланишар экан;

- Биринчи гурӯх - банкнинг ўз капиталини депозитлар умумий суммасига нисбати.

## **Капитал етарлилиги= Ўз К / Д**

- Иккинчи гурух - банкнинг уз капиталини рискка кўра тортилган активларга нисбати.

### **Капитал етарлилиги = Ўз К / АР**

• Бу усулдан 1914-1952 йилларда фойдаланишган, лекин XX асрнинг иккинчи ярмига келиб капитал адекватлигига нисбаттан қарашлар ўзгара бошлади. Бунда капитални етарлилигини бахолашда депозитларлардан активларнинг сифати кўрсаткичи муҳимроқ эканлиги маълум бўла бошлади. Банк капиталининг етарлилиги банк йўқотишларини банк омонатчилари ва кредиторлари учун таъсирсиз ўтишини таъминлаши зарур.

Базель Кўмитасининг асосий меъёрий хужжатлари:

- Самарали назоратнинг асосий принциплари. (1997-йил)
- БАЗЕЛЬ I (1988-йил)
- БАЗЕЛЬ II (2004-йил)
- БАЗЕЛЬ III (2009-йил)

2013 йил биринчи январдан бошлаб 2019 йил биринчи январига қадар янги стандартларни татбиқ этиш.

Базель III – Базель II га га киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар.

Банкнинг ўз капитали структурасидаги ўзгаришлар.

Капитал етарлилигига қўйиладиган талабларнинг оширилиши.

Капитални ҳимояловчи буферларни ташкил этилиши:

1. «Консервация буфери»
2. «Контрциклик буфер»

Банкнинг асосий капитали – солиқлар тўлангунча рискка тортилган активларга нисбаттан 2% ташкил этган.

Базель бу кўрсаткични (common equity) 2013-2015 йиллар оралиғида 2 % дан солиқларни тўлагандан сўнг 4,5 % ташкил этишини талаб қилмоқда.

Асосий капиталга бўлган талаблар:

Биринчи даражали капиталга бўлган минимал талаблар оширилди.

Унинг хажми 2013-2015 йиллар оралиғида 4% дан 6% оширилиши талаби киритилди.

1-жадвал

### **2013-2015 йилларда биринчи даражали капиталнинг ошириш меъёрлари**

|  | 2013 | 2014 | 2015 | 2016 | 2017 | 2018 | 2019 |
|--|------|------|------|------|------|------|------|
| Биринчи<br>даражали<br>капитал (TIER 1<br>KAPITAL) | 4.5  | 5.5  | 6.0  | 6.0  | 6.0  | 6.0  | 6.0  |

Ҳимояловчи «КОНСЕРВАЦИЯ БУФЕРИНИ» киритилиши:

- Биринчи даражали капитални 2,5% миқдорида кўшимча заҳира «капитални консервация қилувчи буфер» ташкил этилади.
- Бунинг натижасида биринчи даражали капиталнинг умумий миқдори 7 % ( $2,5\% + 4,5\%$ ) ташкил этиши зарур.

Захирани ташкил этишдан мақсад – молиявий ва иқтисодий стресслар (инқирозлар) шароитида юзага келиши мумкин бўлган йўқотишларни молиялаштириш учун манбани шакллантириш.

### **Назорат саволлари**

1. Халқаро банк назорати усуллари.
2. Халқаро банк назорати усулларининг Ўзбекистон банк тизимидаги амалиёти.
3. Тижорат банклари фаолиятини назорат қилиш ва тартибга солишда халқаро Базель қўмитасининг тамойиллари.
4. Ўзбекистонда банк назоратини халқаро Базель қўмитаси тамойиллари асосида такомиллаштириш масалалари.
5. Банк назоратини ташкил этиш бўйича Ўзбекистондаги мавжуд муаммолар.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

#### **Махсус адабиётлар**

1. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларга бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 2017 йил 16 январ, № 11 (6705)
2. Эркин ва фаровон, демократик ўзбекистон давлатини биргалиқда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағиитланган Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисидаги нутқи, Тошкент - «Ўзбекистон» - 2016
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонига 1-илова, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси
4. Shelagh Heffernan, Modern Banking, John Wiley & Sons Ltd, The Atrium, Southern Gate, Chichester, West Sussex PO19 8SQ, England, 2005
5. Murray N. Rothbard, The Mystery of banking, Ludwig von Mises Institute, Auburn, Alabama, 2008
6. Муллажонов Ф.М. ва бошқалар. Ўзбекистон Республикаси банк тизими. Т. ”Ўзбекистон” 2011.
7. Норқобилов С., Дадабоева Ҳ., Жўраев Ў. Халқаро амалиётда банк назорати. Магистрлар учун дарслик / Тошкент Молия институти.–Т.: “IQTISOD–MOLIYA”, 2007, 180 бет.

1. [www.economics.ru](http://www.economics.ru)
2. [www.ifmr.uz](http://www.ifmr.uz)
3. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
4. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
5. [www.bankir.uz](http://www.bankir.uz)
6. [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz)
7. [www.bankinfo.uz](http://www.bankinfo.uz)
8. [www.uzland.uz](http://www.uzland.uz)
9. [www.google.uz](http://www.google.uz)

## **2-мавзу: Буюк Британия, АҚШ, Япония ва Европа иттифоқи банк тизими ҳамда уни тартибга солиш**

**Режа:**

- 2.1. Буюк Британия банк тизими ҳамда уни тартибга солиш.**
- 2.2. АҚШ банк тизими ҳамда уни тартибга солиш.**
- 2.3. Япония банк тизими ҳамда уни тартибга солиш.**
- 2.4. Европа иттифоқи банк тизими ҳамда уни тартибга солиш.**

**Таянч иборалар:** кредит, монета, вексел, капитализм, клиринг, консул, чартер, монопол, дивидент, брокерлик фирма, банкнота.

### **2.1. Буюк Британия банк тизими ҳамда уни тартибга солиш.**

Буюк Британиянинг банк тизими - энг қадимги банк тизимларидан биридир. Уни юқори даражадаги маҳсуслаштириш ва концентрация, яхши ривожланган банк инфраструктураси, ссуда капиталининг халқаро бозор билан алоқаси характерлайди. Жаҳон молия маркази - Лондонда Англия банкларидан кўра хорижий банклар кўпроқ. Булар асосан Америка ва Япония банклари. Буюк Британия банкларида хорижий валютадаги депозитлар улуши бошқа давлатларга нисбатан анча юқори. Англия банк тизими дунёда энг кўп хорижий филиалларга эга ҳисобланади.

Буюк Британиянинг банк тизими “чекланган умумий” категорияга киради, чунки банклар тижорат муаммоларга эга бўлишдан сақлайди. Улар “катта тўртлик” Буюк Британия банклари, Гонконг ва Шанхай Банк корпорацияси, Шотландия гурухининг Қироллик банки, Шотландиянинг Галифакс банки ва Барклийс тижорат банкларидан иборат бўлиб 2002 йилда 35 млрд доллар (HSBC)дан Барклийснинг 18 млрд долларгача ва гурух ўзининг таҳминан иккита ёки ундан ортиқроқ асосий банклар билан биргаликда ўз ичига Lloyds-TSB (13,3 млрд доллар), Abbey миллий Standard Chartered ва Альянс ҳамда Лестер (2.5 млрд доллар) ташкил этади. Тўрта катта ва бошқа банкларнинг баъзилари улгуржи, чакана ва инвестиция-банк хизматларида фаолият олиб борсалар, баъзилари эса суғурта филиалларида иш олиб бормоқда. Аср охирига келиб кўпчилик ананавмий инглиз тижорат банклари хорижий концернлар

томонидан сотиб олинди, бу жараён 1988 йилда Морган Гренфел банкининг сотиб олинишидан бошланди. Баъзи қурилиш жамиятлари 1986 йили Билдинг Сосайтис Акт изидан бориб банкларга айланди. Уларнинг банкка айланиши Англия Банки томонидан мақулланди. Қурилиш жамиятлари Британия чакана савдо бозорида салмоқли тарихга эга. Жамият аъзолари аъзолик бадали тўлашарди. Вақт ўтиб улар тўлаган бадалдан фонд ташкил этилди. Фонддаги пулдан фойдаланиш аъзоларнинг овоз бериш йўли билан амалга оширилган. 1984 йилга келиб қурилиш жамиятларини самарали ечими топилди. Бу пайтга келиб кўплаб катта жамиятлар “Катта тўртлик” Барклейс банкининг мижозига айланиб улгуришганди. Қолган банклар эса бу банкнинг рақобатчиларига айланганди. Билдинг Сосайтис Акт 1987 йилда барча қурилиш жамиятларига аҳолига одатий хизмат кўрсатувчи банкларга айланиш имкониятини тақдим этди.<sup>7</sup>

Молия Уйлари ва нобанк кредит институтлари ҳам Британия молия фондида ўз ўрнига эга. Улар банклардан қарз олади ва хусусий ҳамда тижорат секторларига кредит ва лизинг хизматларини тавсия этади.

Англия банки - энг қадимги марказий банклардан биридир. Бу банк Англияда XVII асрнинг охирида пайдо бўлган. 1690-йилларда Англия банк тизими кредитор-банкирлардан ташкил топган, улар қарз воситаларидан, заём кредитлар беришган, улар депозитга олтин беришган, кейин эса ссуда беришган. 1668 йилда фуқаролик уруши тугайди ва Англия таҳтига Вилям ва Мери ўтиришади. Ҳокимият тепасига меркантилизм сиёсатини олиб борган ва колонияларни босқинчилик билан босиб олаётган сиёсий партия келди. Англиянинг энг асосий рақиби Француз Империяси эди ва тезда Англия ярим асрлик уруш очди. Милитаризм сиёсати қимматга тушди ва 1690-йилда Англия ҳукумати ғазна қашшоқлашганлигини ва пул йўқлигини сезди. Ҳукумат учун шунча йиллик урушдан кейин одамларни унинг облигацияларини сотиб олишга мажбур қилиш иложсиз туюлди. Юқори ставкада солиқ йиғишининг ҳам иложи йўқ эди. Ўшанде 1693-йилда ҳукумат учун пул топиш воситаларини излаш мақсадида комитет ташкил этилди. Шундай вазиятда пайдо бўлган шотланд молиячиси Вилям Петерсон ўзининг молиявий гуруҳи номидан ҳукуматга янги режани таклиф қилди. Петерсон янги банкнота чиқариб дефитситни ёпа оладиган Англия банкини ташкил этишни таклиф этди. Шундай холатда битим тузилди. 1694-йилда банкнинг Парламент томонидан тасдиқланиши биланоқ қирол Вилям ва бошқа Парламент аъзолари бу банкнинг акционерлари бўлишга шошлишди. Англия банки 760.000 фунт стерлинг микдоридаги янги пулни қарзни тўлаш мақсадида чиқарди. Бу ҳол инфляциянинг сакрашига олиб келди ва 2 йил ичida банк мутлақо тўловга қобилиятсиз бўлиб чиқди. Англия банкининг банкноталари муомаладаги метал монеталарига айирбошланиши мумкин эди. 1696 йилда Whig партияси томонидан бошқариладиган Англия банки рақобатга учраши мумкин эди. Тори партияси янги National land банкка асос солишга уринди. Гарчи бу муассасани жорий этиш амалга ошмаган

<sup>7</sup> Shelagh Heffernan, Modern Banking, John Wiley & Sons Ltd, The Atrium, Southern Gate, Chichester, West Sussex PO19 8SQ, England, 2005, 222

бўлсада, Англия банки буни олдини олиш чораларини кўрди. Кейинг йил эса Парламент Англияда йирик банк очишни тақиқловчи қонун қабул қилди. Шу қонунга асосан, Англия банки банкнотасини сохталашибди ўлим билан жазоланган. 1708 йилда қонун янада қатъийлашди. Энди вексел чиқариш тақиқланди (бу ҳуқуқ фақат Англия банкига берилган эди) ва 6 дан ортиқ ҳамкор компания тузиш ҳамда 6 ойгача бўлган муддатда қисқа кредитлар бериш тақиқланди. XVIII асрнинг 2-ярмида вексел чиқарадиган тижорат банклари пайдо бўлди. 1793 йилда уларнинг сони 400 та эди. 1790 - йилда бошланган франция билан бўлган урушни молиялашибди 1793-йилда Англия банкларининг 3-қисмини монеталар тўловини тўхташига олиб келди, 1797-йилда эса Англия банкининг ўзи ҳам, кейинчалик уларга бошқа банклар ҳам қўшилди. Бу жараён 24 йил, яъни уруш тугагунча давом этди. Бу жараён давомида 1821-йилгача Англия банкининг банкининг банкноталари ҳакиқий пуллар вазифасини ўтади, 1812 йилдан кейин бу жараённинг охиригача қонуний тўлов воситаси вазифасини бажарди. Кутинганидек, ушбу жараёнда ишончсиз банклар пайдо бўлди. 1797-йилда Англия ва Уелсда тахминан 280 та давлат банклари бор эди. 1813 йилда уларнинг сони 900 тагача кўтарили. 1816 йилда банкноталарнинг умумий суммаси 1797 йилга нисбатан 2 марта кўп, яъни 24 млн. фунт стерлингни ташкил этарди. Бу жараёнда Англия банкининг даромадлари пасайди ва акциялари ҳам 16%га пасайди.

1826 йилда корпорацияларга вексел чиқариш ҳуқуки берилди, лекин бу ҳуқуқ “Лондондан 65 мил радиусда” радиуси билан чекланган эди. Бу ҳолатда Англия банкининг монополлиги сақланиб қолди. Рақобат эса қарийб йўқ эди. 1833 йилда депозитларни қабул қилиш бўйича хизматларга рухсат берилди. Авваллари ўзларининг банкноталарини метал пулларга алмаштира олган давлат банклари эндиликда уларни Англия банкининг банкноталарига алмаштишибди ҳуқуқини қўлга киритишибди. Бу барча ўзгаришлар Англия банкининг ўрнини мустаҳкамлади ва шу вақтдан бошлаб у тўла универсал банк сифатида фаолият кўрсата бошлади, давлат банклар эса ўзларининг заҳираларини Англия банкида сақлашарди.

Капитализмнинг ривожланиши натижасида 1844 йилда Англия банки қонуний равища банкнота эмиссия қилиш монополигини қўлга киритди. Муомлалдаги эски банкноталар даврий равища олиб ташланди ва Англия банки томонидан чиқарилган янги банкноталар билан алмаштирила бошланди. Конун 1844 йилда Банкнотада ифодаланган ва Англия банкининг сейфида сақланаётган олтин монета ёки олтин монета билан таъминланмаган пул массаси ҳажмини ўрнатди. Бунинг натижасида банкноталарнинг ҳаддан ортиқ эмиссияси олди олинди.

1946 йилда лейбористлар томонидан банкларнинг национализациялашуви “оммавий корпорациялар” пайдо бўлишга олиб келди. Акционерли капитали газначликка берилди, унинг собиқ эгалари эса давлат облигациялри кўринишида компенсация олишди.

1979 йилгача Буюк Британияда банк фаолиятини назорат қилувчи маҳсус қонунчулук йўқ эди, бирор марта марта банкларнинг расмий рўйхати чоп этилмаган эди. Марказий банкнинг банклар устидан назорати норасмий

характерга эга эди. 1979 йилда банклар фаолияти тўғрисида қонун қабул қилиниши билан барча депозит қабул қилувчи кредит институтлари Англия банки томондан “тан олиниши” ёки “депозит қабул қилувчи лицензия қилувчи компания” сифатида классификацияланади.

Буюк Британияда яқин даврга қадар банклар фаолиятини назорат қилиш тўғрисида қонун мавжуд бўлмаган. Кредит муассасалари устидан амалга ошириб келинган назорат эса яширин ва норасмий характерга эга эди.

Буюк Британия банкларининг фаолияти давлат аралашуви ва қонуний тартибга солинишдан озод эди. Банклар фаолиятини тартибга солиш «Акционер компаниялари тўғрисида»ги қонун доирасида амалга оширилган.

Банклар фаолияти устидан кучли назоратнинг йўқлиги ва натижада маблағларни концентрациялашуви оқибатида мамлакатда банкларнинг бирлашмалари ташкил топди.

Бу ҳолат, банк операцияларининг асосий қисми «Катта тўртлик» банклари, яъни «Ллойдс», «Мидлэнд», «Барклайз» ва «Нейшнл Вестминстер» банклари ҳиссасига тўғри келди. Шунингдек, кредит ресурслари ҳам мазкур банклар қўлида тўпланиб, мамлакатда нақдсиз пул обороти тўлалигича ушбу банклар томонидан амалга оширила бошланди.

70-йилларнинг охирига келиб Буюк Британияда кредит институтлари устидан назорат бирмунча кучайтирилди. 1979 йилдаги қонунга асосан тижорат банклари фаолияти учун мажбурий рухсатнома олиш жорий этилди ҳамда депозитларнинг умуммиллий жамғарма фонди ташкил этилди ва Буюк Британия Марказий банки - Англия банкига назорат органи мақоми берилди.

1987 йилдаги банк қонунига асосан тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш қоидаси жорий этилди. Бундан ташқари, айнан шу қонун асосида аудиторлик текширувлари амал қила бошлади.

Англия банки томонидан қўлланилаётган назорат тизими ҳар бир банк бўйича алоҳида хусусиятга эгадир. Ўтказилган назорат натижасида банкларнинг шарт - шароитлари ва имкониятларидан келиб чиқиб, уларни раҳбарлари билан келишилган ҳолда тадбирлар ишлаб чиқилди.

Мазкур тадбирлар банкнинг керакли даражада капиталга нисбатан энг кам оператив хавфсизлигини, резерв маблағлар, ликвидлик, бухгалтерия ҳисоби ва бошқарув ходимлари билан сухбат ўтказиш орқали амалга оширилди. Банк раҳбарияти билан сухбат ўтказиш Буюк Британия назорат тизимининг асосий хусусиятларидан бири ҳисобланади.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, 1982 йилга қадар Англия банкларида инспекцион текширувларни ўтказиш амалиёти мавжуд бўлмаган. Ҳозирги пайтда жойларга чиқиб инспекцион текшириш ташкил этилган бўлиб, бу мақсадда Англия банкининг ходими бўлмаган 3 та банк хизматчиси ва 5 нафар бухгалтерлар хизматидан фойдаланилади.

Мазкур гурух инспекторлари даврий текширишларни амалга оширадилар. Улар асосий эътиборни банкнинг ҳисоб ва назорат тизими, кредит портфелининг сифати, бошқарувчининг компетентлик даражаси, банк томонидан амалга оширилган барча операцияларнинг қонунийлиги кабиларга қаратадилар.

Бундан ташқари, Англия банки таркибида 11 нафар бухгалтердан иборат маҳсус кузатув бўлими ташкил этилган бўлиб, мазкур бўлим томонидан маслаҳатлар бериш ва зарурий ҳолларда ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари билан биргалиқда айрим шубҳали банкларда кузатувлар олиб бориш каби вазифалар амалга оширилади.

Юқоридагиларга қарамасдан Буюк Британияда кредит институтлари устидан назорат бошқа мамлакатларга нисбатан бирмунча енгил ҳолда олиб борилмоқда.

### **Англия Банки 2 та асосий функцияни бажаради:**

1. Банк мақомига кўра аниқ мажбуриятларни бажаради (депозит-ссуда, ҳисоб-китоб ва эмиссия);
2. Назорат қилиш, давлат пул-кредит тизимини амалга оширади ва иқтисодий жараёнларга таъсир қиласи.

Англия банки ҳуқуқий нормаларга эмас, балки анъана ва қадриятларга асосланади.

### **Англия Банкининг 3 та асосий мақсади бор:**

1. Миллий валюта қадрини сақлаш ва ҳимоя қилиш, асосан давлат билан келишган ҳолда бозордаги операциялар ёрдамида, бошқача қилиб айтганда пул сиёсатини амалга ошириш;
2. Шахар молия бозор қатнашчилари ва банклар устидан тўғри назорат орқали молия тизимини барқарорлигини таъминлаш ҳамда тўлов тизимининг эффективлигини ва ишончлилигини таъминлаш;
3. Мамлакатда молия тизимининг рақобатбардошлиқ ва эффективлигини ошириш ва таъминлаш ва халқаро молия марказларига жавоб берувчи Лондон шаҳри ҳолатларини мустаҳкамлаш.

Бошқа банклар сингари Англия Банки ҳам ўзининг мижозларига хизмат кўрсатади. Англия Банки мижолари бошқа банк мижозларидан фарқ қиласи. Биз уни 3 та гурӯхга ажратишими мумкин:

1. Тижорат банклари. Барча клиринг банклар Англия Банки ҳисобида ташкил этилади. Клиринг оператсияларида Англия Банки клиринг банклар ҳисобидан фойдаланилади. Буюк Британиядаги барча банклар ўзининг уставини 0,35% миқдорда Англия Банкига омонат ҳисобига қўяди. Бу Англия банкининг резерв нормаси ва асосий даромад манбаи ҳисобланади;
2. Бошқа мамлакатларнинг марказий банклари Англия Банкида ҳисоб рақам очиши мумкин ва олтин сақлай олади. Англия Банки орқали Лондонда фаолият юргизиши мумкин;
3. Давлатнинг бюджетга тўловлар ва солиқлар ҳамда бюджетдан ижтимоий ажратмалар Англия банки орқали амалга оширилади.

Юқорида келтирилган биринчи 3 та функциясидан фойдаланиб Англия банкини қуидагича таснифлаймиз:

1. Англия банки тижорат банкларига хизмат кўрсатувчи банк;
2. Англия банки бошқа марказий банкларга хизмат кўрсатадиган банк;
3. Англия банки давлатга хизмат кўрсатадиган банк.

### **Англия банкларини бошқа функциялари:**

- ◎ Монетар сиёсатини олиб боради;

- Банкноталар эмиссия қилади;
- Валюта операцияларини амалга оширади ва назорат қилади, мамлакат олтин захирасини бошқаради;
- Банк тизимидағи валюта ва кредит бозорларини, кредит ташкилотларини назорат қилади;
- Англия банки Европа Марказий банки аъзоси ҳисобланади.

### **Тижорат банклари**

Буюк Британия банк тизимининг иккинчи погонасида тижорат банклари ва молиявий компаниялар туради.

Тижортат банклари 3 гурухга бўлинади:

1. *Депозит банклар ёки “High street banks”;*
2. *Ҳисобдор уйлар;*
3. *Хорижий банклар ва бошқа банклар.*

Депозит банклар

Англиядаги энг муҳим депозит банклар клиринг банклар ҳисобланади. 60-йилларнинг охирига келиб ҳамма клиринг банклар “Катта тўртлик”да ўрин олди:

1. Barclays;
2. National Westminister;
3. Midland;
4. Lyods.

Бу гигант банклар 2 та катта бўлмаган банкларни ўзига қошиб олди. Булар: “Uilyams and Glayns” (“Standart Charted” назорат қилади) ва “Kauts” (National Westminister назорат қилади).

Бу олтида банкни ҳозирги кунда Англия ва Уэлсда 12 мингдан ортиқ бўйлимлари бор. Шотландия ва Шимолий Ирландияда бу банкларни филиалларини очиш таъқиқланган, чунки бу ерда маҳаллий депозит банклари жуда кўп ва бу уларга таъсир қилиши мумкин. Бу 6 та банк барча депозит оператсияларини 90% ини амалга оширади.

Клиринг банкларнинг асосий операцияси - омонат қабул қилиш ва кредит бериш. Клиринг банклари катта, кичик ва ўрта корхоналарга ва аҳолига пулли хизмат кўрсатади. Бу банклар орасидаги пулли оборотлар клиринг шартномалар доирасида амалга оширилади.

Депозит банклари молиявий уйлар деб номланган истеъмол кредитларининг маҳсус банклари билан муносабатда бўлади.

Депозит банкларининг кейинги қўринишлари савдо банклари (Merchant Banks) ҳисобланади. Улар Англияда қадимий қадриятларга асосланади ва кенг тарқалган. Улардан энг каттаси “Gambros bank” ҳисобланади ва у 1972 йилдан бери фаолият юритади. У нафакат ички операцияларни бажаради, балки халқаро бизнесда ҳам фаолият юргизади. Тижорат банклари 3 та катта майдонда фаолият юритади:

1. Ҳақиқий банк операциялари. Бу акцепт-кредит операциялари ҳисобланади;
2. Бизнесменларга хизматлар кўрсатади;
3. Қимматли қофозларни бошқаради.

## **Ҳисобдор уйлар**

Ҳозирги даврда Лондонда 8 та ҳиобдор уйлар ва алоҳида кичик маклер-фирмалар фаолият юргизади. Ҳисобдор уйлар - бу Лондон бозори молия институтларининг махсус тури ҳисобланади. У векселни сотади ва реализация қиласи. Ҳисобдор уйлар Англия банки ва бошқа банклар орасида буфер бўлиб ҳаракат қиласи.

## **Бошқа банклар**

**Халқаро банклар.** 1978 йилда Лондонда 63 та мамлакатнинг 308 та хорижий банк филиали рўйхатга олинган эди. Уларнинг орасида 24 таси Япония ва 53 таси Европа Иттифоқига тегишли эди.

Буюк Британияда кўплаб молия-кредит ташкилотлари бор:

- ◎ Сақловчи институтлар;
- ◎ Суғурта компаниялари ва пенсия фондлари;
- ◎ Қимматли қоғозлар операциялари билан шуғулланувчи инвестиция компаноялари;
- ◎ Молиявий корпорациялар;
- ◎ Венчур-молия институтлари.

## **2.2. АҚШ банк тизими ҳамда уни тартибга солиш.**

АҚШда 12000дан ортиқ тижорат банклари, таҳминан 3000 та жамғарма банклари ва ссуда-жамғарма ассоциациялари фаолият юритишади. Шунингдек, 13000 кредит уюшмалари ва 12 та молиявий конгломератлар банк хизматлари бозорида самарали фаолият олиб бормоқда.

Банк назоратининг вужудга келиши ҳамда унинг ривожланиш жараёнларини АҚШда кузатадиган бўлсақ, албатта айрим тегишли қонунларга тўхталиб ўтиш лозимдир. 1863 йилдаги «Миллий банк тўғрисида»ги қонунга асосан мамлакатнинг миллий валютаси жорий этилди ва Миллий банкка банкноталар чиқариш ҳуқуқи берилди.

Мазкур қонунга асосан мамлакатда пул муомаласини тартибга солиш ва Миллий банк учун пул резервларини таъминлаш мақсадида «Пул муомаласини назорат қилувчи офис» номли махсус хизмат тури ташкил этилди. Лекин у кредитор вазифасини бажармади.

Шуни таъкидлаш жоизки, АҚШда 1913 йилга қадар Марказий банк ёки уни функциясини бажарувчи бошқа бир орган фаолият кўрсатмаган. Бу йилга келиб эса, АҚШда Федерал Резерв Тизими (ФРТ) ташкил этилди. Федерал банклар ва Федерал Резерв Тизимининг ташкил этилиши ўз навбатида, банклар ликвидлигини ошириш имконини берди ҳамда у кредитор вазифасини бажара бошлади. Бундан ташқари, ФРТ томонидан фоиз ставкалари миқдорини белгилаш, очиқ бозорда операцияларни амалга ошириш ва тижорат банклари резервларини назорат қилиш каби вазифалар ҳам амалга оширила бошланди.

АҚШнинг Марказий банки ва банк бошқарув функцияси АҚШда 20 асрнинг охирларида ташкил этилган бўлиб унинг вазифаси банк ва молия тизимини яратишдан иборат эди. Аммо у ғарбдаги бошқа мамлакатларнинг тизимидан бутунлай фарқ қиласи. Бир нечта омиллар унинг ягона ўзгача

тизим эканини тушунтириб беради. Биринчидан, АҚШ бошқарувчилари вужудга келадиган муаммонинг туб моҳиятига етиб уни ечишга уриндилар. Иккинчидан, 1930 йиллардан бошлаб кичик депозиторларнинг эътиrozлари мухим объект сифатида қабул қилинадиган бўлди. Учинчидан, АҚШ банк тизимида бошқарувчилар ва банклар ўртасида, ҳамда банкларнинг ўзаро бир-бирлари билан ишончга аосланган ҳамкорлик қилиш, барқарорликни ушлаб туриш фояси илгари сурилган.

Шу билан бирга янги асрнинг биринчи чорагида иккита мухим молиявий реформалар амалга оширилди ва бу реформа АҚШ банк тизимида асосий ўзгаришларга сабаб бўлди. АҚШда ягона молия тизими ташкил этилган бўлиб, у кўплаб муаммоларнинг ечимини муаммо пайдо бўлиш эҳтимоли бор пайтдаёқ уни хал этиш имконини беради.<sup>8</sup>

1930-34 йиллар давомида АҚШ банкларининг кўпчилиги банкротга учраши оқибатида 1934-йилда мамлакатда “Депозитларни Суғурталаш Федерал Корпорацияси” (ДСФК) ташкил топди. Унинг асосий вазифаси тижорат банкларини банкрот бўлишини олдини олиш ҳамда омонатчилар (кредиторлар) манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат эди.

Мазкур мамлакатда бир неча йиллар мобайнида банклар фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш жараёни Федерал ва Штатлар даражасида кенг тарзда шаклланиб келди.

АҚШда банклар фаолиятини тартибга солиш 2 та мухим тамойилга асосланади:

1. Кредит институтларини барқарорлигини таъминлаш ва уларнинг банкрот бўлишини олдини олиш. (Ушбу тамойилни амалга ошириш мақсадида юқори хатарли банк операциялари бўйича қонуний тарзда чегаралар ўрнатилди. Шулардан бири битта қарз олувчига бериладиган кредит миқдоридир).

2. Сармояларнинг камчилик банклар қўлида тўпланишини чеклаш ва пул бозорини монопол тарзда назорат қилинишига йўл қўймаслик. (Ушбу тамойилга асосан банкларнинг бўлимларини очиш бўйича битта штат меъёрида чегаралар белгиланди, холдинг компанияларини ташкил этиш устидан ФРТ назорати жорий этилди).

АҚШда банклар фаолияти устидан назорат жуда мураккаб тизимга эга бўлиб, икки бўғинда олиб борилади:

1) Миллий банклар тизими Федерал Ҳукуматига, яъни пул муомаласини назоратчисига бўйсинади;

2) Штатлар банклари тизими айрим штатларга бўйсинади.

Миллий банкка 1863 йилда асос солинган аммо у 1864 йилда тасдиқланган. Унга миллий банкларни бошқариш ва миллий валютани назорат қилиш вайфаси юклangan. У Молия Департаменти томонидан назорат қилинган. Мамлакат миллий валюта заҳираси томонидан 1913 йилда Марказий Банкка асос солинади. Бошқа мамлакатлар билан таққослаганда Марказий Банк мамлакатдаги бошқа банкларни назорат қилсада у банклар ўз хукуқ ва

<sup>8</sup> Shelagh Heffernan, Modern Banking, John Wiley & Sons Ltd, The Atrium, Southern Gate, Chichester, West Sussex PO19 8SQ, England, 2005, 242

эркинликларига эга эдилар. Федерал валюта заҳира Банки уларнинг барчасини устидан назорат ўрнатганди ва уларни валюта заҳираси билан таминаларди.<sup>9</sup>

1933 йилга келиб АҚШда Тижорат банклари ва Инвестиция банклари бошқа банклардан ажралиб чиқди.

Федерал даражада асосан 3 та ташкилот: пул муомаласи назоратчиси, ФРТ, ДСФК ҳамда яна бир қатор назорат органлари томонидан банк назорати амалга оширилади. АҚШдаги банклар фаолияти, уларнинг назорати ҳамда тартибга солишини амалга оширувчи ташкилотлар ва уларнинг мажбуриятлари:

### **Федерал Резерв Тизими**

- ⊕ Мамлакатда банк холдинг компаниялари, штатларда чартер олган банклар устидан доимий назоратни ташкил этади ва амалга оширади;
- ⊕ Депозитлар бўйича мажбурий захиралар миқдорини белгилайди;
- ⊕ АҚШда асос солинган халқаро банк муасссаларига чартер беради ва улар фаолиятини доимий назорат қиласи.
- ⊕ ФРТ га аъзо банкларнинг янги бўлимларини очилишига, миллий банкларнинг қўшилишига, бирлашишига ва уларнинг қайта ташкил этилишига, сотиб олинишига рухсат беради.

### **Пул Муомаласи Назоратчиси**

- ⊕ Янги миллий банклар ташкил этилишида уларга чартер беради;
- ⊕ Миллий банклар устидан доимий назоратни амалга оширади;
- ⊕ Миллий банкларнинг янги бўлимларини очилишида рухсат беришга, миллий банкларнинг қўшилишига, бирлашишига ва уларнинг қайта ташкил этилишига, сотиб олинишига масъулдир.

### **Депозитларни Суғурталаш Федерал Корпорацияси**

- ⊕ Корпорация талабларини бажарган банклар депозитларини суғурталайди;
- ⊕ Корпорацияга аъзо банкларнинг янги бўлимларини очилишида рухсат беришга, миллий банкларнинг қўшилишига, бирлашишига ва уларнинг қайта ташкил этилишига, сотиб олинишига жавобгар;
- ⊕ Депозитлари суғурталанадиган барча банклардан молиявий ҳисоботларини талаб қиласи.

### **Федерал Молиявий Институтларни Текшириш Консуллиги**

Ушбу Консуллик 1979 йил 10 март куни ташкил этилган. Консуллик расмий ташкилот бўлиб, у молиявий институтларни текшириш учун умумлашган стандартлар, тамойиллар ва ҳисобот шаклларини ишлаб чиқишида ваколатдор ташкилот ҳисобланади. Консуллик стандартларни ишлаб чиқишида ФРТ нинг бошқарув кенгashi, ДСФК, кредит уюшмаларини миллий Бошқаруви, Пул Муомаласи Назорати Офиси ва Жамғарма Назорати Офиси билан ишлаб чиқади. Ушбу консуллик молиявий институтларни, жумладан тижорат банкларини UBPR(Uniform Bank Performance Report) бўйича назорат қилишни ишлаб чиқсан. Банк фаолиятининг ҳисоботи (UBPR) ҳар чоракда банкларга юборилади ва у федерал даражада банкларни назорат қиласи. UBPR

<sup>9</sup> Shelagh Heffernan, Modern Banking, John Wiley & Sons Ltd, The Atrium, Southern Gate, Chichester, West Sussex PO19 8SQ, England, 2005, 243

хисоботида банкнинг активлари, унинг мажбуриятлари, капитали, даромад ва харажатларининг жорий йил ҳолати ҳамда олдинги 3 йилдаги ҳолати ҳақида маълумотлар берилади. Шунингдек, тақдим етилган кредитлар структураси, лизинг бўйича мажбуриятлар, муаммоли кредитлар бўйича ҳамда кредитлар бўйича йўқотишлар таҳлили ва банкнинг рисқ даражаси тақдим етилади. UBPR ёрдамида АҚШда тижорат банклари масофадан туриб назорат қилинади. Тижорат банклари фаолиятини назорат қилишда, таҳлил қилишда қуидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

- ⊕ Хусусий капиталнинг даромадлиги (ROE—return on equity capital);
- ⊕ Активларнинг даромадлиги ( ROA –return on total assets);
- ⊕ Соф фоиз маржаси;
- ⊕ Соф фоизсиз маржа;
- ⊕ Банкни операцион фойдасининг соф маржаси;
- ⊕ Бутун акцияга тўғри келувчи соф фойда;
- ⊕ Фойда спрэди;
- ⊕ Активларнинг даромад базаси;
- ⊕ Банк фойдасининг соф маржаси;
- ⊕ Банкнинг активлардан фойдаланиш коэффициенти;
- ⊕ Капитал мультипликатори;
- ⊕ Солиқларни бошқариш самарадорлиги;
- ⊕ Харажатларни бошқариш самарадорлиги;
- ⊕ Активларни бошқариш самарадорлиги;
- ⊕ Ресурсларни бошқариш самарадорлиги.

### **Адлия Вазирлиги**

Банкларнинг қўшилишида, банк холдинг компаниялари томонидан банкларнинг сотиб олинишини назорат қиласди. Асосий мақсади эса улар ўртасидаги соғлом рақобатни таъминлаш ва монополияга қарши курашиш.

### **Қимматли қофозлар ва Биржа иши бўйича Комиссия.**

Банк холдинг компаниялари ва банклар томонидан чиқариладиган қарз мажбуриятлари, қимматли қофозлар устидан назоратни амалга оширади.

### **Банк кенгашлари ёки Банк фаолияти бўйича штат Комиссияси.**

- ⊕ Янги банклар очилиши учун чартер беришни амалга оширади;
- ⊕ Штатдаги чартер олган банклар устидан доимий назоратни амалга оширади;
- ⊕ Штат миқёсидан чиқишини хоҳловчи банклар аризасини кўриб чиқади ва тегишли қарорлар қабул қиласди;
- ⊕ Банк холдинг компанияларини тузишда, банк филиалларини очишда, бошқа банклар филиалларини сотиб олишда тегишли қарорлар чиқаради;
- ⊕ Штатда чартер олган банклар учун минимал ликвидлилик ва банк капиталининг минимал миқдорини белгилайди ҳамда улар бўйича талаблар қўяди.
- ⊕ Ўюриқномалар ишлаб чиқиш, банкларда текширувларни ўтказиш ва ҳоказолардан иборат.

АҚШда назорат бўйича нодавлат назорат органлари ҳам мавжуддир. Улар жумласига Америка банклар ассоциацияси, Мустақил банклар ассоциацияси,

турли шаҳарларнинг Клиринг палаталари комитети ва бошқалар киради. Мазкур нодавлат назорат органларининг вазифаси - мижозларга хизмат кўрсатиш бўйича стандартлар ишлаб чиқиши, банк операцияларини амалга оширишнинг техник масалаларини ҳал этиши, Конгресс ва матбуот билан алоқалар олиб бориш кабилар ҳисобланади.

Хозирги вақтда АҚШнинг банк тизими қуйидаги асосий муасссалардан иборатdir:

- ФРТ – у мамлакатнинг Марказий банки вазифаларини адо этади;
- тижорат банклари;
- инвестиция банклари;
- жамғарма банклари;
- ссуда йигувчи уюшмалар;
- почта жамғарма кассалари;
- молиявий компаниялар;
- кредит кооперативлари;
- суғурта компаниялари;
- пенсия фондлари;
- ижтимоий суғурта фондлари;
- ўзаро кредит жамиятлари;
- депозитларни суғрталаш муассасалари ва ҳ.к.

Такидлаш жоизки, АҚШ нинг банк тизимида анъанага қўра кичикроқ, жамоа банклари деб аталмиш тижорат банклари катта ўрин тутадилар.

Америкаликларга «ваколатли банк» деган тушунча ҳам таниш бўлиб, АҚШ нинг Эксимбанки ягона ваколатли банк ҳисобланади. Ҳақиқатда эса у Америка хукуматини батамом назорат қилиб турадиган банкдирю. У давлат бюджети Американинг бошқа мамлакатларга экспортидан тушадиган маблағлар эвазига рағбатлантириладиган етакчи федерал агентлитdir.

Эксимбанк бажарадиган вазифаларни З та асосий йўналишга бўлиб кўрсатиш мумкин:

- товар ва хизматларнинг экспорти билан боғлиқ бўлган айrim хатарларни ўз зиммасига олиш;
- Американинг махсулоти ва хизматларини ҳарид қилаётган чет эллик харидорларни молиялаштириш, (лекин шарти шуки ўша харидорлар ана шу молиялаштиришни оддий тижорат банкларидан ололмаётган бўлиши керак);
- америкалик экспортчиларга бошқа ривожланган мамлакатлар экспортчилари билан жаҳон бозорида муваффақиятли рақобат қила олишлари учун ёрдам бериш.

АҚШ да марказий банк вазифаларини 1913 йилда асос солинган ФРТ бажаради. ФРТ ни бунёд этишдан мақсад – мамлакатда соғлом иқтисодий мухитни вужудга келтириш, банклар фаолиятини қўллаб қувватлаш ва бу фаолиятни назорат қилиш бўлган.

ФРТ таркибига ўзлари жойлашган ҳудуддаги округларда марказий бўлган 12 та ФР банки киради. ФРТ аъзолари бўлган 6 мингта тижорат банки (буларнинг умумий сони тахминан 14 минга етади) улусига барча

депозитларнинг 70 % идан кўпроғи тўғри келади. ФРТ га аъзо бўлган банклар – бу жуда йирик хусусий тижорат банклариdir. Улар ФР банкларининг акциядорлари ва айни пайтда мижозлариdir ҳамда ўзларининг акциядорлик сармояси эвазига 6 % дивидент оладилар.

Миллий банклар деб аталмиш ФРТ аъзолари бўлмиш банклар, ФРТ банкларидан бирининг мижозлари бўлишганида, унинг хизматларидан фойдаланиб, шу жумладан, ундан қарзга ёки тижорат қофозларини хисобга олиб, пул олишлари мумкин. Мабодо миллий банкдан ссуда олиш имконияти шу банкнинг ресурслари билан чекланган бўлса, ФР банкига мурожаат этилганида, аслида бундай чеклаш бўлмайди, чунки у ФРТ нинг ресурсларига умид боғлаши мумкин.

Банкланинг банки бўлмиш ФРТ аъзо бўлган банкларга ҳар томонлама хизмат кўрсатади. ФР банклари аъзо бўлган банклар депозитларини сакловчилардир. Ана шу депозитлар аъзо бўлган банклар барча резервларининг қонун билан белгилаб қўйилган асосий қисми хисобланади.

ФРТ молиявий жиҳатдан мустақил бўлиб, ўз бюджетига эга ҳамда операциядан тушган даромадлар ва пул эмиссиясидан келган фойда эвазига ўз фаолиятини молиялаштиради. Ўз ҳаражатларини қоплаганидан кейин ва ФРТ га аъзо бўлган банкларга дивидентларни тўллаганидан сўнг, ФРТ ҳар йили давлат ҳазинасига 15 млрд. дан тортиб, то 20 млрд. АҚШ долларига тенг миқдорда маблағни беради.

АҚШдаги банклар икки томонга бўйсинадилар. Бунинг маъноси шундаки, тижорат банкларининг бир қисми Федерал хукумат томонидан лицензияланади, назорат қилинади ва тергаб турилади. Бошқа бир қисми эса айrim штатларнинг ҳокимиятига бўйин эгади. Буларнинг биринчиси ФРТ аъзолариdir, иккинчилари эса ФРТга аъзо эмас. Айни пайтда банклар ўзлари ўз юрисдикцияларини белгилайдилар, яъни Федерал ҳокимиятга бўйсенишни ҳам ёки штатлар ҳокимиятига бўйсунишни ҳам ўзлари танлаб олишади.

Бунга шуни илова қилиш лозимки, мамлакатдаги бир қанча банклар на Федерал ҳокимиятга, на штатлар ҳокимиятига бўйсинади, булар хусусий банклар деб аталади.

Хуллас қуидаги хulosани чиқариш мумкин: АҚШда банк фаолиятини тартибга солиш бўйича ягона давлат сиёсати йўқ. Бу, масалан, банк бўлимларини очиш таркибида дахлдордир (бу масалан батамом штатлар маъмурияти ваколатига киради). Шундай штатлар ҳам борки, банкларнинг бўлимлари ёки филиалларини очиш батамом таъкидланган (Техас, Иллинойс ва шу кабилар) жами 15 штат. Бошқалар эса сира чеклашсиз бундай бўлимларни очишга рухsat берадилар (Калифорния, Шимолий Каролина). Учинчи тоифа штатларида эса банкнинг бўлимлари тармоғи банкнинг бош офиси жойлашган географик ўрни, яъни округ, шахар, посёлка билан чекланиши керак. Баъзан қўшни окружларда бўлимнинг очилишига йўл қўйилади. Тартибга солиб туриш нуқтаи назаридан Американинг абрча гурухларини 4 га бўлиш мумкин:

- миллий банклар;
- ФРТ га аъзо бўлган штатларда жойлашган банклар;

- ФРТ га аъзо бўлмаган, депозитларни суғурталаш Федерал корпорацияси (ДСФК) таркибига кирадиган банклар;
- ФРТ га аъзо бўлмаган банклар, уларнинг омонатлари ДСФК да суғурталанмаган.

Миллий банклар пул муомаласини назоратчисига (молия вазирлигининг хизмати) бўйсунадилар ва барча Федерал банк қонунларига, шунингдек, ФРТ ва ДСФК қоидалари ва йўриқномаларига амал қиласидилар. ФРТ га аъзо бўлган штатлардаги банклар ўзлари рўйхатдан ўтган штатнинг қонунлари ва қоидаларига риоя этадилар ҳамда ўз операцияларини Федерал қонунлар доирасида амалга оширадилар. Чунки улар ФРТ ва ДСФК аъзолари дидирлар.

ФРТ га аъзо бўлмаган ва омонатлари ДСФК да суғурталанган банклар тегишли штатларнинг қонунларига, шунингдек, ДСФК қоидалари ва йўриқномаларига амал қиласидилар.

ФРТ аъзоси бўлмаган ва омонатлари суғурталанмаган банклар факатгина штатларнинг қонунларига бўйсунишади.

АҚШ нинг тижорат банклари маблағларни депозитларга қабул қиласидилар (талафутиларни бирлаштириб, уларни боқарувчи корхона) орқали ўз мижозларига электрон хизматлар, йўл чеклари, брокерлик хизматларини таклиф этадилар; ҳазина, муниципиал ва бошқа расмий қарзга доир дастакларни жойлаштириш олди-сотдиси билан шуғулланадилар, инвестиция бобида маслаҳат хизматлари кўрсатадилар.

Америка банклари холдинг компаниялари (Холдинг – акционерлик жамиятларни бирлаштириб, уларни боқарувчи корхона) орқали ўз мижозларига электрон хизматлар, йўл чеклари, брокерлик хизматларини таклиф этадилар; ҳазина, муниципиал ва бошқа расмий қарзга доир дастакларни жойлаштириш олди-сотдиси билан шуғулланадилар, инвестиция бобида маслаҳат хизматлари кўрсатадилар.

Бугунги кунда АҚШда 12 мингта тижорат банклари, 2 мингта ссуда жамғарма банклари, 500 та ўзаро жамғарма банклари, 13 мингта кредит иттифоқлари мавжуд.

АҚШда 1872 йилда Филаделфия штатида Америка банки вужудга келган ва фаолият кўрсата бошлади.

АҚШда 1791 йил биринчи АҚШ банки очилди. 1811 йилда бу банкдан чартери (лицензияси) олинди ва банк ёпилди, аммо уруш бошлангач, 1812 йил конгресга сиёсий тазийқ ўтказади ва 1816 йилда иккинчи АҚШ банки ташкил топди. Лекин бу банк ҳам фаолият кўрсатмайди. 1832 йилда Эндрю Жексон вето қўяди. 1836 йил иккинчи АҚШ банки фаолияти тўхтатилди. Кейинчалик, 1863 йил миллий банклар тўғрисида қонун қабул қилинди. Шу йилгача АҚШда штат банклари фаолият кўрсатди. 1913 йилда ФРТ тўғрисидаги қонун қабул қилинади. 1927 йил Макфадден қонуни қабул қилинади. Бу қонунда филиал очишга рухсат этилмайди.

1983 йил буюк депрессиядан чиқсан АҚШ тижорат банклари инвестициялар билан фаолият кўрсатиши тақиқланди ва бунинг оқибатида 1929-33 йилларда 9 мингта тижорат банклари банкротга учради. Банкротдан чиқиб кетиш учун тижорат банклари ўзларини нобанк банклар деб атайдилар.

Нобанк банклар депозитларга маблағ қабул қилмайды ва кредит бермайды. ФРТ 12 та мустақил марказий банклардан иборат ва ҳар бир ФР банклари қуйидаги функцияларни бажаради:

1. муомалага нақд пулни чиқариш;
2. яроқсиз пулларни муомаладан чиқариб ташлаш;
3. ФРТ ва тадбиркорлар бмлан алоқа қилиш;
4. мамлакатда пул-кредит сиёсатини ишлаб чиқаришда ФРТ бошқарув кенгашига ёрдам бериш.

Ҳар бир резерв банкини 9 та директор бошқаради. ФР банкида директорларни 3 та категория билан белгилаш мумкин. З та “А” категориядаги директорлар юқори мавқега эга бўлган банкирлар бўлиб, улар ФРТ га аъзо банклар тавсияси билан тайинланади. Кейинги “В” категориясидаги З та директор таниқси иқтисодчилар тизими томонидан тайинланади. “С” категориядаги З та директор эса ахолининг бошқа қатламларига тегишли бўлган қатламлардан сайланади.

ФРТ га аъзо бўлган банкларнинг энг катта салмоққа эга бўлган пайти ҳамма тижорат банкларининг 49%ни бу тизимга кирган. ФРТ нинг бошқарувчи бошқарув кенгаши томонидан амалга оширилади. Унинг 7 та аъзоси президент томонидан тавсия этилади. Бош кенгаши аъзолари самарали иш юритиш учун сиёсий жихатдан таъсир кўрсатмаслиги мақсадида аъзолар 14 йил фаолият кўрсатади. Ҳар икки йилда битта аъзо ўзgartирилади. Янги бош кенгаши раиси келганда эскиси кетиши шарт. ФРТ да очиқ бозор операциялари бўйича қўмитага 7 та бошқарув кенгаши ва ФР банк раислари киради. Захира талабларига қуйидагилар киради:

- транзакцион ҳисоб рақамлари;
- шахсга тегишли бўлмаган ҳисоб рақамлари;
- еврозонадаги ҳисоб рақамлар.

ФРТ га аъзо бўлган ва аъзо бўлмаган банклар 1933 йилда FDIC депозитларни суғурталаш қўмитасида депозитларни суғурталаган банклар штат банклари, миллий банклар ва банк холдинглари АҚШ банк тизимини ташкил этади. Банк холдинглари – бир нечта мустақил корпорациялар бирлашмаси. Улардан биттаси банк фаолияти билан шуғулланиши ФР банклари томонидан белгиланган фоиз ставкаларини назорат қилиш. Очиқ бозор комитети 12 кишидан иборат, шундан 7 та бошқарув кенгашининг аъзоси, 5 та ФР банклари президент, фақат биттаси Нью-Йорк ФР банклари президенти, кейинги комитет 12 кишидан иборат. ФР банкларида 25 та филиали бўлиб, бунда 25 минг ходим ишлайди. Шундан 4 мингтаси Нью-Йорк ФР банкига тўғри келади.

Тижорат банкларидан фарқли ўлароқ, ихтисослашган кредит муассасалари хўжалик фаолиятининг муайян соҳалари ва тармоқларини кредитлаш билан машғулдирлар.

Инвестиция фаолияти банклар ихтисослашувининг муҳим йўналишидир. Инвестиция банклари узоқ муддатли ссуда капиталини сафарбар этиб, облегациялар ёки қрзга олинган мажбуриятларнинг бошқа турларини чиқариш ва жойлаштириш йўли билан мазкур капитални ишлаб турган капиталистлар давлатга қарзга берадилар. Инвестиция банкларининг классик типи АҚШ га

мосдир. Бу мамлакатнинг қонунчилиги тижорат банкларига инвестиция фаолияти билан шуғулланишини тақиқлаб қўйган (давлат ва муниципиал облигациялар билан бўладиган облигациялар бундан мустасно). Ҳозирги вақтда АҚШ да қарийб 700 та инвестиция банки ишлаб турибди.

Молиявий компаниялар ҳам молия-кредит муассасаларининг бир туридир (уларни Буюк Британияда молиявия хонадонлар деб аташади). Бу муассасалар айрим тармоқларни кредитлаш ёки кредитларнинг айрим турларини беришга ихтисослашган. Булар орасида истеъмол инвестиция кредитлари ва бошқалар бор. Булар АҚШ, Канада ва Буюк Британияда кенг тарқалган.

Молиявий компанияларни З турга бўлиш мумкин:

- истеъмол кредитини берувчилар;
- тижорат кредити тизимига хизмат қилувчилар;
- якка қарз олувчиларга майда ссуда берувчилар.

Истеъмол кредити билан машғул бўлган молиявий компаниялар кредитни бевосита истеъмолчиларга бермасдан, балки уларнинг мажбуриятларини чакана савдогарлар ва дилерлардан, одатда 7-10 % ли чегирма билан сотиб оладилар. Молиявий компаниялар ундираётган ставкалар оддий банк ссудалари ставкаларига нисбатан юқоридир.

Насияга сотишни кредитлашга ихтисослашган молиявий компанияларнинг юридик мақоми уларга аҳолидан депозитларни қабул қилиб олишга имконият беради. Лекин худди ана шу мақом уларни «банк компаниялари» деб аталиш ҳуқуқдан маҳрум этган. Бу эса уларни банклар ихтиёридаги худди ўша шартлар асосида маблағларни жалб этиш имкониятидан маҳрум қиласди ва булар банклар билан рақобатга киришишга мажбур бўлиб, кредиторларга яна ҳам юқорироқ фоиз ставкаларини таклиф этадилар.

Молиявий компаниялар ресурсларининг асосий манбаи З ва 6 ойлик муддатли депозитлардир. Улар саноат ва савдо фирмалари, айрим молия муассасалари ва озроқ аҳоли пул маблағларини йиғадилар ва банқдагига қараганда янада юқорироқ фоиз тўлайдилар.

Курилиш жамиятлари деб аталмиш кредит, қурилиш кооперативлари алоҳида мавқени эгаллаб турибдилар. Булар капиталини ўз аъзоларининг жамғарма омонатлари эвазига шакллантирадилар ва шу аъзоларга ипотека кредити берадилар. Бу муассасалар кредит ширкатлари билан биргаликда ишлайдилар ва шахсий уйлар қурилишини молиялаштирадилар.

Кредит муассасаларининг бошқа кўпгина турлари (пенсия фондлари, ишончли пайт фондлари, ихтисослашган молия муассасалари ва шу кабилар) банкларнинг айрим операцияларини адо этадилар. Лекин улар ўзларини банк деб аташларига ҳуқуқлари йўқ ҳамда банклар билан ҳам ўзаро рақобат майдонига тушишга мажбурдирлар.

### **2.3. Япония банк тизими ҳамда уни тартибга солиш.**

Уруш даврида Япония пойтахти кучсиз молиявий инфратузилманинг шиддатли таҳчилилигига дуч келди. Иккинчи жаҳон уруши майший тармоқларни молиявий томондан буткул бадном қилганди. АҚШ таъсири

остида тузилган янги ҳукуматнинг вазифаси мамлакатни молиявий ва иқтисодий томондан ўнглаш эди. Япон Банки томонидан қўллаб-қувватланган Молия Вазирлиги кучли назоратга асосланган барқарор молиявий тизимни йўлга вўйишга интилди. Ички ва ташқи, қисқа ва узоқ муддатли молиявий операцияларнинг фоиз ставкалари тартибга солинди, молиявий фирмаларнинг функционал линиялари алоҳида ташкил этилди. Япония Молия Вазирлиги асосан уч нарсани бошқарарди: Банк, қимматли қофозлар ва халқаро валютани. Япония Молия Вазирлиги молиявий тизимни ишлатиш учун қонунлар ва низомларни бирлаштирган норматив хужжат ишлаб чиқди.<sup>10</sup>

1989 йилга келиб Япония фонд биржаси инқирозга учрайди. Бунинг натижасида Япон банклари 21 асрнинг бошларига қадар ночор ахволда қолади. Иккита асосий вазифани ҳал этиш мақсадида ислоҳотлар дастури ишлаб чиқлади. Биринчидан молиявий секторни тиклаш, иккинчидан молиявий стабилликни таъминлаш мақсадида Молиявий кузатув агентлиги ва Молиявий қайта тиклаш комиссияси ташкил қилинди. Япония банкига мустақиллик берилди.<sup>11</sup>

“Катта портлаш” япон Бош Вазири Хошимито томонидан 1996 йил Ноябрь ойида эълон қилинди. Унинг оптемистик фикрига кўра 2001 йилга бориб Токио Нью-Йорк ва Лондон билан тенг даражада бўлиши керак эди. Ислоҳот З тамойилдан иборат эди: ЭРКИН, АДОЛАТЛИ ва ГЛОБАЛ.

**ЭРКИН:** Эркин бозор принциплари молиявий секторга тегишли эди. Банклар интеграцияси, қимматли қофозлар ва суғурта бозори ҳимояланиши керак эди. Молиявий маҳсулотлар ва нархлар эркинлаштирилиши керак эди. Банкларни қисқа ва узоқ муддатли операцияларини тақиқловчи қонун бекор қилиниши керак эди. Ҳақ ва компенсациялар айниқса фонд бозорида юмшатилиши керак эди.

**АДОЛАТЛИ:** шаффоф, адолатли молиявий бозор операциялари яратиш, барча даражадаги ахборотни ошкор қилиш, инвесторларни хати-харакатларини ўз бўйниларига олишлари, аммо шу билан бир пайтда инвесторлар тўғрисида янги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиши тавсия этилган эди.

**ГЛОБАЛ:** Токио халқаро молия марказига айланиши, Япониянинг халқаро обрўсими кўтариши керак эди. Бухгалтерия, қонунчилик, бошқарув ва солиқ тизими жаҳон стандартларига мос тарзда ўзгартирилиши керак эди.<sup>12</sup>

Илк замонавий кўринишдаги банклар Японияда 1872 йилдан кейин хусусий “миллий банклар” кўринишида ташкил қилинган. Худди тижорат банклари сингари улар бутун давлат бўйича филиалларга эга бўлишган ва шунингдек, банкнота эмиссия қилиш ҳуқуқига эга бўлишган. Ўша даврда 150 дан ортиқ шундай банклар бўлган. “Миллий банклар” интенсив тарзда конвертранмайдиган банкноталар эмиссия қиласиди ва бу инфляциянинг ошишига олиб келган эди ва шунингдек, ишлаб чиқариш кучларига ҳам салбий

<sup>10</sup> Shelagh Heffernan, Modern Banking, John Wiley & Sons Ltd, The Atrium, Southern Gate, Chichester, West Sussex PO19 8SQ, England, 2005, 258 p

<sup>11</sup> Shelagh Heffernan, Modern Banking, John Wiley & Sons Ltd, The Atrium, Southern Gate, Chichester, West Sussex PO19 8SQ, England, 2005, 260 p.

<sup>12</sup> Shelagh Heffernan, Modern Banking, John Wiley & Sons Ltd, The Atrium, Southern Gate, Chichester, West Sussex PO19 8SQ, England, 2005, 261 p.

таъсир кўрсатарди. Бу ҳолатдан чиқиш марказий банкни ташкил қилиш заруратини келтириб чиқарди. Ва 1882 йилда 30 йил муддатга Япония Банки ташкил қилинди (кейин яна 30 йил муддатга узайтирилди). Бу банк банкнота эмиссия қилишда мутлоқ монопол ҳукуқни олди, мавжуд барча “миллий банклар” эса эмиссия фаолиятини тўхтатиб, ўз банкноталарини аста-секин марказий банк банкноталарига алмаштириш мажбуриягини олди. 1998 йил 1 апрелига қадар Япония Банки 1842 йилда қабул қилинган ва 1947 ва 1949 йилларда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган “Япония Банки тўғрисида”ги Қонунга кўра фаолият кўрсатган. 1979 йилда қонунга жиддий ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди ва марказий банкка чекланмаган муддатда фаолият юритиш ҳукуқи берилди. 1998 йил 1 апрелдан бошлаб Япония Банки тўғрисидаги янги қонун қабул қилинди. Банкнинг устав капитали – 100 миллион иена, банкнинг 55 % акциялари давлатга, 45 % акциялари эса хусусий шахлар, молиявий институтлар, суғурта компаниялари ва бошқа хусусий акционерларга тегишли. Акционерларга йиллик 4 % миқдоридаги дивиденд ваъда қилинган бўлиб, банк даромади кўпайиб кетган тақдирда 5% миқдорида дивиденд тўланиши ҳам мумкин. Банкнинг қолган барча фойдаси давлат бюджетига ўтказилади.

Япония банки – Япония банк тизимида марказий эмиссион банк ҳисобланади. Штаб-квартираси Япония пойтахти Токио шаҳрида жойлашган.



1882 йилда ташкил этилган бўлиб, президенти – Масааки Сираакава. Захираси 2009 йилги маълумотга кўра – 2 660 007 млн иена. Веб-сайти: [www.boj.or.jp](http://www.boj.or.jp)

Банкнинг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

- банкнота эмиссия қили;

- пул-кредит сиёсатини олиб бориш: мажбурий захира нормаларини; белгилаш, молиявий бозорда операциялар ўтказиш, кредит ставкаси фоизини тартибга солиш (ҳозирда 0-0,1 %);

- тижорат банклар ўртасидаги ҳисоб-китобларни тартибга солиш;

- молиявий ташкилотларнинг молиявий ва менежмент ҳолатини текшириш ва мониторинг қилиш;

- давлат қимматли қофозлари билан операцияларни амалга ошириш;

- халқаро фаолиятни олиб бориш;

- назарий тадқиқотларнинг иқтисодий таҳлилини олиб бориш ва ҳоказо.

1957 йилдан бошлаб Японияда мажбурий резерв захира ташкил қилинган бўлиб, барча кредит ташкилотлари ўз маблағларининг маълум қисмини Япония



Банкнинг захира депозитларига қўйишлари мажбурийдир. Миллий банк системасининг ликвидлигини таъминлаш Япония Банки томонидан белгиланган қайта молиялаш ставкаси орқали тартибга солинади. Шундан келиб чиқкан ҳолда Япония Банки мажбурий резерв захираси ва

қайта молиялаштириш ставкаси ёрдамида мамлакатнинг молиявий тизимини тартибга солиб туради.

Япония тижорат банкларини қуидагича классификация қилиш мумкин:

1. Шахар банклари. Мамлакат кредит ташкилотлари орасида бу 11 та банк муҳим рол ўйнайди. Уларнинг фаолият доираси мунтазам равишда кенгайиб боради. Улар ўз навбатида қисқа ва узок муддатли кредитлашда муҳим аҳамиятга эга ва асосан йирик концернларни кредитлаш билан шуғулланишади. Шунингдек шахар банклар хиссасига Япония ташки ҳисоб-китобларининг каттагина қисми тўғри келади. Хорижий операцияларда энг фаол қатнашувчи шахар банк “Bank of Tokio” ҳисобланади. У давлатнинг асосий вазифаларини ва ҳисоб-китобларини амалга ошириб, дунёнинг 2000 дан ортиқ банклари билан вакиллик алоқаларини олиб боради. Япония қонунчилигига кўра, унга валюта операцияларини олиб бориш вазифаси юклатилган. Бу функцияларни амалга ошириш мақсадида банкнинг кўплаб хорижий давлатларда филиаллари очилган. Ўз навбатида, бундай банклар қаторида, у даражада таникли бўлмаган “Дайва Банк” ҳам мавжуд. 1982 йил апрелида 1928 йилги қонунни бекор қилувчи, тижорат банклари фаолиятини тартибга солувчи янги қонун қабул қилинди. Янги қонунга кўра тижорат банкларига қимматли қофозлар билан боғлиқ операцияларни бажариш хуқуқи берилган. Яъни тижорат банкларига ҳам қимматли қофозлар бозорида фаол иштирок этиш имконияти тақдим этилган. Бу давргача бундай хуқуқ монопол бўлиб брокерлик фирмалари ихтиёрида бўлган. Шундай қилиб, ўша даврдан бошлаб Япония тижорат банкларини универсаллаштириш бошлаб юборилган.

2. Худудий банклар. 64 та худудий банк Японияда фаолият кўрсатаётган бўлиб, улар банк операцияларининг кўлами шахар банкларга нисбатан кичик бўлса-да, филиаллари кўлами жиҳатидан худудий банклар шахар банклардан бирмунча йирик ҳисобланади. Ўз банк фаолияти жараёнида худудий банклар асосан кичик ва ўрта бизнесни кредитлаш фаолияти билан шуғулланади ва кўпинча худудий банклар жамғарма омонатларни қабул қилиш фаолияти билан ҳам шуғулланишади. Ўз структурасига кўра улар кредитор банклар ҳисобланишади. Шунингдек, худудий банклар жойлардаги бошқарув органларини молиялашда муҳим аҳамиятга эга.

3. Узок муддатли кредитлаш билан шуғулланувчи 3 та банклардир. Улардан 2 таси йирик тадбиркорларни кредитловчи банк бўлса, учинчиси – ипотека банки ҳисобланиб, асосан кичик ва ўрта бизнес субъектлари билан операцияларни амалга оширади. Бу 3 йирик банк Япония учун жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, бутун банк системасидаги кредитлашнинг 10% ини ва техника соҳасини молиялашнинг 20% га яқини айнан шу 3 та банкка тегишли.

4. Траст банклар. Бошида пул ўтказувчи бўлинмалар шаклида ташкил этилган, бироқ 2 жаҳон урушидан кейин банк тарзида фаолият юрита бошлаган. Траст банкларнинг ресурслари депозитлар ва заёмлар ҳисобланади. Япония траст банкларидан 5 таси дунёнинг энг йирик 50 та траст банклари рўйхатига киради.

5. Хорижий банклар. Ички бозордаги хорижий банклар орасида АҚШ ва Буюк Британия банклари етакчилик қилишади. Шунингдек, Германия, Франция

ва бошқа давлатларнинг ҳам банклари мавжуд.

Япония банклари Осиё банклари орасида ҳам энг йирик банклардан ҳисобланади. Жумладан осиёнинг энг йирик 10 та банкидан 4 таси япон банки ҳисобланади:

1. Mitsubishi UFJ Financial Group (1-ўрин)

Активлари: 1999,58 (млрд \$)

Капитали: 72,17 (млрд \$)

2. Mizuho Financial Group (2-ўрин)

Активлари: 1538,94 (млрд \$)

Капитали: 30,37 (млрд \$)

3. Sumitomo Mitsui Financial Group (4-ўрин)

Активлари: 1202,59 (млрд \$)

Капитали: 45,82 (млрд \$)

4. Resona Holdings (7-ўрин)

Активлари: 400,47 (млрд \$)

Капитали: 14,73 (млрд \$)

Шунингдек, 1 та Япония банки 50 та энг йирик жаҳон банклари рўйхатида 12-ўринни эгалламоқда.

Япония банк тизими дунёдаги электрон банк фаолияти ривожланган энг йирик тизимлардан бири ҳисобланади ва бу ерда 100 мингдан ортиқ электрон банк аппаратлари мавжуд.

1960 йилларда ташкил этилган кредит карточкалар системаси ҳам юқори ривожланиш даражасига эришган ва мамлакат миқёсидаги жами муомаладаги банк электрон карточкаларининг сони 110 млн. донага тенг.

Хозирда хар бир япон фуқароси бир қанча банкларнинг электрон кредит карточкаларига эга ва улардан керакли суммани нақд пул қилиб олишда муаммоси фаолият олиб боришимоқда. Бунинг учун жойларда электрон банкоматлар ўрнатилган. Ўз навбатида, истеъмолчилар банкоматлар орқали кичик суммадаги кредитларни ҳам олишлари мумкин, бироқ йирик кредитлар борасида улар банк офисларига мурожаат қилишларига тўғри келади.

Япония банк тизимини кўриб чиққан ҳолда, унинг дунёдаги энг йирик ва Осиёдаги энг муҳим банк тизими эканлигини таъкидлаб, куйидаги хуносага келишимиз мумкин: Япония банк тизими бошқа иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатлар банк тизимлари билан солиштирганда анча ёш, яъни давлатда илк банклар ташкил қилинганига ҳали энди 130 йил тўлмоқда. Шунга қарамасдан Японияда банк тизими эътироф этарли даражада ривожланди ва дунё банклар тизимлари статусини белгилаб берувчи тизимлар қаторига қўшилди. Мамлакат молия-кредит тизимининг шиддатли ривожланиши натижасида “япон иқтисодий мўъжизаси” атамаси пайдо бўлди.

## 2.4. Европа иттифоқи банк тизими ҳамда уни тартибга солиш.

### Германияда банк назоратининг ташкил этилиши.

Германия банклари фақатгина чакана ва улгуржи савдо, ҳамда инвесторларни жалб қилиб қолмай балки Япония банклари каби тижорат

секторига ҳам ҳисса қўшадилар яъни уларга кредитлар берадилар. Бундан ташқари Япониянинг кейретсусига ўхшаб Германиянинг хаузбанк тизими тижорат консернлари, уларнинг банклари яъни директорлар кенгаси ва акциядорлари билан яқиндан алоқа ўрнатган. Одатда асосий банк таъсисчилари бу компанияларнинг раҳбар тизимлари ҳисобланади. Бешта миллий банкнинг учта энг каттаси ёки Гросбанкеннинг ташкил этилиши 19 асрга бориб тақалади ва барча турдаги банк хизматларини қамраб олади, шунингдек 200 та худудий банклар ҳам шу ишларни амалга оширади. Уларнинг ҳам ўз бошқарув органлари мавжуд. Ландесбанкен ҳам ўз фаолиятини худудий банклардан бошлаган бўлиб бу 1900 йилларга тўғри келади. 21 асрга келиб улар ҳам худди универсал банклар каби барча турдаги банк хизматларини самарали амалга оширмоқда. Бундан ташқари у ерда 600 та жамғарма банклари бўлиб, улар маҳаллий ва худудий хукуматни ўзаро боғлаб туради. Почта хизмати ҳам аҳоли ва кичик фирмалардан жамғармаларни қабул қиласи, бу омонатлар маҳаллий ва худудий инфратузилмаларни молиялаштириш учун ишлатилади, ҳамда бошқа банклардан келган мижозларга ҳамкорликни узоқроқ давом этириш мақсадида берилади. Шунингдек у ерда 1800 та кредит куперациялари мавжуд. Улар худди Канада ва АҚШдаги каби аниқ мақсадларни амалга оширади яъни, савдо ва банк хизматларини амалга оширади, депозитлар қабул қиласи ҳамда кредитлар беради.<sup>13</sup>

Германияда эса банклар устидан назоратнинг ҳуқуқий асоси бўлиб, «Германия Федератив Республикаси банклари тўғрисида»ги ва «Немис Федератив банки тўғрисида»ги қонунлар ҳисобланади.

Мазкур мамлакатда кредит институтлари устидан назорат маҳсус органлар, яъни банклар устидан назорат бўйича Федерал назорат бошқармаси ҳамда Немис Федерал банки (Бундесбанк) томонидан амалга оширилади.

Юқорида номи зикр этилган назорат муассасасининг асосий вазифаси қўйидагилардан иборат:

- янгидан очилаётган банклар фаолияти учун рухсатнома бериш;
- кредит институтлари учун мажбурий резервларни ишлаб чиқиш;
- кредит ва пул муомаласи соҳасига тегишли қонун ва меъёрий ҳужжатларга амал қилинишини назорат қилиш;
- банклардан керакли ҳисбот маълумотларни талаб қилиш;
- банкларнинг операцияларига аралашиб;
- банк операцияларини тўхтатиш бўйича фармойишлар бериш;
- молия муассасалари раҳбарларини лавозимдан озод этиш;
- банклардаги мавжуд муаммоларни олдиндан аниқлаш ва ҳоказо.

Мамлакатдаги барча кредит институтлари мазкур Назорат бошқармасига ўз фаолиятларида барча ўзгаришлар тўғрисида ҳисбот бериб боришади. Шунингдек, ойлик ҳамда йиллик ҳисботларни тақдим этадилар. Банклар устидан назоратни амалга оширувчи Федерал бошқарма Бундесбанк билан келишилган ҳолда кредит институтлари фаолияти учун мажбурий иқтисодий

<sup>13</sup> Shelagh Heffernan, Modern Banking, John Wiley & Sons Ltd, The Atrium, Southern Gate, Chichester, West Sussex PO19 8SQ, England, 2005, 263 p.

меъёрлар ўрнатиб боради. Ушбу ўрнатилган иқтисодий меъёрларга қуидагилар киради:

- тижорат банкларининг рискка эга бўлган активлари микдори акционерлик капиталининг 18 баробаридан кўп бўлмаслиги лозим;
- ҳар операция кунининг чет эл валютаси бўйича ёпилмаган қисми акциядорлик капиталининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим;
- бир қарз олувчига берилган «Катта» кредитлар (банк сармоясининг 15% дан юқориси) тўғрисида зудлик билан Бундесбанкга хабар бериш керак;
- мазкур кредитларнинг умумий суммаси банк сармоясининг 8 баробаридан ошмаслиги лозим;

Юқорида келтирилган меъёрларга амал қилмаган банкларга нисбатан Бундесбанк томонидан уларнинг фаолиятини тўхтатиш, ҳаттоқи вақтинча ёпишгача бўлган чоралар қўлланилади. Германияда банклар фаолиятини тартибга солиш Буюк Британия назорат системасидан фарқ қиласди. Бунда асосий эътибор ташқи мустақил аудиторлик текширувларига қаратилади. Конунга асосан, Германия банклари ўзининг ишончли активларини етарли даражада сақлаб турмоқлари лозим. Бу активлар банкнинг ишончлилигини ва операциялари самарадорлигини таъминлайди. 1977 йилдан бошлаб мамлакатда «Депозитларни ҳимоя қилиш фонди» фаолият кўрсата бошлади. Мазкур фондга аъзо бўлиш мажбурий эмас, чунки фонд давлат тасарруфидан ташкил этилмаган. Лекин, Германия банкларининг Федерал ассоциациясига аъзо бўлган банклар мазкур фонднинг аъзоси бўлишлари шартдир.

Фонднинг асосий мақсади баъзи молиявий қийинчиликлар юз берган ҳолатларда мижозларга молиявий ёрдам қўрсатишдан иборат. Шунингдек, Фонд мижозларга Германия банк тизимини барқарорлигига ишонч ҳосил қилишларини таъминламоғи лозим. Фонднинг мавжуд маблағлари банкнинг жорий, муддатли ва жамғарма омонатлари бўйича мажбуриятларини ҳимоя қилиш учун хизмат қиласди. Бундан ташқари, мазкур фонд Германия ҳудудидаги резидент ва норезидент банкларнинг депозитларини ҳимоя қилишни, шунингдек немис банкларининг чет элдаги филиалларини ҳимоя қилишни кафолатлади.

Кўпчилик мамлакатларда банкларни назорат қилиш вазифасини бир нечта органлар биргаликда амалга оширишади. Масалан, Японияда бу вазифани Молия Вазирлиги билан Япония банки биргаликда амалга оширади. Германияда Назорат бошқармаси ҳамда Бундесбанк томонидан олиб борилади. Бундан ташқари, Дания давлатида банклар устидан назоратни мамлакатнинг Саноат вазирлиги амалга оширади.

### **Италияда банк назоратининг ташкил этилиши**

Банк ва молия назорати кредитлар ва омонатлар бўйича вазирликлараро қўмита, Италия банки ва молия компаниялари ҳамда фонд биржаси устидан назорат олиб борувчи миллий Комиссия томонидан амалга оширилади. Ушбу органларнинг биринчиси Молия вазири томонидан бошқарилади. У кредит сиёсати ва омонатларни ҳимоялаш бўйича умумий назорат учун жавоб беради. Италия Марказий Банки қўмита резолюцияси бўйича назорат борасидаги қарорлар ва таклифлар лойиҳасини тайёрлайди, унинг қоидаларини ўрнатади ва

бевосита хужжат шаклида, шунингдек масофавий шаклда назоратни олиб боради. Молия компаниялари ва фонд биржалари назорати бўйича Комиссия кредит-молия ташкилотларини қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятини назорат қиласди. Италиядаги назорат фаолиятининг асосий тамойиллари 1993 йил қабул қилинган “Банклар тўғрисида”ги қонунда белгилаб берилган. Унда банк ва молия назорати органлари мақоми, назоратни амалга ошириш ва банк қийин ахволга тушиб қолган ҳолатда уни тўғридан-тўғри бошқариш тартиблари кўрсатилган.

80-йилларда холдинг шаклида тузилган молиявий ва банк компаниялари ташкил топган банк групчалири фаолияти устидан назорат қилишга катта эътибор берила бошлади. Ушбу групчалир устидан назоратни олиб бориш учун алоҳида банклар фаолияти эмас, балки бутун групчалири назорат қилувчи бирлашган назорат концепцияси ишлаб чиқилди.

### **Францияда банк назоратининг ташкил этилиши**

Француз молия тизими банкларни ҳам қўшиб ҳисоблагандан суст даражада ривожланган бўлиб бунинг сабаби давлатнинг бу секторга кўп аралашувидир. Молия турли хил йўллар билан бошқариларди шунга қарамасдан у яқинда ягона тизимда бошқарила бошлади. Масалан 1985 йилга қадар Молиянинг пул бозори мавжуд бўлмаган интербанклар бозорини инобатга олмаганди. Француз етакчи банклари ФРАНЦИЯ БАНКЛАР АССОСАЦИЯСИнинг 400 аъзоси ҳисобланади. 1984 йилга қадар тизим Банк Низоми қоидаларига мувофиқ тақсимланган. 1984 йилдан кейин ФБАнинг аъзолари универсал банкларга айлантирилади худди инвестиция банклари каби чакана ва улгуржи савдога хизмат кўрсатиш учун.

Француз банк тизими 20 асрнинг охирги ярмида банкни миллийлаштириш тажрибасини ўз бошидан ўтказди. Банкларни миллийлаштирган социалистик ҳукумат кичик ва ўрта даражадаги саноатга адолатли хизмат кўрсатадиган банк тизими деб ўйлаганди. Лекин бу ислоҳот кутилган натижани бермади.

Банкларни хусусийлаштириш 1986 йили бошланди, аммо 1988 йилга келиб бу иш тўхтатиб қўйилди. 1990 йилларга келиб хусусийлаштириш қайта бошланди ва янги асрга қадар барча асосий банклар хусусийлаштирилди.<sup>14</sup>

Францияда банк фаолияти устидан назорат Франция банкидан мустақил ҳолда фаолият олиб борувчи, бироқ унга узвий боғланган давлат бошқарув органлари – банк комиссиясига юклатилган. Комиссияни Франция банки бошқарувчиси бошқаради. Банклар тўғрисидаги қонунга мувофиқ комиссия ишчи органи ходимлари, яъни бош секретариат аъзолари фақат Марказий банк хизматчилари бўлиши мумкин. Банк комиссияси мажбуриятларига кредит ташкилотлари фаолияти шартларини ўрганиш уларнинг молиявий ҳолатини назорат қилиш, шунингдек, банк ходимлари профессионал этикасини текшириш киради. Комиссия нафақат Франциядаги, балки чет элдаги барча кредит ташкилотлари филиаллари операцияларининг қонунийлигини назорат қиласди.

Комиссия назорат ости идоралари даврий текширув хужжатларини

<sup>14</sup> Shelagh Heffernan, Modern Banking, John Wiley & Sons Ltd, The Atrium, Southern Gate, Chichester, West Sussex PO19 8SQ, England, 2005, 264 p.

ўрганади, зарур бўлган пайтда инспекторлик текширувларини амалга оширади. Бунда у маҳсус фармойишга асосан текширув олиб боради ва зарурий интизомий чораларни кўради.

### **Назорат саволлари**

1. АҚШ да банклар фаолиятини назорат қилиш тизимининг ташкил топиши ва унинг ўзига хос хусусиятлари.
2. Буюк Британияда банк назорати.
3. Германия банк назоратининг ўзига хос хусусиятлари.
4. Францияда банк назоратининг ўзига хос томонлари.
5. Италияда банк назоратининг ўзига хос томонлари.
6. Халқаро тажрибада банк назорати қайси муассасаларга юклатилади.
7. Банк назорати бўйича Базель қўмитасининг вужудга келиши ва ривожланиши.
8. Базель қўмитасининг мақсад ва вазифалари.
9. Базель қўмитасининг асосий тамойиллари.
10. Банк назорати бўйича халқаро андозаларнинг шаклланиши.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

#### **Маҳсус адабиётлар:**

1. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 2017 йил 16 январ, № 11 (6705)
2. Эркин ва фаровон, демократик ўзбекистон давлатини биргалиқда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига багиитанган Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисидаги нутқи, Тошкент - «Ўзбекистон» - 2016
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонига 1-илова, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси Shelagh Heffernan, Modern Banking, John Wiley & Sons Ltd, The Atrium, Southern Gate, Chichester, West Sussex PO19 8SQ, England, 2005
4. Murray N. Rothbard, The Mystery of banking, Ludwig von Mises Institute, Auburn, Alabama, 2008
5. Муллажонов Ф.М. ва бошқалар. Ўзбекистон Республикаси банк тизими. Т. ”Ўзбекистон” 2011.
6. Норқобилов С., Дадабоева Ҳ., Жўраев Ў. Халқаро амалиётда банк назорати. Магистрлар учун дарслик / Тошкент Молия институти.–Т.:

## Интернет ресурслари

1. [www.economics.ru](http://www.economics.ru)
2. [www.ifmr.uz](http://www.ifmr.uz)
3. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
4. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
5. [www.bankir.uz](http://www.bankir.uz)
6. [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz)
7. [www.bankinfo.uz](http://www.bankinfo.uz)
8. [www.google.uz](http://www.google.uz)

### 3-мавзу: Молиявий инқирозлар ва уларнинг оқибатлари.


Режа:

- 3.1. Молиявий инқироз тушунчаси ва аҳамияти.**
- 3.2. 2008 йилдаги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатлари.**

**Таянч иборалар:** *Федерал Резерв Тизими, инқироз, иқтисодий инқироз, ссуда, ликвидлик, инвестиция, молия бозори, рецессия, депреция.*

#### 3.1. Молиявий инқироз тушунчаси ва аҳамияти.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида инқироз – бу тараққиётда орқага кетиш, пасайиш, таназзул, тушкунлик дейилган. Маълумки, ҳар қандай обьект ўзининг ривожланиш мобайнида қўйидаги босқичлардан ўтади:




Шу жараёнда унинг нисбатан юқори даражада шаклланган ҳолатидан қўйи даражадаги ҳолатга ўтиши инқирозга юз тутишидан далолат беради.

Демак,

Инқироз – бу:

- маълум бир воқеъликнинг табиат ва жамият тараққиётининг обьектив қонуниятларга зид келиб қолиши;
- ўз даврида прогрессив ҳисобланган жараёнларнинг вақт ўтиши билан янгича талабларга жавоб бера олмаслиги туфайли юз берадиган ҳодисадир.

Қайси бир соҳада юз беришига қараб инқироз қуидаги турларга бўлинади:



**Молиявий инқироз** деганда банклар ликвидлиги (тўлов қобилияти)нинг заифлиги билан боғлиқ муаммоларнинг кескинлашуви натижасида юз берган инқироз тушунилади. У кредит бозорида юз берган танглик ва маблағ (пул)нинг етишмаслиги туфайли келиб чиқади. Бутун дунё бўйлаб «қанот» ёзаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳам аслида шу асосда илдиз отди.

**Иқтисодий инқироз** – товарларни ҳаддан ташқари ортиқча ишлаб чиқариш ёки керагидан кам ишлаб чиқариш натижасида юз беради. У иқтисодиётнинг ҳамма (саноат, қишлоқ хўжалиги ва ҳ.к.) тармоқларини ёки унинг катта қисмини қамраб олади.

Ортиқча ишлаб чиқариш сабабли юз берган инқироз даврий бўлади, вақти-вақти билан такрорланиб туради. XX асрнинг 50-80 йилларда ривожланган мамлакатларда бозор иқтисодиётини тартибга солиш чоралари фаол қўлланилганидан инқирозлар тезроқ такрорланса-да, уларнинг олдинги даҳшатли кучи қирқилиб, енгил кечадиган ҳодисага айланди.

80-йилларда ва 90-йиллар бўсағасида сабиқ Иттифоқда ва Шарқий Европа мамлакатларида бошланган танглик кам ишлаб чиқариш – тақчиллик инқирози бўлган эди.

**Сиёсий инқироз** – бу давлат ичидаги ва давлатлар ўртасидаги муносабатлар жараёнида ўзаро манфаатларда номутаносибликларнинг вужудга келиши натижасида юз беради.

**Социал инқироз** – бу аҳоли турмуш даражасини яхшилаш борасида номутаносибликларнинг вужудга келиши натижасида юз беради.

**Маънавий ва руҳий инқироз** - инсон камолатининг маънавий ва руҳий жиҳатларига номутаносиб бўлган жараёнларга, воқеа ва ҳодисаларга боғлиқ бўлади.

Молиявий, иқтисодий, сиёсий, социал, маънавий ва руҳий соҳалардаги инқирозлар, одатда, мустақил рўй беради, баъзан эса ҳаммаси комплекс тарзида баравар юз беради. Бундай ҳолда жамиятнинг умумий инқирози бошланади ва у жамият ҳаёти, турмуш тарзининг барча соҳаларини ўз домига тортади. У ҳам энига, ҳам бўйига кенгайиб боради ва жаҳонни қамраб олади.

Инқироз турли соҳаларда юз бериши мумкинлиги сабабли уни келтириб

чиқарувчи сабаблар ҳам турлича бўлади.

Дастлаб молиявий инқирознинг келиб чиқиши сабаблари ҳақида. Бугунги кунда жаҳон молия инқирозининг асосий сабаблари сифатида қўйидагилар эътироф этилмоқда .



“Бу инқироз Америка Кўшма Штатларида ипотекали кредитлаш тизимида рўй берган танглик ҳолатидан бошланди. Сўнгра бу жараённинг миқёси кенгайиб, йирик банклар ва молиявий тузилмаларнинг ликвидлик, яъни тўлов қобилияти заифлашиб, молиявий инқирозга айланиб кетди. Дунёнинг етакчи фонд бозорларида энг йирик компаниялар индекслари ва акцияларининг бозор қиймати ҳалокатли даражада тушиб кетишига олиб келди. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, кўплаб мамлакатларда ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўсиш суръатларининг кескин пасайиб кетиши билан боғлиқ ишсизлик ва бошқа салбий оқибатларни келтириб чиқарди”<sup>15</sup>.

Дарҳақиқат, Биринчи Президентимиз таъкидлаганлариdek, бундай инқироз 2007 йилда АҚШ ипотека (уй-жой харид қилиш учун берилган) кредитлари бозорида юз берган таназзулдан бошланди.

Хўш, бундай инқирозга қандай омиллар етаклаб келди?

**Биринчидан,** АҚШ молиявий муассасалари гаров таъминоти етарли бўлмаган қарз олувчиларни ҳам паст фоиз ставкасида, юқори ҳажмда узоқ вақт кредит билан таъминлаб келди. Натижада шубҳали кредитларнинг ҳажми тобора ошиб борди. АҚШ бозорлари ликвидли<sup>16</sup> кўчмас мулкларга етарлича “тўйинди” ва уларнинг нархлари кескин туша бошлади. Бундай ҳол истеъмолчиларни арzon кредит эвазига уй-жой сотиб олишга рағбатлантириди.

**Иккинчидан,** ипотекага нисбатан ўсиб бораётган талабни қондириш мақсадида кредит берувчи ташкилотлар (тижорат банклари) кредит бериш стандартларини эркинлаштириди ва йирик миқдордаги ипотека кредитларини муомалага чиқарди.

**Учинчидан,** кредитларнинг қайтишига умид боғлаган тиҷорат банклари қарзларни қайтариш қобилияти шубҳали бўлган қарздорларнинг ҳисобига **қимматли қоғозлар чиқариб, халқаро майдонда** дунё инвесторларига сота

<sup>15</sup> Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 4-б.

<sup>16</sup> **Ликвидлик** (лат. Liquidus – суюқ, оқувчи) – турли корхоналар, бирлашмалар, фирмалар ва банкларнинг ўз мажбуриятларини ўз вақтида бажара олиши (қарзни тўлаш имконияти, барқарор талабга эга бўлган пул воситалари, банк депозитлари, қимматли қоғозлар, моддий айланма воситалар харидоргир ва пулга тез айлантириладиган активлар ликвид воситалар деб юритилади. Ликвидлик маблағлар айланишининг меёрига эришиш йўли билан таъминланади.

бошлади. Бунда АҚШнинг Федерал ипотека корпорацияси ва Федерал миллий ипотека ассоциацияси томонидан тўлов қобилиятига эга бўлмаган мижозларга ёрдам бериш мақсадида юқори таваккалчи кредитлар харидлар қилинган ва кафолатланган.

АҚШ ҳукумати кафолатланган мазкур ссудалар<sup>17</sup> инвестиция банклариға қайта сотилган. Инвестиция<sup>18</sup> банклари эса, ўз навбатида, ушбу ссудаларни таваккалсиз актив сифатида хорижий инвесторларга<sup>19</sup> сотган.

Кредит рейтинг агентликлари: Moody's, Fitch ва Standard & Poors кабилар рискли ипотекага асосланган қимматли қоғозларга “AAA” рейтингини берганлиги билан молиявий инқирозга ўз хиссасини қўшди. Уларни бунда айбдор деб ҳисоблашмоқда.

## 2-сабаб

### Йирик банклар ва молиявий тузилмаларнинг ликвидлик, яъни тўлов қобилиятининг заифлашиши

Юқорида таъкидланганидек, кўчмас мулк гарови ҳисобига берилган кредитлар туфайли АҚШ иқтисодиёти арzon кредит ресурслариға тўйинди ва бу Федерал захира тизими (ФТЗ) амалга ошираётган пул-кредит сиёсатини ўзгартиришига олиб келди. Натижада 2004-2006 йилларда Федерал захира тизими фоиз ставкаларни 6,25% гача кўтарди. Кредитларнинг қимматлашуви аҳолини ипотекага нисбатан талабининг пасайишига ва кредитларни қайтариш бўйича қарздорлар тўловининг қисқаришига олиб келди. Бошқа томондан, озиқ-овқат маҳсулотлари ва энергия ресурслари нархларининг ўсиши аҳолининг кредитни қайтариш бўйича молиявий имкониятларининг чекланишига олиб келди. 2000-2007 йиллар мобайнида жаҳон бозоридаги озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи ўртacha икки баробарга ошди, бензин нархи эса 3,5 баробарга ошди. Нефть нархи рекорд даражада, яъни бир баррели 147 доллардан ортди.

Пировард натижада 2007 йил бошида АҚШда аҳолининг ипотека кредитларини қайтариши билан боғлиқ муаммо кучайди. Қарздорларнинг кўчмас мулк гарови билан олинган кредитларни қайтаришдан кўра тўловларни тўлашдан бош тортиш ҳолати кенгайди. Банкларнинг тўлов қобилиятига эга бўлмаган мижозларнинг кўчмас мулкларини қайта сотувга қўйиши натижасида ипотека бозоридаги таклиф кўпайиб, бозордаги нархларнинг кескин пасайишига олиб келди.

Британиянинг нуфузли газеталаридан бири бўлган “Гардиан” жаҳон молиявий инқирозининг асосий айбдорлари рўйхатини эълон қилди. Мазкур

<sup>17</sup> Ссуда – моддий бойликлар гарови ҳисобига процент олиш шарти билан муайян муддатга бериладиган қарз. Ссуда муддатида қайтарилимаса банк гаров мулкни авахта қилиши ва уни сотиб, ссуда бўйича узилмаган қарзни қоплаши мумкин. Қимматли қоғозларни ҳам гаровга қўйиб, улар эвазига ссуда олиш учрайди.

<sup>18</sup> Инвестиция (нем. investition, лат. investere - ўраш) – иқтисодни ривожлантириш мақсадида мамлакат ёки чет элларда турли тармоқларга узок муддатли капитал киритиш ўйни (қўйиш). Молиявий инвестиция – акция, облигация ва бошқа қимматли қоғозларни сотиб олиш; реал инвестиция мамлакат ичкарисида ва чет элларда ишлаб чиқариш (саноат, кишлоқ хўжалиги, курилиш ва б.)га капитал қўйиш, шунингдек, ёш суверен давлатларга қарз ва субсидия бериш шакилларида амалга оширилади. Инвестицияни давлат, банклар ёки хусусий тадбиркорлар бериши мумкин.

<sup>19</sup> Инвестор (инг. investor) – пул кўйган киши, омонатчи; инвесторларни амалга оширадиган шахс, ташкилот, давлат.

рўйхатнинг олдинги ўринларида АҚШнинг таниқли сиёсатчилари ўрин олган бўлиб, унда инқироз фақатгина иқтисодиёт ривожланишининг навбатдаги ҳаракатлантирувчи кучи эканлиги таъкидлаб ўтилган.

|                |   |
|----------------|---|
| <b>З-сабаб</b> | <b>Дунёнинг етакчи фонд бозорларида<sup>20</sup> энг йирик компаниялар индекслари ва акцияларига бўлган бозор қийматининг ҳалокатли даражада тушиб кетиши</b> |
|----------------|---|

АҚШда 2007 йилнинг август ойларида етакчи фонд бозорларига, хусусан, ҳалқаро қимматли қоғозлар бозори (КҚБ) индексларида намоён бўлган қўйидаги асосий омилларни алоҳида кўрсатиш мумкин.

**Биринчидан,** молиявий инқирознинг глобаллашув жараёни жаҳон ҚҚБларининг ўзаро узвий, ўта зич боғланганлигини очиқдан-очиқ намоён этди. Ушбу боғлиқликни 10 йил давомида 86 мамлакат (жумладан, 10 та ривожланган ва 76 та ривожланаётган мамлакатлар) ҚҚБлар фонд индексларининг нормаллаштирилган қийматлари бўйича ҳисоблаб топилган ўртача чизиқли жуфт корреляция коэффицентларидан кўриш мумкин.

Бу боғланиш:

- ривожланган мамлакатларда – 81 % ни;
- ривожланаётган мамлакатларда – 55 % ни;
- ривожланиш йўлига тушган мамлакатларда – 31% ни ташкил қиласди.

Ушбу боғланиш турлича даражада бўлсада, барча мамлакатларнинг инқироз домига тортилгани оддий ҳақиқат. Бу ҳолат домино эффекти сингари бир ҚҚБдан бошқасига, бир мамлакатдан бошқа мамлакатга ёйилиб бориши табиий ҳолга айланди.

**Иккинчидан,** ҳанузгача G7 – “катта еттилик”<sup>21</sup> мамлакатларининг жаҳон капиталлашуви ва умуман глобал иқтисодиётда юқори даражадаги рақобатбардошлиқ ўрнини сақлаб келяпти.

Ушбу сабаб жаҳон молия бозорида,<sup>22</sup> жумладан бир бутун жаҳон ҚҚБда, ривожланган мамлакатларнинг етакчилик позицияси (ўрни) билан белгиланади. Хусусан, 2008 йилга келиб, жаҳон бозорининг тахминан 84,3 фоизи ривожланган мамлакатлар ҚҚБ улушкига тўғри келган. Бунда G7 мамлакатлари ҚҚБ улушки 68,7 фоизни (жумладан, АҚШ ҚҚБ улушки 38,5%) ташкил этган. Ривожланаётган мамлакатлар ҚҚБ улушки эса 15,7 фоизни ташкил этган, холос. Бунда ривожланган мамлакатлар ҚҚБ нафақат жуда катта молия ресурслари **концентратори** ва қайта тақсимловчиси ҳамда молиявий рисклар ва инқирозлар манбаси ва **резонатори** бўлиши мумкин, балки инқирозларнинг

<sup>20</sup> **Фонд бозори** – бу қимматли қоғозлар олди-сотди қилинадиган биржа; бозор инфраструктурасининг муҳим бўғини, қимматли қоғозлар (давлат облигациялари, корхоналар акциялари ва облигациялари, банк кредит билетлари ва б.) валюта олди-сотди бўйича мунтазам ва ташкилий фаолият кўрсатади.

<sup>21</sup> **Катта еттилик** – бу жаҳон иқтисодиётидаги улушки тахминан 60 фоиздан юқори бўлган индустрисиал ривожланган мамлакатлар бирлиги бўлиб, уларга АҚШ, Буюк Британия, Германия, Япония, Италия, Канада, Франция мамлакатлари киради.

<sup>22</sup> **Молия бозори** – жамиятда молия хизматлари бозори; молия маблағларини вақтингча ҳақ тўлаб ишлатиш ёки уларни сотиб олиш юзасидан бўлган муносабатлар. Банклар, фонд биржасида ва аукционларда ўtkазилади. Молия бозори таркиби мураккаб, унга қимматли қоғозлар бозори, ссуда капитали, инвестиция бозори кабилар киради.

иқтисодиётларга салбай таъсирларини ҳам текислашда бош ролни ўйнашга қодирлиги маълум.

Умуман олганда, мамлакатлар реал иқтисодиёти жаҳон молия бозорига боғлиқ бўлиб қолганлиги муносабати билан бу бозор ҳам молиявий инқирозлар манбаси ва резонаторига, ҳам инқирозий ҳолат ва иқтисодиёт рецессияларини<sup>23</sup> тўхтатиш механизмига айланади.

**Учинчидан** - қимматли қофозларнинг бозор нархи билан реал баҳоси (комплекс, бизнес базиси) ўртасидаги фарқ кескинлашиб борди. Ушбу сабабнинг негизи компаниялар томонидан чиқарилган акциялар ва уларнинг бизнес-базисини ҳамда шу билан бирга давлатлар томонидан миллий КҚБ ва реал иқтисодиётнинг ўзаро эквивалентлилиги тамойилига риоя этмаслик деб қараш мумкин. Бунинг тасдигини 86 та мамлакат КҚБ спекулятив савдо обороти ҳажми ва фонд индексларининг охирги 10 йил давомида ўзгариши динамикасидан кўриш мумкин. Хусусан, ривожланаётган мамлакатлар КҚБнинг спекулятив савдо обороти ҳажми ва фонд индекслари қиймати 2007 йилга келиб 1998 йилга нисбатан 2,7 баробарга ошди. Бунда Осиё мамлакатлари бўйича 2,4 баробарга, Лотин Америкаси бўйича - 2,8 баробарга, Шарқий Европа ва Яқин Шарқ бўйича 2,6 баробарга ошди. G7 мамлакатлари бўйича эса - 2,8 баробарга (жумладан, АҚШ бўйича 3,2 баробарга) ортди.

Демак, КҚБ охирги йилларда ҳаддан ташқари "қизиб" кетган ва акциялар ҳаддан ташқари "пуфак сингари шишиб" кетган, яъни акциялар спекулятив КҚБ томонидан ҳаддан ташқари юқори баҳоланган. Бунинг натижасида молиявий инқироз намоён бўлиб, факат 2007 йилда биржа индекслари камида 50 фоизга, 2008 йил давомида эса ўртача 50-60 фоизга кескин пасайиб кетди.

Эслатиш жоизки, АҚШда ўхшаш ҳолат 1922-1928 йилларда (Буюк депрессия<sup>24</sup> даври арафасида) кузатилган бўлиб, оқибатда 1929-1932 йилларда энг катта ва мудҳиш молиявий инқирозга олиб келган.

Қимматли қофозларнинг ўз комплекс (бизнес) базисидан узилиб қолиши кўп жиҳатдан охирги 25 йил ичида корпоратив бирлашишлар<sup>25</sup> ва йирик компанияларни кичик фирмаларни ютиб юборишлари соҳасидаги фаолликни молиявий глобаллашув шароитида кучайиб кетганлигига ҳам боғлиқ. Бу эса акцияларнинг бозор курсига нисбатан бизнес-базиси қийматини кескин тушиб кетишига олиб келди. Чунки бундай корпоратив операциялар учун дунёда компаниялар томонидан эмиссия қилинган акцияларни сотиб олинишига катта миқдордаги пул маблағлари (97 фоиздан, яъни 3,2 трлн.доллардан ортиқ) сарфланган.

**Тўртинчидан**, глобал иқтисодиётнинг, айниқса ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётининг инвестицион ривожланишини, жаҳон молия бозори, жумладан жаҳон КҚБ молиявий ресурсларига бўлган боғлиқлик (тобелик) даражасини кескин ошириди.

<sup>23</sup> Рецессия – бу иқтисодий ўсишнинг чўкки нуқтасидан кейинги пасайиш фазаси бўлиб, олти ой давомида кетма-кет ишлаб чиқариш суръатларининг кескин, биржа индексларининг эса оммавий пасайиши жараёнидир.

<sup>24</sup> Депрессия – бу иқтисодий ўсишнинг кескин пасайиши

<sup>25</sup> Корпорация - ( лот. Corporation – бирлашма, ҳамжамият ) – ривожланган йирик акционерлар жамияти ва трестлар; бирон бир фаолият учун уюшган хукуқий ва жисмоний шахслар мажмуи. XIX асрларда пайдо бўлган.

Хозирги вақтда (нуфузли халқаро ташкилотларнинг – World Bank, World Federation Exchang, OECD, Standard & Poors, BIS (Bank International Settlement), Росбизнесконсалтинг-маълумотлари асосида ривожланган мамлакатлар молиявий активларининг катта қисми қимматли қофозларда мужассамлашган. Хусусан, 2009 йилга келиб, жаҳонда акциялар ва облигациялар бозорининг капиталлашув ва қарз миқдори бўйича ҳисобланган умумий ҳажми тахминан 110 трлн.доллардан ошиб кетди (шу жумладан, акциялар бозори ҳажми 50 трлн.долл., облигациялар бозори 60 трлн. долл.)<sup>26</sup>

Бу кўрсаткич жаҳон ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) умумий ҳажмидан 2,7 баробар ва M2 (накд пул ва банклардаги ҳисоб рақамларида сақланаётган талаб қилинажак маблағлар) пул массасидан 3 баробар ортиқ демакдир. **Молиявий деривативлар**<sup>27</sup> (ҳосилавий қимматли қофозлар) жаҳон бозори умумий ҳажми эса 1990-чи йиллар бошларида 20 трлн.доллардан 2009 йил бошига келиб тахминан 585 трлн. долларгача ортди. Агарда, BIS маълумотлари асосида нисбий пропорцияларда товар, хизмат, олтин ва кредитлар бозорлари умумий қиймати ҳажми ва жаҳон ҚҚБ умумий ҳажмини ўзаро таққосласак, унда жаҳон ҚҚБ умумий ҳажмини ўзининг реал қиймати ифодасидан тахминан 80-85 фоиз доирасида ортиқлигини кўриш мумкин.

Агарда, 2007 йилдаги жаҳон ҚҚБ ва жаҳон ташқи савдоси ҳажмлари оборотини ўзаро солиштирсан, унда уларнинг ҳажми тахминан 63:1 нисбатда бўлганлигини кўриш мумкин (бунда жаҳон ҚҚБ умумий ҳажми 686 трлн.долл., товарлар бўйича жаҳон ташқи савдоси ҳажми 11,2 трлн.долл.). Шу билан бирга 1989-2008 йилларда жаҳон валюта бозори оборотини ўртacha ўсиш суръати 8,2 фоизни ташкил этган бўлиб, ушбу давр ичida эса товар ва хизматлар жаҳон савдоси (доллар ҳисобида) йилига 6,5 фоизга ошган.

Бундан ҳуроса қилиш мумкинки, жаҳон валюта бозори ташқи савдо операцияларига борган сари камроқ ҳажмда хизмат кўрсатмоқда ва аксинча, қимматли қофозлар шаклидаги халқаро капитал ҳаракати билан боғлик операцияларга эса тобора кўпроқ хизмат кўрсатмоқда. 1991-2008 йиллар мобайнида капитал оқимларининг трансчегаравий ҳаракати ўсиши суръати динамикаси АҚШ бўйича 17%. Канада бўйича 9.8%, Буюк Британия бўйича 26,9% бўлганини кўриш мумкин. Бунда бу давлатларнинг ушбу соҳада (яъни, капиталнинг трансчегаравий ҳаракатида) етакчилигини ва жаҳон ҚҚБдаги роли катталигини пайқаш қийин эмас.

Айтилганларга асосланган ҳолда, халқаро даражада интеграллашган ҚҚБлари ҳозирда нафақат масштабли молиявий нобарқарорлик, иқтисодиётлардаги салбий ўзгаришлар, ижтимоий тушкунлик (стресс) ва ҳавфли рисклар манбаси сифатида намоён бўлиши ва бир вактнинг ўзида уларнинг барчасига ўта таъсирчан бўлиши мумкин, балки иқтисодиётдаги негатив ҳолатларни текислашга ва рецессияни тўхтатишга қодирлигини кўриш

<sup>26</sup> Ш.Шоҳаъзамий “Жаҳон молиявий инқизози: сабаблар, давомийлиги ва сабоқлар”.: “Молиячи” газетаси 4 бет 2009 йил март

<sup>27</sup> **Молиявий дериватив** – бу чет эл валютаси билан боғлик бўлган ҳосилавий молиявий воситалар (валюта деривативлари) чет эл валютаси олди-сотдиси бўйича шартномалар бўлиб, уларда белгиланган мажбуриятлар муайян муддат ўтгач ёки унинг курси ўзгаришига боғлик равишда бажарилиши мумкин.

мумкин. Мисол тариқасида бундай бозорларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган инқирозлар туфайли жаҳон иқтисодиётига салбий таъсирини ва уларнинг натижасида давомли (16-20 ойлик) рецессияларни ҳамда бундай рецессияларни тўхтатилганини ҳам кўрсатиш мумкин.

**Бешинчидан**, миллий молия бозорлари давлат регуляторларининг Базель қўмитаси ва қимматли қоғозлар бўйича комиссиялар ҳалқаро ташкилоти (IOSCO) банк капиталини тартибга солиш банкларни катта миқдорда рискли кредитлар бериш учун етарли даражада капиталга эга бўлиши лозимлигини била туриб, уларни юқори рискли активларни **секьюритизациялаб**<sup>28</sup>, қимматли қоғозларга айлантиришга ва инвесторларга сотишга рағбатлантирган.

**Олтинчидан**, АҚШ доллари ўз гегемонлигини тобора мустаҳкамлаб бориши баробарида ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётини таъминланмаган доллар<sup>29</sup> эмиссиясига асосланган “узлуксиз мажбурий судхўрлик қарзлар пирамидаси” ни ярати бориб “эксплуаторлиги”ни борган сари намоён эта борди.

Бунда барча мамлакатлар иқтисодиёти долларга боғлаб қўйилиб доллари ўзларининг меҳнат маҳсулоти ҳисобига таъминлаб боришига мажбур бўла борди. Молиявий глобаллашув жараёнининг жадаллашуви таъсирида эса ҳалқаро иқтисодий алоқалар қатъий валютага бўлган талабнинг янада кучайиши АҚШ томонидан ҳеч қандай товар билан таъминланмаган пулларнинг муомалага чиқариш жараёнини янада тезлатиб юборди. Маълумотларга қўра, муомалага пул массаси (нақд, кредит пуллар ва турли тўлов воситалари)нинг товар ва хизматлар ишлаб чиқариш реал ҳажмидан деярли 10 баравар, агар пулнинг айланиш тезлигини ҳам ҳисобга олинса, муомала учун зарур бўлган пул миқдоридан, яъни пулга бўлган талабдан бир неча ўн баравар кўпайиб кетганлигини англаради.

#### 4 - сабаб

#### Керагидан ортиқ экспанцион пул-кредит сиёсатининг юритилиши

АҚШ Федерал захири тизими (ФЗТ)нинг собиқ раиси Алан Гринспен керагидан ортиқ экспанцион пул-кредит сиёсатини юргизган ва ҳаддан ташқари олтин ёки товар массаси билан таъминланмаган пул массасини кўпайишига йўл қўйган. Бу билан у Федерал захири тизими дисконт<sup>30</sup> ставкасини тарихий паст даражага тушишини ва шу ҳолда керагидан ортиқ узоқ муддатли сақланишини таъминлади.

Шу тариқа олиб борилган норационал пул-кредит сиёсати, ҳамда қайта молиялаштириш ставкасини сурункали равишда паст даражада ушлаб

<sup>28</sup> Секьюритизация деганда молиявий активларни қимматли қоғозларга алмаштириш тушунилади

<sup>29</sup> Маълумки, 1976 йилдан бошлаб жаҳон амалётида бошқариладиган, **сузиб юрувчи валюта** тизимлари мазмуни йўқолиб асосан АҚШ доллари этакчи валютага айлангач, унинг муомалага чиқарилишини назоарт қилиб бўлмай қолди.

<sup>30</sup> Дисконт (ингл.discount, итал. Sconto – ҳисобламоқ) – 1) банклар томонидан вескелни муддатидан илгари қайтариб сотиб олиш (вексель ҳисоби); 2) векселни қайта сотиб олганлик учун банқдан ундириладиган процент; 3) товар нархи (мас., сифати стандартга тўғри келмаганда), биржа ва валюта битимларида валюта нархидан ташлама.

турилиши натижасида банклар томонидан кредит бериш кўлами кескин ўсди. Федерал захира тизимининг экспанцион пул-кредит сиёсати тижорат банкларига тақдим этадиган кредитлари бўйича фоиз ставкаларини 1,25 фоизгача пасайтирилишида намоён бўлган эди.

Қайд қилинган устувор сабаблардан ташқари аксарият ривожланган мамлакатларда кузатилган қуйидаги салбий ҳолатлар ҳам молиявий инқирознинг вужудга келишига сезиларли туртки ролини бажарган:

- ривожланган мамлакатларда иқтисодни ҳаддан зиёд ортиқча эркинлаштириш “меваси”;
- “ўз-ўзини бошқарувчи бозор” ғоясига устуворлик берилиб, давлатнинг миллий иқтисодиётга аралашувининг чекланиши;
- молиявий ресурслар билан реал ишлаб чиқариш ҳажми ўртасидаги мутаносибликтининг кескин бузилиши;
- АҚШ долларининг етакчи валютага айланиши ва унинг муомалага чиқарилишидаги назоратнинг сусайиши;
- етакчи давлатларда норационал пул-кредит сиёсатини, ҳамда қайта молиялаш ставкасини сурункали равишда паст даражада ушлаб турилиши натижасида қарзга яшашнинг одатга ва кундалик ҳолатга айланиши;
- молиявий институтларнинг мажбуриятлари билан устав маблағлари ўртасидаги мутаносибликтининг кескин бузилиши;
- қимматли қоғозлар бўйича рейтинг ташкилотлари томонидан сохта хulosаларнинг берилиши;
- молиявий аудит ва профессионал этика тамойилларининг бузилиши ва сохта аудит хulosаларнинг тақдим этилиши;
- молиявий рағбатлантириш услугбининг сифат кўрсаткич-ларига эмас, балки миқдорий кўрсаткичларга асосланганлиги;
- юқори рискли ва мураккаб ҳосилавий қиматбаҳо қоғозларнинг вужудга келиши ва ҳоказо.

Шундай қилиб, **молиявий глобаллашув**<sup>31</sup> жаҳонда молиявий нобарқарорликни юзага келтириб, унинг давомида ижтимоий кескинликни, сиёсий рискларнинг ривожланиши, иқтисодий пасайиши ва вақтинчалик инқирозий ходисалар устидан назоратнинг йўқотилиши юзага келди. Борган сари бу жараён иқтисодий глобаллашув<sup>32</sup> сари одимлай бошлади.

### **3.2. 2008 йилдаги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатлари.**

Улкан заводлар ўз ишини тўхтатди. Инфляция кескин кўтарилди. Ишсизлик ваҳимали даражага етди. Саҳоват уйларининг ошхоналари дарвозаси олдида навбат кутиб турган очларнинг кети узилмайди...

<sup>31</sup> **Молиявий глобаллашув** – бу жаҳон хўжалигининг барча худудларидағи молиявий муносабатларни қамраб олувчи жараёндир. Глобал молиявий инқироз ортиқча ликвидлик ва юқори даражада интеграциялашган халқаро молия тизимининг етарли тартибга солинмаслиги натижасида юзага келди ва жаҳон иқтисодиётини рецессияга учрашига олиб келади.

<sup>32</sup> **Иқтисодий глобаллашув** – бу жаҳон хўжалигининг барча худудларидағи иқтисодий муносабатларни қамраб олувчи жараёндир. Буни ташкил топаётган тарнсмиллий компаниялар мисолида кўришимиз мумкин.

30-йилларнинг Буюк Тушкунлик даврини эслатадиган бу манзара, аслида бироз кейинги даврга, 1981-1982 йилларда юз берган иқтисодий турғунлик кунларига тегишли. Президент Рональд Рейген даврида содир бўлган бу иқтисодий бўхрон Буюк Тушкунлиқдан кейин катта инқироз дея аталган ва 16 ой давом этган. Бугунги жаҳон молиявий инқирозининг эса яна қанча давом этиши ҳали номаълум.

Бу биринчи навбатда, молиявий-иктисодий инқирознинг ҳар қайси давлатдаги миқёси, кўлами ва оқибатлари қандай даражада эканлигига боғлиқ, яъни, бу аввало:

- шу давлатнинг молия-валюта тизими нечоғлик мустаҳкам эканига;
- миллий кредит институтларининг қай даражада капиталлашуви ва ликвидлиги (тўлов имконига), уларнинг чет эл ва корпоратив банк тузилмаларига қанчалик қарам эканига;
- хорижий кредитларни қайтариш қобилиятига;
- мамлакат иқтисодиётининг барқарорлик, диверсификация ва ракобатга бардошлиқ даражасига боғлиқ<sup>33</sup>.

Биринчи Президентимиз ўз асарларида дунёning ҳозирги вақтда бир қатор етакчи таҳлил ва экспертилк марказлари глобал молиявий инқироз ҳолатини ва унинг юз бериши мумкин бўлган оқибатларига доир материалларни ўрганиш ва умумлаштириш натижасида қуйидаги хulosаларга келаётганлигини таъкидлаб ўтдилар. Яъни, “Биринчидан, молия-банк тизимидағи инқироз жараёнлари деярли бутун дунёни қамраб олаётгани, рецессия ва иқтисодий пасайишнинг муқаррарлиги, инвестициявий фаоллик кўламининг чекланиши, талаб ва халқаро савдо ҳажмининг камайиши, шунингдек, жаҳоннинг қўплаб мамлакатларига таъсир кўрсатадиган жиддий ижтимоий талофатлар содир бўлиши мумкинлиги ўз тасдифини топмоқда”.

Молия инқирознинг оқибатлари, энг аввало, қуйидагиларда номаён бўлади:


- жаҳон ЯИМни ишлаб чиқариш суръати пасаяди;
- ишсизлик даражаси ошади;
- бюджет тақчиллиги ортади;
- халқаро савдо ҳажми камаяди;
- хорижий инвестициялар оқими камаяди
- ижтимоий трансферларнинг қўпайиши ҳисобига давлат харажатлари ошади.

## 1- О ҚИБАТ

**Жаҳон ЯИМни ишлаб чиқариши суръати пасаяди**

<sup>33</sup> Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 5-бет.

Молиявий инқирознинг тарқалиши глобал иқтисодий ўсиш суръатларига нисбатан салбий таъсирни юзага келтириди. Нафақат молиявий сектор, балқи иқтисодиётнинг реал секторида ишлаб чиқаришнинг пасайиши кузатилди. Буни қуидаги ривожланган мамлакатлар мисолида кўриш мумкин (3-расм).



**3-расм. Ривожланган мамлакатларда 2007-2008 йилларда ЯИМнинг ўсиш суръатлари ва 2009 йил истиқбол кўрсаткичлари**

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида иқтисодий ўсиш суръатларида кескин ўзгариш содир бўлган. Инқироздан жиддий азият чекаётган Буюк Британия ва Германияда 2009 йилда ялпи ички маҳсулотни ишлаб чиқаришда 2008 йилга нисбатан тегишли равишда 0,1 ва 0,2 фоизга пасайиш кутилмоқда.


2008 йилнинг охирига келиб, “Женерал моторс” “Форд” ва “Тойота” каби автомобил ишлаб чиқарувчи компанияларнинг савдо ҳажми тегишлича 45,30 ва 20 фоизга камайган.

Шуниси ажабланарки, халқаро эксперtlар жаҳон молиявий инқирозининг келиб чиқишига АҚШнинг жаҳон ялпи ички маҳсулотининг асосий фаол истемол қилувчиси ҳисоблангалигини келтириб ўтишади. Маълумотларга қараганда, АҚШнинг жаҳон ялпи ички маҳсулотини ишлаб чиқищдаги ҳиссаси 20%ни ташкил қиласда, унинг истеъмолидаги ҳиссаси қарийиб 40%ни такшил қиласди.

## 2 - ОҚИБАТ

### *Иисизлик даражаси ортади*

Молиявий инқироз туфайли кўпгина корхона, муассаса ва ташкилотлар банкротлик ҳолатига туша бошлади. Натижада иисизлар армияси юзага кела бошлади. Айниқса, АҚШ, Европа Иттифоқи, Япония, Украина ва бошқа қатор мамлакатларда ғоят ташвишли ҳолат юзага келган (4-расм).



**4-расм. Ривожланган мамлакатларда 2007-2008 йилларда ишсизлик даражаси ва 2009 йил истиқбол кўрсаткичлари.**

Расмдаги маълумотлардан кўринадики, жаҳоннинг ривожланган мамлакатларидаги ишсизлик кейинги 3 йил мобайнида ўсиб бориши кузатилмоқда. 2009 йилда АҚШда ишсизлик даражаси 7,2%, Японияда 4,4%, Буюк Британияда 6,4%, Германияда 8,2% га ўсиши кутилмоқда. Бу ўз-ўзидан ижтимоий трансферларнинг кўпайиши ҳисобига давлат харажатларининг ўсишига олиб келади.

Шунга кўра, ҳукуматлар даражасида инқироздан чиқиши бўйича давлат дастурларини ишлаб чиқишида бандлик масалаларини, талабни рағбатлантириш орқали ишлаб чиқариш кўламини кенгайтиришга қаратилган кескин чораларни кўриш масаласини қўнадаланг қилиб кўймоқда.

Сабаби, бугунги ишсизлик 1982 йил даражасига кўтарилимаган. ЯИМ ҳажми ҳам ўша даврдагидек кескин тушиб кетгани йўқ. Шунга қарамай иқтисоднинг ўз мувозанатини тиклашига бўлган ишончсизлик 80-йиллардан кўра кўпроқ.

Агар 80-йиллар инқирози пайтида кимдир, бу инқироз 30-йиллардаги Буюк Тушкунлик давридек оғир бўладими, деб сўраса, бунга хамма ўйлаб ўтирасдан “йўқ” деб жавоб берган бўларди. Ҳозир айни шу савол яна сўралса, мутахассислар ҳам жўяли бир жавоб айта олмаслиги аниқ. Чунки бўлиб ўтган воқеалар, бой берилган рақамлар АҚШ иқтисодиётининг эртаси ҳақида ишончли хулоса бермайди.

2008 йил сентябр ойида АҚШнинг «CNN» телекомпанияси ўзининг вебсайти орқали «Буш маъмурияти мамлакатни иқтисодий таназзулдан қутқара оладими?» деган савол билан онлайн - сўров ўтказганда, унда иштирок этган 131 минг 208 нафар кишидан 18 фоизгина «ҳа» деб, 82 фоизи эса «йўқ» деб жавоб берган эди.

Ҳақиқатдан ҳам, АҚШ нинг ўша пайтдаги Президенти Буш етакчилигидаги маъмурият мамлакатни таназзул домидан қутқара олмади. Гарчи, ноябр ойида компанияларнинг ноликвид активларини давлат томонидан сотиб олиш ва иқтисодий пасайиш даражасини камайтириш учун «Полсон режаси»га кўра 100 миллиард доллар ажратилган бўлса-да, вазият ўзгармади.

Бугунги кунда ишсизлик даражаси ортгандан ортиб бормоқда. АҚШ

Мехнат Вазирлигининг маълум қилишича, мамлакатда ишсизлар сони 13,2 миллион кишига етган. Жорий йилнинг март ойида мамлакатда ишсизлик 8,1 фоиздан 8,5 фоизга ошган. Ўтган бир ойнинг ўзида 69 минг киши ўз иш жойидан ажралган. Бу сўнгги 33 йил ичида энг ёмон кўрсаткичdir. Энг йирик завод “Chrysler” жорий йил охирига қадар бутун дунёдаги бўлимларида иш ўринларининг қарийб чорак қисмини қисқартиришни эълон қилди.

Япония корпорацияси 8 минг ходимини ишдан бўшатишини маълум қилди. Бу чора компанияга йилига 1,1 миллиард доллар тежаб қолиш имконини беради, дея хабар қиласи “Lenta.ru”. Компанияда 2008 йилда жами бўлиб 160 минг нафар ишчи фаолият кўрсатади. Шу тариқа “Sony” ўз ходимларининг қарийиб 5 фоизини ишдан бўшатади.

Россияда 2008 йилда иш ҳаки фонди тушиб кетди. Тахминларга кўра 2009 йилда 1 миллион нафар ишчи ишдан бўшатилади. Инфляция йил бошидан бери 3 фоизга етди, бюджет танқислиги оқибатида 1,7 миллион киши ишсиз қолган. Ўсиб бораётган ишсизлик шароитида 2009 йилда бюджет дефицити ЯИМнинг 10 фоизини ташкил қиласи.

2008 йил охирида “Sony” йиллик даромадларини икки бараварга камайтириб, бир қатор заводларини ёпишга ҳамда оммавий қисқартиришга мажбур эканлигини эълон қиласи. Шунингдек, компания электроника ишлаб чиқариш бўлимларидаги сармоясини 30 фоизга қисқартириб, зарур бўлмаган ишлаб чиқаришдан бош тортди.

Умуман олганда глобал молиявий инқироз ЯИМни ишлаб чиқариш суръатининг кескин пасайиши билан ишсизлик даражасининг юқори даражада интеграциялашиш натижасида жаҳон иқтисодиётини стагфляцияга<sup>34</sup> учрашига олиб келди. Бу жараён Ғарб мамлакатларида 70-йилларда, собиқ иттифоқда 80 – йиллар охири ва 90-йиллар бошида юз берди.

Хуллас, бугун бутун дунё жаҳон инқирози ваҳимасига тушиб қолган. Ишсизлик даражаси ошиб, аҳоли турмуш даражаси тушиб кетмоқда. 2009 йилда 1,4 миллиард киши (Бутунжаҳон меҳнат ташкилотининг маълумотига кўра), яъни сайёра аҳолисининг салкам чорак қисми қашшоқлик ёқасига келиб қолган...

### 3- О ҚИБАТ

#### *Бюджет тақчиллиги ортади*

Юқорида таъкидланганидек, молиявии инқироз дастлао 2007 йилнинг бошида АҚШнинг Калифорния ва Флорида штатларида кўчмас мулк бозорида бошланади. Бу ипотека кредитнинг банкларга тўлов муддатида қайтмаслиги ва фуқароларнинг ипотека кредит маблағлари ва фоизини тўлов қобилиятининг йўқлиги билан характерланади. Бундай қобилиятнинг йўқолиши фонд

<sup>34</sup> Стагфляция (лат. Stagno-қўлмак ва inflation-шишмоқ, пуфланган иқтисодиётнинг турғунлик, инфляция билан характерланувчи холати. Стагфляция белгилари: иқтисодий ўсиш ғоят суст боради ёки юз бермайди, ишсизлик кўпаяди, тирикчилик қиймати ўсади, инфляция кучаяди, ишлаб чиқариш қувватлари тўла ишлатилмайди, инвестиция жараёни сустлашади, ижтимоий барқарорлик ортади.

биржаларига, сўнгра банкларга кириб борди. Бу ҳол АҚШни қамраб олиб грипп ва бошқа инфекцион касалликлар эпидемияси сингари шахдам қадам ташлаб, бутун сайёрамизга тарқалади.

Шу тариқа молиявий инқироз ликвидлик муаммосига айланиб сурункали бюджет тақчиллигини юзага келтиради. Бу ҳолат домино эффекти сингари бир молиявий муассасадан бошқасига, бир мамлакатдан бошқа мамлакатга ёйилиб, дунёнинг етакчи фонд бозорларида энг йирик компаниялар индекслари ва акцияларидаги бозор қийматининг ҳалокатли даражада тушишига олиб келди.

#### 4- О ҚИБАТ

##### *Халқаро савдо ҳажми кескин камаяди*

Сўнгги йилларда ривожланган мамлакатларда сурункали бюджет тақчиллиги ва ташқи савдо сальдосининг кескин тушиши жаҳон молиявий инқирознинг муҳим оқибатларидан деб саналяпти (2-жадвал).

2-жадвал

##### **Дунёнинг айрим мамлакатлари ташқи савдо сальдосидаги ўзгаришлар (млрд. АҚШ долл.)**

| <b>Мамлакатлар</b>                      | <b>1996 йил</b> | <b>2007 йил</b> |
|---|-----------------|-----------------|
| <b>Ривожланган мамлакатлар, жами</b>    | <b>46,2</b>     | <b>-798,8</b>   |
| АҚШ                                     | -120,2          | -854,7          |
| Япония                                  | 65,4            | 81,0            |
| Европа Иттифоқи                         | 88,5            | -228,0          |
| Бошқалар                                | 12,5            | 202,2           |
| <b>Ривожланаётган мамлакатлар, жами</b> | <b>-87,5</b>    | <b>509,7</b>    |
| Хитой                                   | 7,2             | 562,0           |
| Яқин Шарқ ва Африка                     | 5,9             | 311,0           |
| Бошқалар                                | -100,6          | -363,3          |

Жадвалдан кўринадики, 1996 йилда ривожланган мамлакатлар ҳиссасига 46,2 млрд. доллар ҳажмдаги ижобий ташқи савдо сальдоси тўғри келган бўлса, 2007 йилга келиб бу кўрсаткич 798,8 млрд.доллар ҳажмдаги салбий сальдони, яъни тақчилликни ташкил қилган.

Аксинча, бу даврда ривожланаётган мамлакатларда бутунлай тескари манзара кузатилиб, уларнинг 87,5 млрд.долл. ҳажмдаги салбий ташқи савдо сальдосини 509,7 млрд.долл. ҳажмдаги ижобий ташқи савдо сальдосига айланган.

Жаҳон иқтисодиётида кузатилган бундай номутаносиблик ҳолатлари, яъни ривожланаётган мамлакатлар савдо балансида ижобий сальдо ўсаётган шароитда айрим ривожланган мамлакатлар ташқи савдо балансидаги йирик миқдордаги тақчилликнинг вужудга келиши дунё мамлакатлари валюта захираларининг ўзгаришига олиб келди. Хусусан, кейинги йилларда Хитой, Япония, Яқин Шарқ мамлакатлари валюта захиралари кескин ўсади.

Маълумотларга кўра, сўнгги пайтларда халқаро валюта захираларининг 3,4 трлн.доллари, яъни жами захираларининг қарийб 59% Осиёning 10 та мамлакати ҳиссасига тўғри келмоқда.


Бундай юқори даражадаги дисбаланс, номувофиқликнинг мавжудлиги, хусусан Хитой савдо балансида йирик микдордаги профицит, АҚШда эса, аксинча катта микдордаги дефицит сақланиб қолмоқда. Ажабланарлиси, АҚШ савдо баланси дефицитнинг қарийб 90 фоизи Хитой, Япония, Германия ва Араб давлатлари савдо балансидаги профицит ҳисобидан қопланмоқда.

Бундан ташқари, 10 та Осиё давлатига жаҳон халқаро валюта захираларининг 59 фоизи (3,4 триллион АҚШ доллари) тўғри келмоқда. Шундай шароитда 1957 йилдаги Мексикадан хорижий инвестицияларнинг чиқиб кетиши билан боғлиқ инқироздан етарли хулоса чиқармаган АҚШ ҳукуматининг ташки қарзлари ўсиб борди ва жами ҳукумат қарзларининг таркибида ташки қарзларнинг салмоғи қарийб 44%дан ортиб кетди. Бу ҳолат биринчидан, кредиторларнинг АҚШ миллий иқтисодиётининг барқарорлигидан манфаатдорлигини ортишига ва Федерал бюджетнинг қарзлар амортизацияси ҳамда фоизларни тўлаш учун қарзларга хизмат кўрсатиш бўйича давлат харажатларининг ортишига ҳам олиб келди.

5-расмдан кўриниб турибдики, кейинги 4 йил мобайнида хусусан, АҚШ ва айрим Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги давлатлари (Қирғизистондан ташқари) ташки қарзларининг ялпи ички маҳсулотларига нисбатан салмоғи ортиб борган. Хусусан, 2008 йилда АҚШ ташки қарзларининг ялпи ички маҳсулотга нисбатан салмоғи қарийб 90%ни ташкил қилган.

Бу кўрсаткич Россияда 37%ни, Қирғизистонда 102%ни, Украинада 64%ни ташкил этган. Қирғизистонда эса кейинги 3 йил мобайнида пасайиш тенденцияси кузатилиб 2008 йилда 81%ни ташкил қилган.

Бу борада Ўзбекистон Республикасида ижобий тенденция кузатилмоқда. Яъни, амалга оширилган оқилона иқтисодий сиёsat натижасида ташки қарзларнинг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғи 2005 йилдаги 29%дан 2008 йилда 13,3%га қадар қисқарган.



**5-расм. Жаҳондаги айрим давлатлар ташки қарзининг ЯИМга нисбатан динамикаси, фоизда.**

## 5- О ҚИБАТ

### Хорижий инвестициялар оқими кескин камаяди

Маълумки, хорижий инвестицияларни жалб қилишда қўйидаги омиллар устувор аҳамиятга эга:

❖ “Очиқ эшиклар” сиёсати

❖ Кулай инвестиция муҳити

❖ Имтиёз ва афзалликлар тизими

Молиявий инқирознинг глобаллашуви жаҳон хўжалиги интеграциясида иштирок этувчи ҳар бир мамлакатнинг инвестицион фаолиятига ўз таъсирини кўрсатади ва инвестициялар оқимини кескин камайишига олиб келади. Бу ҳолат эса ишсизлик даражсаннинг ортиши билан боғлиқ жиддий ижтимоий муаммоларни келтириб чиқаради.

### Назорат саволлари

1. Инқироз деганда нимани тушунасиз?
2. Молиявий инқироз иқтисодий инқироздан нима билан фарқ қиласди?
3. Социал соҳада ҳам инқироз бўлиши мумкинми?
4. Рецессия нима?
5. Секьюритизация деганда нимани тушунасиз?
6. Ипотека кредити тижорат кредитидан нима билан фарқ қиласди?
7. Молия бозори деганда нимани тушунасиз? Фонд бозори деганда-чи?
8. Валюта фонди нима мақсадда ташкил этилган?
9. Депрессия нима?

### Фойдаланилган адабиётлар:

#### Махсус адабиётлар

1. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 2017 йил 16 январ, № 11 (6705)

2. Эркин ва фаровон, демократик ўзбекистон давлатини биргалиқда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига багиитанган Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисидаги нутқи, Тошкент - «Ўзбекистон» - 2016

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонига 1-илова, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси Shelagh Heffernan, Modern Banking, John Wiley & Sons Ltd, The Atrium, Southern Gate, Chichester, West Sussex PO19 8SQ, England, 2005

4. Murray N. Rothbard, The Mystery of banking, Ludwig von Mises Institute, Auburn, Alabama, 2008

5. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарини ўрганиши бўйича ўқув-услубий қўлланма, Тошкент «IQTISOD-MOLIYA» 2009

6. Муллажонов Ф.М. ва бошқалар. Ўзбекистон Республикаси банк тизими. Т. ”Ўзбекистон” 2011.

7. Норқобилов С., Дадабоева Ҳ., Жўраев Ў. Халқаро амалиётда банк назорати. Магистрлар учун дарслик / Тошкент Молия институти.–Т.: “IQTISOD–MOLIYA”, 2007, 180 бет.

### **Интернет ресурслари**

1. [www.economics.ru](http://www.economics.ru)
2. [www.ifmr.uz](http://www.ifmr.uz)
3. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
4. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
5. [www.bankir.uz](http://www.bankir.uz)
6. [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz)
7. [www.bankinfo.uz](http://www.bankinfo.uz)
8. [www.uzland.uz](http://www.uzland.uz)
9. [www.google.uz](http://www.google.uz)

## **IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ**

### **Масала №1**

Акциядорлик жамиятининг устав капитали 1 миллиард сўм бўлиб, унинг таркибида 80 фоизи оддий акциялар ва 20 фоизи имтиёзли акциялардан иборат. Акцияларнинг номинал қиймати 10000 сўм. Акциядорлик жамиятининг уставида имтиёзли акциялар бўйича йиллик дивиденд 15 фоиз қилиб белгиланган. Акциядорлик жамиятининг умуий йиғилишида йил натижаларига асосан акциялар бўйича дивидендларни тўлаш учун жами 200 миллион сўм ажратилди. Ажратилган суммадан имтиёзли акцияга қанча дивиденд ва оддий акцияга қанча дивиденд тўланишини ҳисобланг.

### **Масала №2**

Акциядорлик жамиятининг акциясини номинали 10000 сўм. “Тошкнет” Республика фонд биржасида акциядорлик жамиятининг ҳар бир акцияси 14500 сўмдан сотилди. Акциядорлик жамияти акциясининг бозор курсини ҳисобланг.

### **Масала №3**

Сармоядор биржадан номинали 10000 сўм бўлган корпоратив облигацияни 9000 сўмдан сотиб олди. Мазкур корпоратив облигация бўйича йиллик фоиз ставкаси 20 фоиз ва фоиз йил охирида тўланади. Корпоратив облигациянинг амал қилиш муддати 3 йил. Корпоратив облигациянинг жорий даромадлилигини ҳисобланг.

### **Масала №4**

Акциядорлик жамиятининг устав капитали 2 миллиард сўм бўлиб, унинг таркибида 90 фоизи оддий акциялар ва 10 фоизи имтиёзли акциялардан иборат. Акцияларнинг номинал қиймати 20000 сўм. Акциядорлик жамиятининг уставида имтиёзли акциялар бўйича йиллик дивиденд 10 фоиз қилиб белгиланган. Акциядорлик жамиятининг умуий йиғилишида йил натижаларига асосан акциялар бўйича дивидендларни тўлаш учун жами 250 миллион сўм ажратилди. Ажратилган суммадан имтиёзли акцияга қанча дивиденд ва оддий акцияга қанча дивиденд тўланишини ҳисобланг.

### **Масала №5**

Акциядорлик жамиятининг акциясини номинали 15000 сўм. “Тошкнет” Республика фонд биржасида акциядорлик жамиятининг ҳар бир акцияси 27500 сўмдан сотилди. Акциядорлик жамияти акциясининг бозор курсини ҳисобланг.

### **Масала №6**

Сармоядор биржадан номинали 100000 сўм бўлган корпоратив облигацияни 95000 сўмдан сотиб олди. Мазкур корпоратив облигация бўйича йиллик фоиз ставкаси 20 фоиз ва фоиз йил охирида тўланади. Корпоратив облигациянинг амал қилиш муддати 3 йил. Корпоратив облигациянинг жорий даромадлилигини ҳисобланг.

## **Масала №7**

Марказий банкдан тижорат банки 7 иш қунига 200 млн. сўм кредитни юқориликвид активлар гарови асосида, тўлаши кечиктириб бўлмайдиган тўловлар учун беришни илтимос қилди. Марказий банкда депонентланган мажбурий захиралари 600 млн. сўмна ташкил қилади. Гаровга 200 млн. сўмлик давлат қимматли қоғозлари тақдим этилади.

Қуйидаги саволларга жавоб беринг.

1. Ушбу кредитни олишга қандай банкларнинг ҳуқуқи бор?
2. Ушбу тижорат банкига қандай хажимда кредит бериш мумкин?
3. Гаров объекти бўлиб қандай давлат қимматли қоғозлари ҳисобланади?
4. Ушбу кредит қандай фоиз ставкалари бўйича берилиши мумкин?
5. Кредит муддатида қайтарилмаса қандай иқтисодий чора кўрилиши мумкин?

## **Масала №8**

Фуқаро Икромов А. ўзининг ихтиёридаги депозит омонат-сертификатини муддатдан олдин топширмоқчи. Депозит – омонат сертификатини номинали 50000 сўм, амал қилиш муддати 1 йил ва у бўйича йиллик фоиз ставкаси 16 фоизни ташкил этади. депозит – омонат сертификати бўйича 7 ой муддат ўтган. Тижорат банки фуқаро Икромов А.га депозит – омонат сертификати бўйича қанча миқдорда фоиз тўлаб беради.

## **Масала №9**

Сармоядор биржадан номинали 100000 сўм бўлган корпоратив облигацияни 85000 сўмдан сотиб олди. Мазкур корпоратив облигация бўйича йиллик фоиз ставкаси 16 фоиз ва фоиз йил охирида тўланади. Корпоратив облигациянинг амал қилиш муддати 3 йил. Корпоратив облигациянинг жорий даромадлигини ҳисобланг.

## **Масала №10**

Акциядорлик жамиятининг акциясини номинали 20000 сўм. “Тошкнет” Республика фонд биржасида акциядорлик жамиятининг ҳар бир акцияси 45500 сўмдан сотилди. Акциядорлик жамияти акциясининг бозор курсини ҳисобланг.

## **Масала №11**

Марказий банкдан тижорат банки 2 иш қунига 500 млн. сўм кредитни юқориликвид активлар гарови асосида, тўлаши кечиктириб бўлмайдиган тўловлар учун беришни илтимос қилди. Марказий банкда депонентланган мажбурий захиралари 1000 млн. сўм ташкил қилади. Гаровга 400 млн. сўмлик давлат қимматли қоғозлари тақдим этилади.

Қуйидаги саволларга жавоб беринг.

1. Ушбу кредитни олишга қандай банкларнинг ҳуқуқи бор?
2. Ушбу тижорат банкига қандай хажимда кредит бериш мумкин?
3. Гаров объекти бўлиб қандай давлат қимматли қоғозлари ҳисобланади?
4. Ушбу кредит қандай фоиз ставкалари бўйича берилиши мумкин?

5. Кредит муддатида қайтарилемаса қандай иқтисодий чора кўрилиши мумкин?

### **Масала №12**

Акциядорлик жамиятининг устав капитали 2 миллиард сўм бўлиб, унинг таркибида 95 фоизи оддий акциялар ва 5 фоизи имтиёзли акциялардан иборат. Акцияларнинг номинал қиймати 15000 сўм. Акциядорлик жамиятининг уставида имтиёзли акциялар бўйича йиллик дивиденд 10 фоиз қилиб белгиланган. Акциядорлик жамиятининг умуй йиғилишида йил натижаларига асосан акциялар бўйича дивидендерни тўлаш учун жами 200 миллион сўм ажратилди.

Ажратилган суммадан имтиёзли акцияга қанча дивиденд ва оддий акцияга қанча дивиденд тўланишини ҳисобланг.

## V.КЕЙСЛАР БАНКИ

### 1-Кейс

Ёғочни қайта ишлаш уюшмаси факторинг фирмаси билан регресс хуқуки билан ҳисобларнинг олдиндан тўлови бўйича факторинг хизматидан фойдаланишга шартнома тузди. Шартномага мувофиқ рақам - фактураларнинг олдиндан толови бўйича аванс тўлови ҳисоб микдорининг 90% ини ташкил қиласи. Факторинг хизмати учун комиссион тўловлар рақамлар айланмасидан йиллик 0.75% га тенг деб белгиланди. Фирма берган баҳоси бўйича шубҳали қарзлар учун рақам айланмасидан 2.5% йиллик комиссион тўлов олади. Бу фоиз ўтган йилга нисбатан кўпdir. Рақам- фактураларнинг ўртacha айланиши - 45 кун. Банк кредити бўйича фоиз ставкаси - йиллик 18%.

Махсулот реализациясининг йиллик айланмаси – 22 млн. сўм. Ундан 60%и факторинг фирмасига келиб тушган. Махсулот реализацияси ҳар ойда бир текисда амалга оширилади.

#### Топиш керак:

- Етказиб берувчи ва фирма ўртасидаги факторинг шартномаларини турларини айтинг. Хозирги пайтда шартноманинг қайси тури тузилган ва унинг асосий шартлари кандай.
- Ушбу шартнома асосида фирма режалаштираётган фойда суммасини ҳисобланг.
- Факторинг фирмаси рискни камайтиришнинг қайси усулини қўллашини кўрсатинг.

### 2-Кейс

Куйидаги жадвалда тижорат банклари баланс маълумотлари келтирилган.

| Кўрсаткичлар                 | Тижорат банклари      |                    |  |                        |                   |  |
|------------------------------|-----------------------|--------------------|--|------------------------|-------------------|--|
|                              | Ўз РТИФ Миллий Банки  |                    |  | АТБ "Агробанк"         |                   |  |
|                              | мқидори,<br>(млн.сўм) | салмоги,<br>фоизда | жами банк<br>капиталид<br>аги улуши,<br>фоизда | микдори,<br>(млн. сўм) | салмог,<br>фоизда | жами банк<br>капитал-<br>идаги<br>улуши,<br>фоизда |
| I даражали капитали          |                       |                    |  |                        |                   |  |
| Устав капитали               | 22 386                |                    |  | 50 000                 |                   |  |
| Кўшилган<br>капитали         | 0                     |                    |  | 1 444                  |                   |  |
| Капитал захиралар            | 18 082                |                    |  | 52 493                 |                   |  |
| Девальвация<br>захираси      | 503 705               |                    |  | 0                      |                   |  |
| Таксимланмаган<br>фойда      | 67 080                |                    |  | 16 404                 |                   |  |
| Жами:                        |                       |                    |  |                        |                   |  |
| II даражали капитал          |                       |                    |  |                        |                   |  |
| Жорий йилнинг<br>соғ фойдаси | 30 388                |                    |  | 10 499                 |                   |  |

|                          |         |  |  |         |  |  |
|--------------------------|---------|--|--|---------|--|--|
| Карт баҳолаш захираси    | 3 875   |  |  | 394     |  |  |
| Субординар қарз          | 0       |  |  | 0       |  |  |
| Жами:                    |         |  |  |         |  |  |
| <b>Регулятив капитал</b> | 645 776 |  |  | 131 233 |  |  |

**Аниқланг:**

1. Тижорат банклари капитали таркиби ва динамикасига тавсиф беринг.
2. Тижорат банкларидағи жами I- даражали ва II- даражали капитал миқдорини ва улушини ҳисобланг.
3. Банкнинг жами ва регулятив капиталини аниқланг.
4. Умумий хulosа беринг.

### **З-кейс**

Маер Амшел Ротшилд Ротшилд банкирлари сулоласи асосчиси ва машхур немис банкири бўлиб инсоният таърихидаги энг бадавлат оила саналади. Уни баъзи бир манбаларда Халқаро молиячиларнинг отаси деб билишади, шунингдек ҳамма вақтнинг энг буюк йигирмата бизнесменларнинг ичидан 2005-йилдаги кўрсаткичларга биноан Forbes оммабоп журналида 7- ўринни эгаллаган.

Маер Амшел Ротшилд 1744-йилнинг қишида Майндаги Франкфуртдаги келиб чиқиши яхудий миллатига мансуб Амшел Моисей Ротшилд (1755-йилда вафот этган) ва Шонче Ротшиллар оиласининг саккизинчи фарзанди бўлиб дунёга келган. Ротшиллар авлоди аслида бу исмни 1577-йилдан бери давом эттиришади ва биринчилардан бўлиб бу номни Изак Элchanan Ротшилд ўзининг исмига қўшиб олган. Бу ҳолатга унинг уйи Жуденгассе пештоқида битилган Зум Ротен Шилд деган сўзларга бўлган қизиқиш сабаб бўлган. Кейинчалик набиралари унинг шарафига бу фамилияни ўз наслдошлар орасида давом эттириб келишади ва 1664-йилда Ротшиллар оиласи бошқа Жуденгассе – Хинтерфян номли уйга кўчиб ўтишган, шунингдек ушбу ҳонадон Ротшилларнинг фикрича, 19-асрнинг бошига қадар оилавий бизнесни ривожлантирган уй деб ҳисоблашган. Маернинг отаси валюталар айирбошлиш ва савдогарлик бизнесига эга бўлган ҳамда ўша даврларда шахзода Гессеннинг шахсий танга бўйича ҳомийси бўлган. Оилавий уйлари эса, унинг отаси барпо этган дўйоннинг устки қисмida жойлашган бўлиб, энига уйнинг ҳажми 3.4 метрни ташкил этган. Лекин уйнинг торлигига қарамасдан ўша даврда ушбу ҳонадонда 30 кишидан ортиқ одам яшаган.

**Мухокама учун саволлар:**

1. Нима деб ўйлайсиз, банкларни ривожланишида банкирлар оиласининг аҳамияти мавжудми?
2. Агар сиз ҳам банкирлар оиласи аъзоси бўлганингизда иқтисодиётда қандай ишларни амалга оширган бўлардингиз?
3. Нима сабабдан Ротшиллар оиласидан кредит олиш осон ҳисобланган?
4. Бошқа банкирлар оиласини биласизми?

## 5. Банкирлар оиласининг камчиликлари ва авзаликлари?

### 4-кейс

ЖТТБ-дунёда биринчи давлатлараро инвестициялар институти булиб, ХВФ билан бир вактда 1944 йилнинг июл ойида ташкил килинган.

Жаҳон бозорининг ташкилий тизими раҳбар ташкилоти бўлиб Бошқарувчилар Кенгаши директорлар (ижрочи ташкилотлар) ҳисобланади.

1993 йилга кадар ЖБ аъзолари сони 176 тага этди, шунга қарамай, Банк тизимининг унча катта булмаган иқтисодиёти ва ишлаб чиқариши ривожланган мамлакатлар гуруҳи бошқаради. АҚШ бунга бошчилик қиласди. 1993 йилнинг 30 июнидан бошлаб банк фаолиятини «эттилик» бошқаради, бу АҚШ, Франция, Япония, Германия, Буюк Британия, Италия ва Канада давлатларидир.

ЖБ Бош органи Вашингтонда жойлашган ва АҚШ ўзининг устиворлигини доим билдириб турди, лекин кейинги пайтларда Ғарбий Эвропа ва Япония мамлакатларининг таъсири кучаймоқда.

ЖБ президенти Америка мамлакатининг давлат раҳбарлари ёки молия тизимининг бошқарувчиларидан сақланиб келган. 1968-81 йилларда АҚШ мудофаа вазири Р.Макнамара, ундан кейин АҚШ хусусий банклар президенти О.Клаузен бўлган. 1980 йил охирларидан АҚШ Конгресининг аъзоси Б.Коннейбл раҳбарлик қиласди, 1990 йиллардан буен яна бу лавозимни молия бизнеси вакили Л.Крестон эгаллади.

Ўз фаолиятини эса 1946 йил июлдан бошлаган. Ҳозирги қунга келиб унинг ажратган қарзлари жами 594 млрд \$ га этди. Унинг аъзолари сони 184 тани ташкил этади.

Ходимлари сони 10000 дан ортиқ бўлиб дунёда 120 дан ортиқ оғисига эга Банк асосан икки турдаги ссудалар ажратади:

- бири бу иқтисоий-ижтимоий ривожланишни рақбатлантириш мақсадида Инвестицион ссудалар;
- иккинчиси сиёsat ва институционал ислоҳотларни молиялаштириш мақсадида Ривожланиш сиёsatи қарзларидир.

Ўзбекистон Жаҳон банкига 1992 йил 21 сентябрда аъзо бўлди, унинг олдидағи мажбуриятлари бажариш учун 12,1 млн. АҚШ доллари миқдорда бадал тўлади.

Жаҳон банки 1993 йили Тошкентда ўз ваколатҳонасини очди ва унинг Ўзбекистондаги асосий йўналишлари қуидагилардан иборатdir:

- Ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳаларни ривожланишиш бўйича лойиҳаларни амалгам оширишга молиявий жиҳатдан кўмак бериш;
- Бозор структурасининг шаклланишида техник ёрдам кўрсатиш;
- Мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш

Жаҳон банки гурухининг Бошқарувчилар кенгаши 06.12.11да банкнинг Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилишининг янги стратегиясини қабул қиласди. Ушбу стратегия Жаҳон банкининг 2012-2015 – йиллардаги Ўзбекистондаги фаолияти бўйича бош дастур бўлиб хизмат қиласди.

Ушбу йиллар давомида банк Ўзбекистонга 1,3 миллиард доллар миқдорида молиявий пакетни тақдим қилиб, унинг ичига Жаҳон банки гуруҳи таркибига

кирувчи Халқаро ривожланиш ассоциациясининг (International Development Association) имтиёзли кредитлари ва Халқаро тараққиёт ва тикланиш банкининг (International Bank for Reconstruction and Development) қарзлари киради.

Янги стратегияни амалга оширишда 2008-2011 – йиллар давомида амалга оширилган олдинги стратегиянинг ижобий тажрибаларидан фойдаланилади, – дейди Жаҳон банкининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Такуя Камата. Ўзбекистон улкан имкониятларга эга мамлакат. Мамлакат ёшлари яхши таълимга эга – бу бебаҳо ресурс”.

**Мухокама учун саволлар:**

1. Жаҳон банки кредитларни қандай мамлакатларга беради?
2. Жаҳон банкининг Ўзбекистон билан алоқалари қандай ҳолатда?
3. Жаҳон банкининг авзалликлари ва камчиликлари.
4. Мамлакатлар ўртасида иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришда Жаҳон банкининг ўрни қандай деб ўйлайсиз?

## **VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ**

### **1) Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

«Замонавий банк иши» модули бўйича тингловчиларнинг мустақил таълими шу модулни ўрганиш жараёнининг таркибий қисми бўлиб, услугий ва ахборот ресурслари билан тўла таъминланган.

Ушбу модулни тингловчилар томонидан ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш мақсадида қўйидаги кўринишда мустақил ишлар ташкил этилади:

- аудитория шароитида- тест ( 0.5 балл);
- аудиториядан ташқари – кейс( 1 балл) ва реферат ( 1 балл).

Модулга оид кейс-стади ва рефератни Ахборот ресурс маркази манбалари ҳамда изланиш обьекти бўлмиш тижорат банкларининг иқтисодий кўрсаткичлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларини тўплаган ҳолда бажарилади. Мустақил таълим натижалари модул бўйича баҳолаш мезонлари асосида баҳоланади.

### **2) Мустақил таълим мавзулари**

1. Ўзбекистон республикасининг бугунги кундаги банк тизими ва унинг асосий операциялари.

2. Тижорат банклари капиталига қўйилган талаблар.

3. Ўзбекистон республикаси Марказий банки томонидан тижорат банкларини назорат қилиш ва фаолиятини тартибга солиш инстурментлари. Тижорат банкларининг бугунги кундаги фаолиятини такомиллаштириш муаммолари.

4. Ҳисоб-китоб операцияларининг иқтисодий мазмуни ва моҳияти.

5. Банк электрон тўлов тизими. Банк пластик карточкалари билан ҳисоб-китоблар.

6. Факторинг ҳисоб-китоблар моҳияти. Факторинг турлари ва уларга характеристика.

7. Тижорат банкларининг маблағлари ва уларнинг таркибий тузилиши. Банкларнинг пассив операциялари. Тижорат банклари кредит потенциалини тузилиши.

8. Тижорат банклари капитали ва уларни таркиби.

9. Марказий банк томонидан тижорат банклари капиталига қўйилган талаблар.

10. Капитални етарлилик курсатгичи.

11. Тижорат банклар фаолиятида депозит операцияларини аҳамияти ва ташкил қилиш қоидалари.

12. Банкларнинг молия бозоридан оладиган маблағлари ва уларни купайтириш йуллари.

13. Банк кредит потенциалига таъсир қилувчи омиллар ва уларни бошқариш.

14. Тижорат банкларининг актив операциялари ва уларни таркибий

тузилиши.

15. Банк активларнинг риск ва даромад даражаси бўйича тавсифи. Банкларнинг кредит операциялари ва уларни такибий тузилиши.

16. Тижорат банклари кредит портфели, унинг баҳоси ва бошқарилиши. Тижорат банклар томонидан замонавий кредитлаштириш тизими.

17. Тижорат банкларининг кредит сиёсатини намоён қилувчи омиллар. Кредит бериш тамойиллари ва уларнинг қисқача тавсифи.

18. Кредит таъминоти ва уни ҳозирги кундаги мавжуд муаммолари.

19. Банк ссудалари, қаттиқ, гаров ва қимматбаҳо қофозларни таъминлаш формалари ва кўринишлари.

20. Векселлардан, факторингли операциялардан ва шу кабилардан фойдаланиш механизми ва тартиби.

21. Банк ссудаларини таъминлаш шакллари ва турлари.

22. Жаҳон молиявий инқирози шароитида республикада молиявий бозорнинг роли.

23. Молиявий бозор ва бунда тижорат банкларининг роли.

24. Қимматбаҳо қофозлар бозорини тузулиши ва қатнашчилари. Банкларнинг қимматбаҳо қофозлар бўйича тижорат ва инвестицион операциялари.

25. Банк қимматбаҳо қофозларни эмитенти сифатида, банкларнинг эмиссион таъсис фаолиятини ташкил этиш.

26. Қимматбаҳо қофозлар бўйича банкларнинг воситачилик операцияларини мазмуни.

27. Банкларнинг брокерлик операцияларини амалга ошириш қонунлари. Банкларнинг қимматбаҳо қофозлар операцияларини тартибга солиш хужжатларини расмийлаштириш, жамгарма сертификатлари.

28. Вексель умумий кредит ва ҳисоб-китоб хужжати сифатида.

29. Тижорат банкларининг қимматбаҳо қофозлар билан актив операциялари ва уларни туркумланиши.

30. Тижорат банклари инвестиция операцияларининг тузилиши ва уларни банк даромадини оширишдаги роли.

31. Валюта муносабатлари ва валюта операциялари.

32. Валюта муносабатлари тизимида банкларнинг ўрни, валюта операцияларини олиб боришда банкларнинг хукуқи, банкларни валюта операцияларини лицензиялаш тартиби.

33. Ҳалқаро валюта қонунчилиги. Ўзбекистон Республикаси валюта қонунчилиги.

34. Тижорат банклари томонидан валюта операцияларини ўтказиш тартиби. Валюта бозори ва валюта биржаси.

35. Тижорат банклари томонидан мижозларни чет эл валютасида кредитлаш тартиби.

36. Ҳалқаро ҳисоб-китоблар ва унинг республика тижорат банклари томонидан ишлатиладиган асосий шакллари.

37. Валюта операцияларини ўтказиш қисми бўйича банкларнинг корреспондент муносабатлари.

38. Банк операциялари рисклари ва уларни пайдо бўлиш сабаблари.
39. Банклар таваккалчилигининг классификацияси ва уларга тавсиф.
40. Базель талаблари ва уларнинг банк тизимидағи аҳамияти.
41. Қарз олувчилар билан боғлиқ бўлган таваккалчилик.
42. Кредит таваккалчилиги-кредит олувчига тегишли бўлган асосий, фоиз ва улушни туланмай қолиш таваккалчилигининг ўрни.
43. Кредит таваккалчилигидан ҳимояланишни таъминловчи омиллар.
44. Накд пулсиз ҳисоб-китоблар соҳасида банк таваккалчилиги ва унинг турлари.
45. Тижорат банклари рискларини баҳолаш ва бошқариш усуллари. Тижорат банклари таваккалчилиги бошқариш воситалари.
46. Ўзбекистондаги тижорат банкларда вужудга келадиган рисклар. Республикабанк тизимида банк таваккалчилигининг суғуртасини ривожлантириш муаммолари ва истиқболлари.
47. Банк баланси ликвидлилиги ва тўлов қобилияти тушунчаси.
48. Банк назоратини такомиллаштиришда хориж тажрибаси.
49. Тижорат банклари баланси ликвидлилиги курсатгичлари.
50. Марказий банк томонидан тижорат банклари ликвидлилиги ва тўлов қобилиятини тартибга солиш.

## VII. ГЛОССАРИЙ

| <b>Термин</b>             | <b>Ўзбек тилидаги шарҳи</b>  | <b>Инглиз тилидаги шарҳи</b>   |
|---------------------------|--|--|
| <b>Банк активлари</b>     | бу банкка тегишли ҳамда моддий қийматга эга бўлган қийматликлар: нақд маблағлар, қарзларга берилган маблағлар, бинолар ва асбоб-ускуналардан ташкил топади   | What a bank owns, including loans, reserves, investment securities, and physical assets. Bank assets are typically listed on the left-hand side of a bank's balance sheet.           |
| <b>Банк ликвидлилиги</b>  | Банк ликвидлиги – бу банк томонидан ўзининг жорий ва келажакдаги мажбурият ва тўловларини ҳамда кредит бўйича мижозларнинг талабларини ўз вақтида бажариш мақсадида керакли вақтда ва микдорда, зарар кўрмасдан ликвид маблағларни жалб қила олиш қобилиятларининг йиғиндинсиdir | A bank's liquidity is determined by its ability to meet all its anticipated expenses, such as funding loans or making payments on debt, using only liquid assets.                    |
| <b>Бозор риски</b>        | Валюта риски, фоиз риски ва фонд риски   | Market risk is the risk of losses due to adverse market movements depressing the values of the positions held by market players.   |
| <b>Валюта риски</b>       | Валюта курси ўзгариши оқибатида юзага келадиган йўқотишлар   | Foreign exchange risk is the risk of incurring losses due to fluctuations of exchange rates.   |
| <b>Капитал етарлилиги</b> | банкнинг тўловга қобиллиги ва ликвидлигини таъминлаш имконини берадиган капиталнинг зарурый минимал даражаси   | Percentage ratio of a financial institution's primary capital to its assets (loans and investments), used as a measure of its financial strength and stability.                      |
| <b>Кредит риски</b>       | кредитни ўз ватида кайтарилимаслиги ва кредит шартларини бажарилмаслик хавфи.  | Credit risk is the risk of losses due to borrowers' default or deterioration of credit standing. Default risk is the risk that borrowers fail to comply with their debt obligations. |
| <b>Ликвидлилик риски</b>  | Банк мажбуриятларини ўз вақтида бажараолмаслик хавфи.  | Liquidity risk is broadly defined as the risk of not being able to raise cash when needed.   |
| <b>Операцион риск</b>     | Информацион тизимлардаги носозликлар, кредит операцияларини амалга оширишда ходимлар малакасининг етишмаслиги,   | Operational risks are those of malfunctions of the information system, of reporting systems, of internal risk monitoring rules and of procedures designed to                         |

|                                     |  |  |
|-------------------------------------|--|--|
|                                     | персоналнинг фирибгарлик риски   | take corrective actions on a timely basis.   |
| <b>Пассив</b>                       | талаb қилиб олингунча сақланадиган депозитлар; жамғарма депозитлар; муддатли депозитлар; банкларнинг депозитлари; банклараро ссудалар; | Something that you owe. The biggest liabilities for most consumers are loans, including mortgages, car loans, credit-card balances, and installment accounts at stores.  |
| <b>Риск</b>                         | Кредит муассасалари томонидан амалга оширилувчи банк операциялари характеридан келиб чикувчи зарар кўриш хавфи                         | Risk in finance is defined as the randomness of the return of investments, including both positive and negative outcomes. Under this view, a greater expected return is associated with a greater variability of outcomes.   |
| <b>Риск менжмент</b>                | Риск даражаси таҳлили ва оптимал стратегияни аниқлаш   | Risk management is the identification, assessment, and prioritization of risks followed by coordinated and economical application of resources to minimize, monitor, and control the probability and/or impact of unfortunate events or to maximize the realization of opportunities. Risk management's objective is to assure uncertainty does not deflect the endeavor from the business goals |
| <b>Тўловга қобилиятсизлик риски</b> | Зарарларни қоплаш имконияти пасайиш хавфи  | Solvency risk is the risk of being unable to absorb losses with the available capital.   |
| <b>Фоиз риски</b>                   | Фоиз ставкаларининг ўзгариши натижасида юзага келадиган йўқотишлар хавфи   | The interest rate risk is the risk of declines of net interest income, or interest revenues minus interest cost, due to the movements of interest rates.   |

## VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### 1. Махсус адабиётлар

1. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларга бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 2017 йил 16 январ, № 11 (6705)

2. Эркин ва фаровон, демократик ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига багиитанган Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисидаги нутқи, Тошкент - «Ўзбекистон» - 2016

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонига 1-илова, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси

4. Shelagh Heffernan, Modern Banking, John Wiley & Sons Ltd, The Atrium, Southern Gate, Chichester, West Sussex PO19 8SQ, England, 2005

5. Murray N. Rothbard, The Mystery of banking, Ludwig von Mises Institute, Auburn, Alabama, 2008

6. Муллажонов Ф.М. ва бошқалар. Ўзбекистон Республикаси банк тизими. Т. ”Ўзбекистон” 2011.

7. Omonov A., Qoraliyev T., Banklarda buxgalteriya hisobi. “Iqtisod-moliya” 2014.

8. Navro‘zova K., Ortiqov O., Naqd pulsiz hisob-kitoblar va to‘lov tizimi. “Iqtisod-moliya” 2014.

9. Норқобилов С., Дадабоева X., Жўраев Ў. Халқаро амалиётда банк назорати. Магистрлар учун дарслик / Тошкент Молия институти.–Т.: “IQTISOD–MOLIYA”, 2007, 180 бет.

### 2. Интернет ресурслари

1. [www.economics.ru](http://www.economics.ru)
2. [www.ifmr.uz](http://www.ifmr.uz)
3. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
4. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
5. [www.bank.uz](http://www.bank.uz)
6. [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz)
7. [www.bankinfo.uz](http://www.bankinfo.uz)
8. [www.uzland.uz](http://www.uzland.uz)
9. [www.google.uz](http://www.google.uz)